



العلماء


6
1998



Handwritten signature or mark in blue ink.



Мусаввир ЖАСРОН.
Имом Бухорий. Мато, мойбўёқ,
1998 йил.



Пиллакор
Хусан ота Пардаев
портрети.
Мато, мойбўёқ,
1989





6
1998

ноябрь-декабрь

Ижтимоий-сиёсий,
илмий-оммабоп ва
бадий безакли журнал

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Маданият ишлари
вазирлиги

Бош муҳаррир:
Тилаб МАҲМУДОВ.

Таҳрир ҳайъати:

*Рустам АБДУЛЛАЕВ,
Абдумўмин БОЙМАТОВ,
Жуманиёз ЖАББОРОВ,
Асқар МАҲКАМ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Тоҳир МИРЖАЛИЛОВ,
Жасур РАСУЛТООЕВ,
Маъпура НАБИЕВА
(масъул котиб),
Муҳсин ҚОДИРОВ,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Тўхтасин ҒОФУРБЕКОВ,
Дехқонбой ҲУСАНОВ.*

Журнал 1925 йилдан
чиқа бошлаган.

УШБУ СОНДА

Тилаб МАҲМУДОВ. Таълим-тарбияда ҳикмат кўп, ҳикмат!.....	2
Равшан РАҲМОНОВ. Огоҳликка даъват ("Агар огоҳ сен..." китобини ўқиб).....	5
Марфуа ҲАМИДОВА, Баҳодир АБДУРАҲИМОВ. Аср сўнггида	7
Болтабой ШОДИЕВ. Наврўзи олам.....	10
Лаълихон ЯҲЁЕВА. Тараққиёт – баркамол авлодники.....	14
Феруза ЁҚУБОВА. Мусиқа ва инсон камолоти.....	17
Гулчеҳра УМАРОВА. Симфония – мўъжизали олам.....	18
Муҳайё МИРЗАЕВА. Қонун тарихига оид.....	19
Жўрабой ЖАББОРОВ. Оила – муқаддас маскан.....	20
"ГУЛИСТОН" ДЕВОНИДАН. "Шеър ёзавер, она Туркистон" (Шеърлар туркуми).....	22
Маҳмуда АБДУЛЛАЁРОВА. Қутлашга арзийдиган санъаткор (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулсара Ёқубова билан суҳбат).....	24
Жумагул ЖУМАБОЕВА. "Сен мисли камалак – юсак ва сўлмас...".....	26
Маҳкам МАҲМУД. Мусаввирнинг юлдузли онлари.....	27
Ботир ВАЛИХЎЖАЕВ. "Бобурнома"нинг янги таржимаси.....	29
Фарида АФРЎЗ. Тунда турна товушлари қандай тиниқ (Шеърлар).....	30
Ханжара АБУЛҚОСИМОВА. Қоработир билан Гулчеҳра дарди.....	32
Сайёра ШОДИЕВА. Уйнинг фариштаси (Шоира Турсуной Содиқова билан мусоҳаба).....	34
Сирожиддин ҒОЗИЕВ. Яхшилик илми.....	37
Жамила ЭРГАШЕВА. Бола. Ҳайратнинг ўлими (Ҳикоялар).....	38
Зухра ЭШМУРОДОВА, Сирожиддин АҲМАД. Маърифат даврининг соҳибқирони.....	41
Ойтила ҲОЛИҚ. Муштарак оҳанглар.....	43
Ойниса МУҲАММАДИЕВА. Мирзо Абдулқодир Бедилнинг маънавий мероси.....	45
Камола ИБРОҲИМОВА. Юсак ахлоқ учун.....	46
Маъпура НАБИЕВА. Қўшиқ – руҳий озуқа (Ўзбекистон халқ артисти Орифхोजи Алимаҳсумов билан мулоқот).....	48
Тошпўлат ТУРСУНОВ. Абдулла Авлоний ва ўзбек театри.....	50
Жалолиддин РУМИЙ. Маснавий (Давоми).....	52
Тешабой БАЯНДИЕВ. Уни чўл булбули деганлар (Халқ артисти Ойимхон Шомуротованинг 80 йиллик юбилеи муносабати билан).....	58
Гулноза ҚОДИРОВА. Маънавият – миллат кўзгуси.....	60
Адолат ЗИЁДОВА. Амир Темур даврида мусиқа санъати.....	61
Абдусит ЙЎЛДОШЕВ. Маънавият ва маданият.....	62
Муҳсин ҒАНИЕВ. Хотинларнинг касб-корлари (Ҳажвия).....	63

МУҚОВАНИНГ БИРИНЧИ БЕТИДА:

*Жўра АСРОН. Аҳмад ал Фарғоний портрети.
Мато, мойбўёқ, 1998 йил.*

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯДА ҲИКМАТ КЎП, ҲИКМАТ:

Бугунги кунда ғояни, фикрни тақиб билан, маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди. Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин.

Ислом КАРИМОВ.

Демак, миллат тарихида шаклланган давлатлар ва жамиятлар бағрида етилган миллий мафкуравий ғоялар гоҳ зоҳиран, гоҳ ботинан бутун халқ маънавияти тарзида, гоҳ маълум даҳо салоҳиятини белгиловчи қадриятларда, гоҳ авлодлар нидоси ва садоси руҳида, аждодларнинг маънавий қадриятлари тимсоли сифатида яшаб келади.

Ҳар бир янги жамиятнинг мақсад ва идеалларига биноан янги авлод дунёқараши ва оламфаҳми шаклланида, янги жамиятнинг қарор топиши ва ривожланиши, ўз навбатида, маънавий янгиланган, ривожланган ва шаклланган авлодлар руҳиятини ҳам тақозо этади. Янги жамият аввал миллат орзусида, қалбида пишиб етилади, у объектив реалликка (уни объектив реалликка айланиш йўллари кўп, албатта) айлангач, у кенг жамоатчиликнинг ҳаёт ва тараққиёт тарзини ифодаловчи

ижтимоий организм тарзида қарор топишида худди шу жамият етиштирган кишилар, кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараши ва тафаккури зарур бўлади. Жамият тараққиёти юксак миллий онглиликка, юксак миллий онглилик эса жамиятнинг одилона инсонийлашувига боғлиқ бўлиб қолади. Бир-бирини тақозо этувчи ва бир-бирининг тараққиётини белгиловчи бу ижтимоий омиллар муштараклиги жамият ва мамлакатнинг миллий манфаатлари ва истиқболлини кафолатловчи кучлардир.

Ана шу маънода 7 йил мобайнида республикамизда қарор топаётган адолатли демократик жамиятни ва бу жамиятда истиқомат қилувчи кишиларнинг онгини, дунёқарашини ўзгартириш ва инсонийлаштириш мақсадида ниҳоятда кўп ва хўп ижтимоий-тарихий чоратadbирлар кўрилмоқда. Инсон эркинлиги ва озодлигини таъминловчи Ўзбекистон Конституцияси

қабул қилинди, қатор университетлар ташкил этилиб, ўқув тизимимизда жаҳон андозалари, тарбия йўналишида маънавий меросимизнинг энг илғор ва инсонпарвар тамойиллари асос қилиб олинди; давлат ва жамият қурилиши масалаларини ўрганишга илмий тус берилди; Ватанимизнинг Куролли кучлари ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ўз уйи ва иш жойларида тинч-хотиржам бўлишлари бўйича чора-тадбирлар белгиланди; таълим тизимимиздаги ислохотлар замонавий лицей ва коллежлар таъсис қилинишига олиб келди; ёшларнинг билим ва салоҳиятларини юксалтириш мақсадида "Улуғбек", "Умид", "Устоз" каби жамғармалар тузилди; Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш ва республикамизда ўрта махсус, касб-хунар таълими ташкил этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди ва булар Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг бўлишига олиб келди; санъат ва адабиёт ҳақидаги Президент фармонлари, Бадий Академиянинг ташкил этилиши, Имом ал Бухорий, Амир Темур, Бобур, Улуғбек, Баҳоуддин Нақшбанд, ал Фарғоний каби миллий маданиятимиз дарғаларига бағишланган тантаналар янги жамиятнинг амалга ошираётган реал маънавий ишларидир. Улар янги жамиятнинг кучқудратидан нишона бўлибгина қолмай, миллий онг ва янги дунёқараш шаклланишида ҳам жуда катта аҳамият касб этмоқда.

Дунёда миллатларни тез ва қисқа муддат ичида бирлаштирувчи миллий ғоя ва миллий ифтихор туйғусидан кучли нарса йўқ. Шунинг учун миллий ғоя ва миллат манфаатларини ифодаловчи дунёқарашдан бақувват маънавий кўрғон ҳам йўқ. Бундай кўрғонни на тўп, на замбарак, на дўқ-пўписа билан енгиб бўлмайди. Мамлакатларнинг ерини, мол-мулкни босиб олиш мумкин, аммо халқ қалбини топтаб, уни тиз чўктириб, онг ва дунёқарашини куч билан, қурол билан ўзгартириб бўлмайди.

Миллатнинг маънавий кўрғони фақат шу миллатни ўзи ва ўз ичидан етишиб чиққан даҳолари орқали, шунингдек, умумбашарий қадриятларнинг инсонпарвар ғоялари таъсиридагина юксалиши мумкин.

Ислом Каримов Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат ё фалокат масаласидир" деган

фикрини эслайди. Чунки ҳар қандай жамият ўз тарбия тизимига, ахлоқий, бадиий-эстетик, сиёсий ва маданий юксалиш идеалига эга бўлмасдан туриб бир қадам ҳам олға юра олмайд.

Бирор жамият ўз ижтимоий-сиёсий мавқеини тасдиқлаш жараёнида унинг замирида асрлар мобайнида шаклланиб келган одамлар онги, дунёқарашда ўрнашиб қолган тарбиявий кўникмалар ҳам мавжуд бўлади. Бу кўникмалар, одат ва анъаналар табиий равишда янги жамият руҳиятига мос келиб, сингиб кетиши ҳам мумкин, уларни ислоҳ қилиш ва янги жамиятга мослаштириш эҳтиёжи туғилиши ҳам мумкин. Чунки янги жамиятни эскича қарашлар, эскича онг ва эскича дунёқараш билан яратиб, мустақамлаб бўлмайди. Мана шу ўринда таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш ва одамларда янгича дунёқараш таълим-тарбия тизимини шакллантириш вазифаси кун тартибига чиқади.

Инсон бир умр тарбияланади. Лекин кўр-кўрона ва инсон кадр-қиммати камситувчи, маънавиятини сўндирувчи тарбияга эмас, балки коинот сарвари, миллатни яратувчи инсон қобилияти ва руҳиятини юксалтирувчи тарбияга муҳтож. Бекорга аллома кексаларимиз 90 ёшга тўлиб ҳам мен дунёга келиб, шунча йил яшаб ҳали ҳеч нарса билмаслигимни билдим демаганлар. Билимдон одамлар ўзларини тарбияда, билимсизлар эса ўзларини тарбиядан ташқарида кўришни севадилар. Тарбия учун, ёшу қари, аёлу эркак баробар. Онгни юксалтирмак, маълум дунёқарашга эга бўлмоқ инсон бурчидир. Уни тушуниш ё тушунмаслик мумкин. Бинобарин, тарбия - онг бешиги, тафаккур эса маънавият аргимчоғидир.

Президентимиз тарбия масаласи янги жамиятни барпо этиш ва мустақамлашда, миллий мафқуранини шакллантиришда бекиёс омил эканлигини таъкидлаб ўтади: "Таълим-тарбия - онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад - озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди."

Мустақил Ўзбекистонимизда қарор топаётган таълим-тарбия тизимининг мақсади ва афзалликлари нималардан иборат, деган савол туғилади. Аввало, ҳар бир иқтидорли ёш авлод бирор касб-ҳунарни эгаллаши, наинки унинг яшаши ва турмушини белгиловчи асосий омил, шунингдек, унинг ўз Ватани ва



мамлакатида инсон сифатидаги ўрнини ҳам белгиловчи, унинг моддий турмушини таъминловчи асосий кафолат сифатида кўзга ташланмоқда, Сир эмаски, бундан 10-15 йил илгари кўпчилик одамлар ўз фарзандларини олий ўқув юртларига кириши учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилар эдилар. Уларни ўқишни битириб чиққан фарзандининг билими эмас, ёнидаги дипломи кўпроқ қизиқтирар эди. Диплом ҳақиқийми ё қалбакими бу билан ҳеч кимнинг иши бўлмас, мутахассиснинг жамиятдаги ўрнини диплом белгилар эди. Бошдаги билим эмас, чўнтакдаги қоғоз инсонга лавозим, мартаба берарди. "Шахсий варақа"да акс этадиган ёки кўча-кўйда, маърака, чиқишларда кўзга ташланадиган "сиёсий онглик", сохта ғояларга, баландларвоз шиорларга ўчлик, яққохон мафқурага садоқат лавозим ва мартаба пиллапояларини ёритиб турарди.

Раҳбар лавозимларга кўтарилиш ҳам сохта ғояларга содиқлик ва маддоҳлик натижалари бўларди. Амал-тақал қилиб диплом олган киши ўз қобилияти ва онгига яраша эмас, собиқ совет тузумига, сохта ғояларга ва унинг раҳбарларига садоқат эвазига лавозим эгалларди ва шу тариқа қанотли отини эгарларди.

"Бу тизим, - дейди Ислом Қаримов, - Ватанига, халқига, миллатига фидокор, мустақил фикрлайдиган, бирор бир масалани онгли равишда, масъулият билан ҳал қиладиган, изланувчи, янгиликка интилувчи кадрларни эмас, асосан, сёз савияли ходимларни, муте кишиларни минг-минглаб етиштирган эди".

Жамият тараққиёти янги ўзанга буриб юборилган, бутун мамлакат бўйлаб ислохотлар авж олиб кетган, одамлар ҳаёти ва онгини силжиш ва

покланиш, миллий ифтихор ва келажакка ишонч туйғулари қамраб олган бир шароитда маънавият соҳасида саракни саракка, пучакни пучакка ажратиш жараёни ҳам кучайиб борди. Эскича яшаб, эскича фикр юритадиган одамлар янгилик ва ислохотларга бевосита қаршилик кўрсатишга журъат этмасалар ҳам янги замон, янги ижтимоий муҳитнинг янгича томошабинлари сифатида кўзга ташланиб қолдилар. Улар мустақиллик муҳитига мослашмаганлари, ўзларини қайта қура билмаганлари ҳолда янги ижтимоий тизим доирасида ўзларининг эскича мавқеи ва мартабаларини сақлаб қолишга тиш-тирноғи билан киришиб кетдилар. Юрак-юрақдан мустақиллик ғоялари учун курашиш эмас, миллий мафқура асосидаги дунёқарашга эга бўлиш эмас, балки ўзгарган замон юзини ўзига қаратиб олишга ва унда шахсий ҳаётининг энгил-елпи ўзгариши учун қулай вазият ҳамда қулай имконият топишга интилиш ҳоллари ҳам учраб қолди. Ҳақиқий тadbиркорлик ўрнини қаллоблик, жамият манфаатини, миллий истиқлол ютуқларини шахсий тўкин-сочинликка қурбон қилиш ҳолатлари ҳам кўзга ташланди. Бундай ижтимоий иллатлар эски дунёқараш ва эскича онгдан янгича дунёқараш ва миллий юксалиш сари қадам қўйиш пайтида, тарихий бурилиш пайтларида содир бўладиган ҳодисалар сифатида кўринди.

Мустақиллик наинки бутун жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётини тубдан янгилаш, балки ҳар бир кишининг ўзлигини, тушунчасини, тасаввурини, идеалини, хатти-ҳаракатларини ошқора этишга чорлади. Янгиликни ҳис қила олмаганлар қаторида уни тушунмаган кимсалар ҳам бўлди.

Худди шундай кишиларни назарда

тутган Президентимиз “Жамиятимизни янгилаш, ислохотларни ҳаётга тадбиқ этиш, бозор иқтисодиёти асосларини барпо қилишга ўтар эканмиз, ана шундай онги қотиб қолган, азму шижоатдан йироқ, эл-юрт манфаати учун куйиб-ёнмайдиган кадрлар муттасил равишда ишнинг белига тепиб туришини ҳис қилдик, очигини айтсам, ҳозир ҳам сезяпмиз”, – дейди.

Бундай одамлар озми-кўпми жамиятимизда бор экан, сиёсий ва иқтисодий ислохотлар билан баробар маданият, илм-фан, касб-хунар ва таълим-тарбия соҳаларида ҳам ислохотларни олиб бориш, чуқурлаштириш эҳтиёжи туғилди. Аввал кадрларни, мутахассисларни етиштирмасдан, уларнинг онги ва савиясини ўзгартирмасдан туриб бирон соҳада жиддий силжиш мумкин эмас эди.

Инсоний жамиятни фақат инсонлар яратади. Яратувчилик салоҳиятини ўстирмай, онг, савия, дунёқарашни тараққий эттирмай туриб жамиятни, миллат турмуш тарзини ўзгартириб бўлмайди.

Ана шунинг учун республикамизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ишлаб чиқилдики, дастурга биноан бозор иқтисодиётга ўтаётган мамлакатимиз ислохотларни амалга ошираётган ва чуқурлаштириб борадиган кадрларга, миллий-маънавий ва ақлий потенциал захираларидан ўринли фойдаланиш зарур эди.

Президентимиз бош-қош бўлган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалга ошар экан:

– мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий муҳит бутунлай ўзгариб кетади ва давлат бошқарув тизимида, халқнинг онги, дунёқарашда асосий омил мустақиллик неммати бўлган турмуш тарзимизни мустаҳкамлаш ва келажақ авлодлар кўлига эркинлик ва озодлик байроғини безавол тутқизиш бўлиб қолади;

– таълимнинг янги дастури ҳаракатга келгач, ёшларнинг ҳаётдан тезроқ ўз ўрнини топишга, ўз шаъни ва обрўсини муносиб тасдиқлаш ва таъкидлаш имконияти ортиб боради. Акс ҳолда “ёш йигит-қизларимизни нарисиди, турмушда, оила ва жамоа орасида ўз ўрнини тополмаслик ҳолатлари уларнинг жамиятда ўз қадрини йўқотишга олиб келади”.

Дастур, биринчи навбатда, шахс манфаатини жамият манфаатлари билан, жамият тараққиётини шахс салоҳияти билан чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидладик, уларнинг ўзаро уйғунлашуви миллий мафкураининг амалдаги исботидан далолат беради.

Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастурига биноан энди мамлакатимиздаги ҳар бир инсон муайян бир ихтисос, касб-хунарнинг чинакам эгаси бўлсагина ҳаётда ўз ўрнини топа олади. Номига қўлга киритилган диплом эмас, таниш-билиш туфайли эришилган лавозим эмас, чинакам

билим, тадбиркорлик, шахсий ташаббус ва бунёдкорлик лаёқати, миллий ифтихор ва фидойилик туйғулари инсон маънавиятининг мезони бўлади;

– таълимнинг янги модели мустақил ва эркин фикрлайдиган инсон – Шахс шаклланишига олиб келади. Ўз қадр-қимматини билган, иймони бутун, иродаси бақувват, мақсади аниқ одамлар жамият тараққиётида асосий интеллектуал кучга айланадилар.

“Шунда одам, – дейди Ислоҳ Каримов, – оломон бўлиб, ҳар лаҳзада серкага эҳтиёж сезиб эмас, аксинча – ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан, онгли тарзда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди. Бундай одамлар уюшган жамиятни, улар барпо этган маънавий-руҳий муҳитни сохта ақидалар, бақириқ-чақириқлар, ҳавойи шиорлар билан асло бузиб бўлмайди. Уларни ўзлари ақл-идрок ва қалб амри билан танлаб олган ҳаётий мақсадлардан чалғитиб ҳам бўлмайди”.

Бинобарин, онгли одам, ориятли шахс, виждонли киши шамол-табиат бўлмайди, миллат ва мамлакат истиқлоли, истиқболи билан боғлиқ муқаддас нарсаларни арзон-гаровга сотмайди, олди-қочди борди-келдиларга ва бақириқ-чақириқларга кулоқ тутмайди.

Билимдон ва фаросатли шахс сиёсий лўттибозлик, оғзини кўпиртириб қасам ичишидан ҳазир қилади. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури билан, ҳунар, истеъдодларни эгаллашни асосий мақсад қилиб кўяган экан, бу фазилатларга эга бўлган ёшлар тама ёки сохта садоқатдан йироқ, ҳақиқий ватанпарвар ва инсонпарвар бўлиб вояга етишлари кўзда тутилади:

– ҳар бир жамият ва миллатнинг тараққиёт калити бу жамият ва миллат эга бўлган потенциал маънавий кучлардир. Бу кучлар худди табиий жаҳоирлар сингари асрлар мобайнида ер тагида жим-жит қолиб кетиши ҳам мумкин, гоҳо-гоҳо замона зайли билан у ер-бу ерда намоён бўлиши ҳам мумкин ёки улар умумжамият эҳтиёжи ва имконияти туфайли миллий маънавий қадрият, бебаҳо бойлик сифатида идрок этилиб, ўз қудрат ва жамолини кўрсатиш имкониятига эга бўлиши ҳам мумкин.

Ҳар бир инсонга мансуб потенциал маънавий салоҳият ва кучларнинг ривожини ва намоён бўлишига ижтимоий мўтадил муҳит яратилгач, бамисоли тоғ булоқларининг кўзи очилиб, юзлаб ирмоқлардан шаркираган дарё пайдо бўлганидай жамият ва миллат маънавий қиёфаси вужудга келади. Бу шундай қудратли ва буюк кучки, четдан келтирилган ҳеч қандай моддий-маънавий ёрдам ёки истеъдод хайриялари уларнинг ўрнини боса олмайди.

Чет эл илғор технологиясини жорий этиш мумкин, кўплаб хорижий мамлакатлар инвестицияларидан

фойдаланиш мумкин, сонсиз-саноксиз тайёр маҳсулотлар билан мамлакатни тўлдириб юбориш мумкин, аммо уларнинг барчаси ўзимиздаги, жамиятимиз ва мамлакатимиздаги биргина потенциал маънавий кучнинг ривожини ўрнини боса олмайди.

Мамлакатимиз ва жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси ўз қобилияти ва истеъдодини тўлиқ намоён этиб, “аввало ўзи учун, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги, бахт-саодати, манфаати учун тўлиқ баҳшида этса, бундай жамият шу қадар кучли тараққиётга эришадики, унинг суръат ва самарасини ҳатто тасаввур қилиш ҳам осон эмас”.

Халқимиз ва мамлакатимиз ақл-идрокли ва талантли кишиларга бой. Уларни топиш, қобилиятларини рўёбга чиқишига имконият яратиш Миллий дастуриимизнинг асосий йўналишини ташкил этади. Хорижий мамлакатларда таълим олаётган ёшларимиз эришган муваффақиятлар бунинг амалий исботидир. “Умид” жамғармаси орқали Европа, Осиё ва АҚШнинг энг нуфузли университетларида ўқиётган талабаларимиздан ўн беш нафари магистрлик ва бакалаврлик илмий даражаларига муддатидан олдин сазовор бўлдилар.

“– Мен бу хушxabарни эшитиб, – дейди Президентимиз Ислоҳ Каримов, – худди ўзимнинг ўғил-қизларим шундай ютуққа эришгандек бениҳоя хурсанд бўлдим. Бу – ҳаётимдаги энг қувончли воқеалардан бири бўлди десам, муболага бўлмайди. Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зехн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ. Фақат мавжуд интеллектуал имкониятларимизни тўлиқ ишга солишимиз, улардан мукамал фойдалана билишимиз зарур. Ота-боболаримиз шуҳратининг соясига маҳлиё бўлиб юрадиган даврлар энди ўтди. Бугун жаҳон биздан ўз сўзимизни айтишимизни, ўз тафаккуримизни намоён этишимизни талаб қилмоқда. Бошқа халқлар, бошқа миллатлар бизга ётсираб-беписанд қарамаслиги, балки бизни эътироф этиши, бизни эҳтиром этиши керак. Биз ана шу юксак муносабат ва хурматга лойиқ бўлишимиз даркор”.

Қадим замонларда буюк аждодларимиз жаҳон маънавияти осмонда чарақлаган юлдуз янглиф оламга маърифат нури таратиб, хурмат-эътиборга сазовор бўлган бўлсалар, XXI асрда ҳам халқимиз орасидан юксак маърифатли бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, берунийлар, ибн синолар, улугбеклар, навийлар етишиб чиқишига умидвормиз.

Бунга фақат ва яна фақат янги жамиятни, мустақилликни мустаҳкамлаб, одамларнинг онгига миллий мафкура госяларини сингдириб, таълим-тарбия тизимимизни тубдан ислоҳ қилиб эришиш мумкин.

(Давоми келгуси сонда.)

ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

"АГАР ОГОҲ СЕН..."
КИТОБНИН ИҶТИБО

Кечмишни, ўтган умрни сарҳисоб қилиш инсонга азалий одат. Сарҳисоб тарозуси шундайки, у ҳақиқатни чала-ярим ҳолда эмас, тўлалигича, бус-бутун кўрсатади. Зеро, айна шу хусусият умримизга, қилган ва қилаётган ишларимиз ҳақида яхлит тасаввур беради.

Озод ва обод янги ўзбек давлатини вужудга келтириш, унинг истиқболи ва тараққиётини белгилаш, улугвор тарихига муносиб бугунини яратиш, халқимиз миллий-руҳий оламини, тафаккурини янгилашдек бениҳоя улкан ва ўта масъулиятли, мураккаб ва залворли вазифаларни қадамба-қадам, босқичма-босқич ҳал қилаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов фаолияти тадқиқ-таҳлилга бағишланган "Агар огоҳ сен..." китоби эндигина шаклланиб келаётган сиёсатшунос-лик илмида, жумладан ижтимоий ҳаётимизда ҳам ўзига хос воқеа бўлди.

Китоб муаллифи Нарзулла Жўраев мазмун-моҳият, масалага ёндашиш жиҳатдан янгиликка интиланган. Адабиётимиз сарвари Абдулла Қодирий ўзбек романчилиги мактабига асос солар экан, ўлмас "Ўткан кунлар" романи дебечасида: "Модомики, биз янги даврга оёқ кўйдик, бас, биз ҳар йўсинда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз..." деб ёзган эди. Ўзбекистон давлати ва миллатимиз 1991 йилдан чинакам маънодаги Янги дунёга қадам кўйди. "Агар огоҳ сен..." китоби бизу сиз гувоҳи бўлаётган "янгиликлар кетидан эргашиш" туфайли, ҳайрат ва ҳаққоният фарзанди бўлиб туғилди.

Инсон ва давр муносабатлари чигал, зиддиятли ва доимо кескин баҳсларга сабаб бўладиган масала. Собиқ иттифоқ даври ҳақида гап кетганда кўпчилик "ҳа, энди, замон шунақа эди, оғир даврлар эди-да" деб инсоний ожизликларини ҳам замонага ағдариб қўя қолишади. Аслида замон, давр қандай бўлмасин, қалбида юрт ва миллатга фидойилик туйғуси бўлган зотлар Ўзбекистон манфаатлари йўлида ҳалол хизмат қилишган. Шу маънода Ислом Каримов ҳали иттифоқ устунлари мустаҳкам турган бир пайтда республика раҳбарлигига сайланди. Аммо, китобда таъкидланганидек, Ислом Каримов 1989 йилданоқ халқимиз иззатини, обрў-эътиборини жойига қўйиш, 1984 йилдан бошланган миллатимизга қарши қатағонга барҳам бериш, кўп асрлик миллий ва маънавий кадриятларимизни тиклаш, виждон

эркинлигини амалда қарор топтириш, пахта яккаҳоқимлигини тугатиш, унинг харид нарҳини оширишга дадил киришди. Ана шу жараёнлар китобда аниқ факт ва далиллар асосида кўрсатиб берилган. Ислом Каримов халқимиз манфаатларига мос улкан ишларни КПССнинг мустамлакачилик сиёсати, истибод мавжуд бўлган шароитда амалга оширдик, бу Ўзбекистон раҳбаридан жуда катта жасорат, билимдонлик ва фидойиликни талаб қилар эди. Муаллиф худди шу даврга таъриф берар экан, жумладан, шундай деб ёзади: "Ана шундай оғир, саросимали, таҳдид ва таҳликалар пайтида Ўзбекистонда Ислом Каримов халққа суянди. У билан тиллашди, дардлашди... Президент Ислом Каримовнинг энг катта ютуғи шундаки, у одамлар билан юзма-юз туриб гаплашди, рост гапирди, ёлғон ва баландпарвоз ваъдалардан ҳазар қилди".

Китобда мустақилликнинг ҳар бир йилида ўз ижобатини топган ишлар алоҳида таҳлил қилинар экан, муаллиф энг қайноқ жараёнларга эътибор қаратади. Ортда қолган йиллар, ойлар, кунларнинг ҳар бири сонияси мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида ўчмас из қолдирганлиги Президентимиз фаолияти билан чамбарчас боғлиқлигининг гувоҳи бўламиз. Халқимизда чуқур дарё тинч оқар деган жуда мазмундор ҳикмат бор. Давлатимиз раҳбари танлаган йўл замоннинг кутқуларидан холи, ниҳоятда пухта ўйланган ва эволюцион изчилликка эга эканлиги юрт осойишталиги, иқтисодий ўсиш гарови бўлди. Ислохотлар стратегиясини белгилашда ва уни ўтказишда шошқалоқликка йўл қўйилмади. Яқин-олис кўшнилари-мизнинг баландпарвоз баёнотларию ҳавойи дастурларидан фарқли равишда, ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз ҳаётий асосга эга беш тамойил асосида ишлаб чиқилди. Бугун, ўтган олти-етти йилчида забт этилган марралар (китобда эришилган ютуқлар аниқ фактлар билан далилланган) танлаган йўлимизнинг тўғрилигини кўрсатиб турибди.

Мамлакатимизнинг бугунги қиёфаси, одамларимизнинг тафаккури, кўзланган мақсадларимиз, айтайлик 1992 йилдагидан тамоман фарқ қилади. Муаллиф тараққиётимиз дастурлари бўлган Президентимиз китобларини таҳлил қилар экан, асарларнинг номи ҳаёт олдимизга қўяётган вазифалар кўлами йилдан-йилга кенгайиб бораётганлигидан дарак бериб туради. Таъбир жоиз

бўлса, Ўзбекистонни ғоят улуғвор манзилларни кўзлаб йўл олган кемага қиёс қилсак, биз 1991 йилда дарё ирмоқларида сузиб юрган бўлсак, бугун кемамиз дунё океанларининг сервикор тўлқинларига тўш урмоқда.

Шарқ донишмандларидан бири иқтисодий бойлик келиб-кетадиган нарса, аммо халқ руҳияти бойликлари кетмас, туганмасдир, деган экан. Бугун фахр билан мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз деб янгидан шакланган Миллий руҳиятимизни айтишимиз мумкин. Бу рух халқ, ўзлигини англаш, фидойилик ва огоҳликдан кучкуват олмоқда. Истибод замонида хориждан келган меҳмон фақат халқимиз ўтмишидан ҳайратланса, шу кеча-кундузда Ўзбекистоннинг бугунига ҳавасланмоқда. Кеча у боболаримизнигина билган бўлса, бугун болаларимиз кўзларида юзлаб буюк истеъодларнинг сиймосию шиддатини кўрмоқда. Хулоса шуки, Президентимиз фаолияти самарасидан вужудга келган "Ўзбек модели" биз учун нақадар зарур ва фахрли бўлса, шу фаолиятнинг иккинчи бир қирраси бунёд этган "Ўзбек руҳияти" шунчалик табарруқ ва азиз.

Муаллиф мамлакатимиз Президентини фаолиятини Миллий Тикланиш, Миллий Уйғониш ва Миллий Тараққиёт билан боғлаб таҳлил қилади. Ана шу муқаддас уч кадрият халқимиз ҳаётида янги даврни бошлаб, Янги Ўзбекистоннинг бугуни ва келажагини белгилаб берди.

Дунё тарихига ва бугунига назар ташласак, халқлар ҳаётидаги тикланиш, уйғониш, тараққиёт узоқ йиллар давомида содир бўлганлигини, ҳатто бу жараёнлар асрларни қамраб олганлигини кўриш мумкин. Ўзбекистоннинг ўтган 7 йиллик ўтмиши эса жаҳон тараққиётида янги саҳифа очди: "Воқеалар ривожи, ислохотлар шиддати, янгиланишлар одимлари шунчалик тезлашдики, бундай оммавий сафарбарликни, оммавий янгиланишларни инсоният тарихи кўрмаган".

Айнан шу ўринда савол туғилади: янги ўзбек давлатчилиги, ислохотлари, тараққиёт суръатлари нимадан куч олмоқда? Унинг жўшқин руҳи, омиллари нимада?

Биринчидан, муаллифнинг фикрича, аввало "улкан маънавий қудрат, беқиёс халқчиллик" билан одамлар қалби забт этилди. Ислохотларнинг бутун моҳияти инсон манфаатларига қаратилди. Халқнинг, ҳар бир одамнинг кадр-қиммати эъзозга мушарраф қилинди.

Иккинчидан, Янги Ўзбекистон давлатчилиги "Шарқ миллий давлатчилик ва бошқарув санъати анъана-

ларига ҳамоҳанглигидир" ва "Президент И.Каримовнинг менталитети мамлакатга номи берилган туб миллат менталитети билан уйғунлашиб" кетганлиги ҳалқилувчи аҳамият касб этди.

Учинчидан, ёш давлатимиз ўзининг илк қадамларини қонунларга асосланган Адолат ва Ҳақиқат ғоясини қарор топтириш билан ташлади. Бу ўринда энг олий ҳуқуқ сифатида, Инсоннинг тинч, осойишта ва хавфсиз яшаши етакчи ўринга олиб чиқилди.

Тўртинчидан, ўтиш давридаги иқтисодий сиёсат стратегияси ниҳоятда пухта, илмий асосланган ва ҳаётдан узилмаган тарзда ишлаб чиқилганлигидир. Мамлакатимиз хўжалигини бозор иқтисодиёти тизимига ўтиш чоғида давлат бош ислохотчи сифатида майдонга чиққанлиги, бир томондан мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари, иш мароми сақлаб қолинган бўлса, иккинчи томондан, аҳоли турли офатлардан асраб қолиниб, ижтимоий муҳофазага олинди. Яъни: "Ислохотларимизнинг ютуғи мамлакатда барқарорликни сақлаганимиз, иқтисодиётни ривожланиш йўлига олиб чиққанимиз, миллий давлатчилигимизни мустаҳкам пойдеворини яратганимиз билангина эмас, балки ана шу ислохотлар мазмун-моҳиятининг чуқурлиги, улар ҳар бир фуқаро, ҳар бир тирик жон туйғулари, мақсадлари, орзу ва умидлари орқали ўтгани билан алоҳида мавқега эга бўлмоқда".

Бешинчидан, жаҳон илму фани, технологиялари ва илғор тажрибалари оқилона равишда ўзлаштирилмоқда, барча мамлакатлар билан тенг, манфаатли ҳамкорлик қилинмоқда. Жаҳон ҳамжамияти барча халқаро масалалар юзасидан давлатимизнинг ўз нўқтаи-назари борлигини яққол сездди. "Каримов сиёсати – янгиланиш ва ўзгартирувчилик сиёсати. У жаҳон тараққиётига жиддий таъсир кўрсатаётган мамлакатлар сиёсати билан ҳамоҳанг келадиган, энг илғор тажрибаларга суянган ва бу тажрибаларни янгича шароитларда миллий рух ва анъаналар асосида ўз қарашлари билан бойитиб бораётган сиёсат".

Мамлакатимиз ҳудуди табиий минерал хом ашёларга бой. Бу, шубҳасиз иқтисодиётимиз кучу қувватидир. Аммо, Президентимиз халқимизнинг юксак ақлий заковатини, руҳий-маънавий салоҳиятини давлатимизнинг энг катта бойлиги, деб биладилар. Китобнинг "Маънавият – миллат қиёфаси", "Маърифий сиёсат ва сиёсий маърифат",

"Соғлом авлод ўйлари" бўлимларида Президентнинг шу соҳага оид сиёсати моҳияти ҳақида фикр юритилади. Ҳақиқатан ҳам халқимиз чин маънавий камолот орқали ўзлигини топмоқда, тарихини англамоқда, бугунини яратмоқда. Йўлбошчимиз ана шу тушунчаларни "Маънавияти бут бўлмаган халқнинг келажаги йўқ" деган сўзлари билан миллионларнинг юрагига олиб кирдилар.

Ватанимиз ўз тараққиёт босқичининг шундай бир палласига кирдики, эндиликда олдимизда қандай қийинчилигу муаммолар турмасин истиқбол манзилимиз аниқ, белгиланган вазифалар бажарилиши муқаррар, одамлар эса келажакка умид ва ишонч билан боқаётганлари ҳаётимиз ҳақиқатига айланди. Тўғри, Ўзбекистоннинг осойишта турмушига раҳна солиши мумкин бўлган хавф-хатарлар мавжуд. Бироқ, ўз йўлбошчисига суяниб, истиқлол ва миллий тараққиёт йўлидан дадил бораётган халқимизнинг энг қийин, энг синовли кунлари ортда қолди. Китоб хотимасида ўқувчи кўнглидан ана шундай ўйлар ўтиши табиий.

Китобга сўзбоши ёзган ҳурматли олимимиз Файбуллоҳ ас-Салом ушбу тадқиқотни "Огоҳликка даъват" деб атаганлар. Мазкур тадқиқотнинг аҳамияти ҳақида гапирганда унинг қайта қад ростлаган ғуруримиздан, миллий шарафимиз ва юртимизда бўлаётган жамки эзгуликлардан Огоҳ этувчи кучини эсга олгимиз келади. Ватанимизнинг энг янги тарихидан ҳикоя қилувчи ушбу китоб истиқлолимиз моҳиятини англантишда муносиб ўрин эгаллайди. Зеро, "...мамлакатимиз мустақиллигининг ташаббускори ва раҳнамоси, миллий давлатчилигимизнинг янги шароитлардаги асосчиси ва меъмори, дунё миқёсидаги давлат ва сиёсат арбоби сифатида тан олинган Шахс" ҳақидаги ушбу китоб ҳали яратиладиган кўплаб йирик тадқиқотларнинг дастлабки сифатида ҳам катта ижтимоий аҳамият касб этди.

Раъшан РАҲМОНОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор.



Марфуа ҲАМИДОВА,
санъатишунослик доктори
Баҳодир АБДУРАҲИМОВ,
санъатишунослик кандидати

АСР СЎНГГИДА

XX аср нимаси билан машҳур?

Ушбу саволга XX аср кескин ўзгаришлар, бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш, жаҳон урушлари, совет давлатчилигининг ташкил топиши, дунёнинг икки тузумга бўлиниши, янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши, фан-техника тараққиёти ва ҳоказолар даври, дея жавоб бериш мумкин.

Юқориди қайд этилган бир неча асрга татигулик бу воқеаларнинг асосий сабабчиси совет жамияти бўлди. Яхши ҳаёт излаб, ўзини ўтга, чўтга урган мазкур жамиятнинг тарихий келажаги йўқ эди. Бу нарса юқори тезликда кетаётган поезд олдида югуришга ўшарди. Ён атрофга қараш ва ҳақиқий воқеликни фикрлаб кўришга вақт йўқ. Бундай ҳолатда ё гилдираклар остида қолишга ёки шпалларга ёпишиб олиб бир мўъжиза туфайли омон қолиш ва бошни кўтариб олга интилаётган даврнинг шиддатли ҳаракатининг изини кўриш, ундан бир умрга орқада қолганингни ҳис этиш табиий ҳол эди. Натижада, совет давлати тебрана бошлади ва бўлакларга бўлиниб кетди. Мустақил давлатлар даври бошланди. Улар оёққа туриши ва тарих билан ҳамоҳанг қадам ташлашлари зарур. Яқинда ташкил топган бу мустақил давлатлар ўз келажакларини ўзларича бунёд этмоқдалар.

Ўзбекистоннинг ўз йўли бор. Биз унинг иқтисодий, моддий-техник

жиҳатдан ҳам, балки маънавият, маданият жиҳатдан ҳам тикланиш жараёнларининг гувоҳи ва иштирокчисимиз.

«Бирон бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди». Шу сабабдан «мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ ажодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди»!

Ушбу мақсадда тарихий аҳамиятга эга бўлган йирик лойиҳалар фаолиятининг барча йўналишлари бўйича ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Булар: халқнинг, қадрдон ўлжанинг ҳақиқий аниқ тарихини яратиш; ноёб жаҳон маданиятига яқинлашиш, халқаро алоқаларга эътиборни кучайтириш; эътиқод эркинлиги, маънавий фаолиятига йўл очиш, эскиларни таъмирлаш, янгиларни барпо этиш; анъана ва байрамларни тиклаш, янгиларини ҳаётга татбиқ этиш; Шарқнинг буюк олим ва файласуфлари Имом ал-

1. Исрол КАРИМОВ. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. "Ўзбекистон". 1997 й. 137-бет.

Бухорий, Ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳмад Яссавий, ал-Хоразмий, ал-Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Бобур ва бошқалар меросини ўрганиш, ЮНЕСКО раҳбарлигида фан, маданият, давлатнинг буюк алломалари – Амир Темур, Улуғбек ҳамда Бухоро, Хива ва бошқа тарихий шаҳарлар саналарини нишонлаш; меъморий обидаларни таъмирлаш; халқ санъатини ривожлантиришга қўмаклашиш; кино, театр, мусиқа соҳасида халқаро анжуманлар ташкил этиш («Шарқ тароналари», Халқаро кинофестиваллар, театр фестиваллари ва ҳ.к.); Ўзбекистон фани ва маданияти тарихига муносиб улуш қўшган олимлар, шунингдек, таниқли адиблар, мусаввирлар, ҳайкалтарошлар, мусиқачилар, артистлар, режиссёрлар, дирижёрлар, бастакорлар, раққосаларни қутлаш; янги маданий иншоотларни кенг қўламда қуриш (Навоний номли Миллий боғ, Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкент шаҳарларида Амир Темурга ўрнатилган ҳайкаллар, Улуғбек, Навоний ва бошқаларга ўрнатилган ёдгорликлар); Маънавият ва маданият маркази, «Ўзбекнаво», «Ўзбекрақс», «Ўзбектеатр», «Ўзбекмузей», «Ўзбеккино» ва бошқа марказ ҳамда бирлашмалар ташкил этилишидир.

Давлатимизнинг маданий ҳаётимиз соҳаларидаги яратувчилик фаолияти шу билангина ўлчанмайди. Амалга оширилаётган ишларга

ҳаққоний баҳо бериш учун мустақил Ўзбекистон қабул қилиб олган «мерос»га – ўпирилган иқтисодиёт, маънавий ҳалокатга чуқур назар ташлашимиз керак. Узоқ йиллар давомида аҳолини кўплари амалга ошиши мумкин бўлмаган ғоялар билан қуроллантирилиши натижасида ижтимоий лоқайдлик ишлаб чиқариш, жамоатчилик қатламларида бефарқликни келтириб чиқарди. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ҳал этишда мустақилликнинг йўқлиги тоталитар онгдан эркин ижодий меҳнатга ўтишда сезиларли қийинчиликларни келтириб чиқарди. Бўлаётган ўзгаришларни барча бўғинларда ислоҳ этишга тайёрланишда турғунлик даври одатлари, олдимиздаги вақтинчалик муаммоларга қарамай бу ҳолатга маънавий-ахлоқий ёндошимиз катта аҳамиятга эга эди. Зеро, замонавий янгиликларни қабул қилиш, жумладан, инсон ҳуқуқлари, гуманистик ғоялар, демократия кабилар келажак остонасида давлатимиз мувафакқиятини белгилайди.

Диний масалалар алоҳида эътибор ва ёндашишни талаб этади. Виждон эркинлиги, илгари ман этилган адабиётларга рухсат коммунистик аъмолларнинг обрўсизланиши натижасида жамият маънавиятини барқарорлаштишига хизмат қилади. Бу эса диндорларнинг маълум доирасида миллий, диний нафсоният туфайли у ёки бу томонга

огиш ҳамда бир-бирига зид турли шаклдаги қаршиликларни келтириб чиқариши, шунингдек, ижтимоий қаршиликлар, жангари кайфият, руҳий синишлар туғдириши мумкин. Буларнинг якуни эса маълум ва улар ғояни қабул қилиш, миллий-диний дунёқарашлар, маҳаллийчилик манфаатлари бўйича аҳолини бўлиб юборишга хизмат қилди.

Бунга мисоллар афсуски етарли (Афғонистон, Тожикистон), шу боис фундаментализмга ўта эътиқод қўйган баъзи кишиларнинг мустақил давлатимиз ривожини давлат-маъмуриятни устун дин билан бириктириш оқимиға буриб юборишга интилиши Ўзбекистоннинг кўпчилик аҳолиси томонидан қўллаб-қувватланмаяпти. Улар жаҳон ҳамжамияти билан боғлиқ тараққиёт йўли зарурлигини тушунмоқдалар.

Ҳар қандай зўравонликдан бутунлай алоқани узиб, озодлик ва демократия сари йўл қидираётган давлатлар тажрибаси бу борада ўрناк бўларли.

Ўзбекистон ҳам ўз йўлини танлади. Бу ўринда инсон ҳуқуқи, маданияти, ахлоқи доирасида эътиқодларимизга амал қилиб мақсадимизга эришишимиз мумкин.

Ахборот, янги туғилаётган ўзгаришлар умуминсоний бойликларнинг устуворлиги – ижтимоий ҳаётнинг барча бўғинларида намоён бўлди. Инсонларнинг дунёқарашини, руҳиятини ўзгармоқда. Бу эса уларнинг эстетик ва бадий тушунчасига

табiiй ўзгаришлар киритмоқда ҳамда мазмун, мавзу, услуб нуқтаи-назаридан маданиятимизнинг бадий асарларида ифодаланишида ўз аксини топмоқда. Ўз навбатида тарихий маданиятимизга қарашлар ислоҳ бўлмоқда, янги мазмун ва сиймолар билан бойимоқда.

Санъатда эркин ижодий фикр-лаш томон ўсиш изланишларда кўринмоқда. 90-йилларнинг бошида бадий образни исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқат сифатида қабул қилинган ҳиссиётлар очиқлиги, ҳужумкорлик, кайфиятларнинг сиёсийлиги сифатида тушуниш 90-йилларнинг охирида ўз ўрнини ўзига ўзи баҳо бериш, ақлий ва фалсафий мушоҳада юритишга аста-секин бўшата бошлади. Қайта қуриш ва ундан кейинги даврдаги шов-шувли мунозаралар сўниб, совет давлати тарихи билан боғлиқ бўлган кўплаб воқеаларга танқидий қарашлар сусайди. Мавжуд ахлоқнинг авра-астарини ағдариб, лоқайдлик, худбинлик, маънавиятсизлик каби салбий ҳолатларни ошкор этди.

Назаримизда, жамият жанжаллар, ошкоралик талаб этилган бақириқ ва кучли ҳаяжонлардан чарчади. Руҳан қалб кучи учун зарур бўлган қарама-қарши фикрларга шўнғиш эҳтиёжи туғилди. Шунинг учун бугунги кунда уйғониш анъаналарига жавоб берадиган, тарихий хотирани оқлайдиган, гўзалликни сезишни тарбиялайдиган эртақ-афсонавий, тарихий-биографик материаллар бошқача жаранглай бошлади. Ҳаётини мавзу эса оилавий одо-ахлоққа мурожаат этиб, шахс фазилатларини шакллантириб, янги шароитда долзарб бўлиб бормоқда. Санъатнинг замонавийлигини фактларни қайд этиш, ғоялар баёни эмас, балки ғоявий-бадий фикрнинг чуқурлиги ва мужассамлашганлиги ҳал этади. Бу нарса долзарб муаммоларга ҳам, ўтган йиллар ҳақиқатига ҳам ёруғлик олиб киради.

Бу ҳақиқатни тушуниш учун санъат ман этилган ёки маълум қисми ёритилган мавзулар пардасини кўтармоқда. Ватанимиз тарихи, миллий маданият ҳозирги кун нуқтаи назаридан шарҳланмоқда. У ўтмиш кадриятларини юқорига кўтариш, ишонч туғдирмайдиган, шубҳали ёки бир-бирига боғланмайдиган концепцияларни рад этиш ёки қайта кўриб чиқишга интилмоқда. Ижтимоий маданий жараён мантиқини топиш, уни бир оқимга туширишга ҳаракат қилмоқда. Бу борада бир қанча ишлар амалга оширилди. Аммо ўтган кунларнинг ҳақиқий манзарасини ҳолисона яратиш тажрибасида қарама-қарши



*"Истеъдодлар ўлкасидир ҳур Ўзбекистон" кўрик-танлови
ғолибаси Гулруҳ Шокирова оила аъзолари даврасида.*

фикрлар, шошмашошарлик билан чиқарилган хулосалар, у ёки бу воқеаларнинг аниқ кўринишига нисбатан нотўғри хулосалар ҳам йўқ эмас. Бу борада юмшоқ кўнгиллик ҳам, барчасини йўққа чиқарувчи танқид ҳам ўринли эмас. Балки маданиятнинг турли даврлардаги аҳволини шарҳлаш лозим. Маълумки, маданият, иқтисодий барқарорлик, савдо-сотикнинг гуллаб-яшнаши, халқаро алоқалар, ахборот айрибошлаш, ўзга маданиятлар билан ўзаро қўшилиш, илмий фикрлар тараққиётининг уйғунлашуви адолатли бошқарув даврларида ўсиб-ривожланди. У бир неча факторлар ёки барча факторлар бир вақтда, жумладан жамиятнинг одоб-ахлоқ асослари ишлаганда ўзининг чўққисига кўтарилди.

Маданиятни ўзаро урушлар, мустабид ҳокимият, фуқаролар уруши, маданий қолоқ мамлакатларнинг тажовузи, ички ва ташқи низолар, диний қарама-қарши гуруҳларнинг тўқнашуви ҳалокатга олиб келган. Ўзгаларнинг кириб келиши, у қандай мақсадда амалга оширилган бўлмасин, маданиятнинг бир маромда ривожланиш йўлини ҳамisha ўзгартириб юборган: у ё бўғиб қўйилган, ё ривожланмаган, қўтилмаган ўзгаришларга учраган, турли шаклларга ўтиб сўнишга яқинлашган. Аммо куч тўплаган, бойиган. Босқинчиларнинг кириб келиши билан боғлиқ барча ҳолатларда унинг сақланиб қолиши ва яшашида қуйидагилар таъсир ўтказган: 1) қадимги ва ўрта аср тараққиётига чуқур илдиз отган кучли маҳаллий ноёб иқтидорларнинг иштироки; 2) маданий қатламга суянувчи маҳаллий аҳолининг ғоялар, анъаналар ҳимоясида иштироки. Шуларнинг шарофати туфайли ўзбек санъати тарихий илдизи ва миллий ўзига хослиги йўқолмади.

Тарих ўлкамизни исломлаштириш даврида арабларга қарши кўзғолонлар ҳақидаги маълумотга эга. Уларнинг бошлиқлари ўз дини, ёзуви, тили, эътиқоди йўлида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилганлари учун совет тарихчилигида миллий қаҳрамонлар даражасига кўтарилганлар, аммо бугунги кунда сиёсий қарашларнинг ўзгариши, совет давлати сиёсатида танқидий қараш ва унинг динга қарши муносабати туфайли бу қаҳрамонлар машҳур эмас.

Жамият коммунистик ўтмишнинг

«турғунлик» даврini танқид қилиб унга ҳамма нарсени эслатди: зўравонлик билан амалга оширилган одамларни қатагон қилиш ҳам, саноатлаштириш ҳам, колхозлаштириш ҳам; сиёсий репрессия натижасида мамлакатимизнинг энг яхши фарзандларидан жудо бўлиши ҳам, паст ҳаёт даражасини ҳам (айниқса қишлоқларда); республиканинг имкониятидан юқори, оширилган режалар ва ҳоказолар. Танқидий тўлқин нафақат салбий ҳолатларни, шу билан бирга тарих, халқ ютуқларини ҳам жумладан, аёлларнинг озодлиги, миллионларнинг бунёдкорлик меҳнати, байналмилалчилик анъаналари, халқлар дўстлиги, умуминсоний бойликларни кўмиб юборди. Гап галабалар ҳақида эмас, балки ХХ асрнинг улкан хатолари ҳақида кетганда жамият ўзини қурбонлар сифатида кўришни хоҳлади. Бу билан қилинган ишлар учун масъулиятдан қочди.

Бундай анъана инерция бўйича бизнинг тилимизга ҳам ўтди. Агар «қурбон» тушунчасига ҳаракатсизлик, ташаббуссизлик нуқтаи-назаридан қаралса, тўғрими? Сомонийлар, қорахонийлар, Амир Темур даври тарихи бу концепцияга сира ҳам мос келмайди. Тарихий бой маданият (уни «қурбон»лар эмас, балки шахслар, иқтидорлилар, мусаввирлар, ижодкорлар яратганлар) ўзини намоён этиш қуроли сифатида халқнинг кучли руҳи, шахсий сифатларига гувоҳ бўлиб, оғир йиллар ва бошқа ҳолатларда ўзини ҳимоя қила билди.

Бизнинг назаримизда тарихга ҳаққоний, холисона қараш фақатгина муваффақиятларни эмас, шунингдек, йўқотиш ва мағлубиятларни ҳам тан олиш мажбуриятини юклайди. Бўлмаса теурийларнинг кучли империяси нега бўлиниб кетгани, Россия босқинчилари билан маҳаллий бойларни қандай манфаат ўзаро боғлаганини тушунтириш қийин бўлади. Шунингдек, совет ҳокимиятини ўрнатиш, ҳарбий коммунизм, террор, қатагонлар бир қилининг иши эмас. Мазкур тадбирларда совет жамиятининг кенг қатлами иштирок этган.

Бундай ҳолатда тавба-тазарру ўринли, чунки шу сингари хатолар такрорланмаслигига умид бўлади.

Бугун бадий маданият ўтмиш, ҳозирги замон ва келажакни тушуниб етадиган очиқ майдон. Ўтмиш тарихий тажриба натижасида ҳосил

бўлган барча бойликларни ўзлаштириш учун асос ва сабоқ бўла олади.

Замонавий изланишлар руҳига ҳақиқатни бир хил ифодалаш мос келади. Бадий образнинг кўплаб қирраларини очишда ахборотнинг кўпайиши, нафислик, ихчамлик, иншонинг мазмундорлигига, бадий образ моҳиятини ҳар томонлама очишда истиорадан унумли фойдаланиш кутилмоқда.

Янада мураккаблашиб бораётган санъат структураси жаҳон модели каби замонавий фан олдига муҳим масалаларни қўймоқда: жараёнларни ҳам бўғинлари билан ҳам бутунлай қамраб олиш, ўтилганларни умумлаштириш, замонавийликнинг илдизларига кириб бориш, келажакни башорат қилиш. Маданиятшунослик бу борада аниқ тажрибага эга. Социология, тарих, санъатшунослик, этнография иқтисодиётга таянган ҳолда қайд этиш, санашдан назарий умумлашмаларга ўтмоқда. Тадқиқотлар объекти ва бадий тажриба билан алоқани кенгайтирмоқда. Янги тафаккур шароитида бу жуда зарур.

Биз ХХI асрга мустақил давлат фуқароси сифатида қадам қўймоқдамиз. Бу ҳам қувонтиради, ҳам кўплаб мажбуриятлар юклайди: ўтмишни эсдан чиқармаслик, ўтган давр шухратидан илҳом олиш, келажак учун хизмат қилиш, руҳий бойликни йиғиб, бойитиб, келажак авлодга мерос сифатида топшириш.

Санъат ўз навбатида воқеаларнинг боришини олдиндан сезмоқ, янгиликни кўрмоқ ва ижодий татбиқ этмоқ, одоб-ахлоққа янгича дунёқарашни шакллантиришда кўмаклашмоқ, куллик психологиясидан озод бўлган тушунчани бунёд этмоқ, Урф-одатлар бўйича яшамоқ, шахсий сифатларни тарбияламоқ, ўзлигини англамоқ, диний, миллий, ирқий сабр-бардош одамлар ўртасида ўзаро ҳурмат, жаҳон маданияти ютуқларидан фойдаланишга жалб этилган.

Ватанга, халққа ишонч билан хизмат қилиш ҳар биримиз учун муқаддас. Бу хизматни мустақил давлатнинг озод фуқаролари амалга оширишлари янада муҳим. Бу мустақиллик концепциясининг асосий галабаларидан биридир.

Наврўз қандайдир бир халқ, бир ҳудудга тегишли байрам эмас, балки бутун Ўрта Шарқ халқларига хос бўлган чинакам халқчил байрамдир. Ўзбекистонда, Қозоғистонда, Қирғизистонда, Туркменистонда, Афғонистонда, Покистонда, Эронда, Шимолий Ҳиндистонда, Озарбойжонда, Туркияда, Шарқий Туркистонда қадимги даврлардан то бизнинг кунларимизгача кенг нишонланиб келинади. Шаклланиш, неча минг йиллар босиб ўтган тараққиёти давомида Наврўз шу кунларда каттақон ҳудудда яшаётган халқлар аждодларининг мифологик тасаввурларидан тортиб синфий жамиятлар ҳосил қилган дунёвий ва диний қарашларигача ўзига сингдирган. Зардуштийликка топинувчи муғлар ҳам, ислом дини уламолари ҳам, сосонийлар, салжуқийлар, Хоразм шоҳлари ҳам Наврўзни ўз измларига олиш, ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳаракатида бўлишган. Бир замонлар Наврўз йилда икки марта – баҳорда ва ёзда нишонланган. Аммо Наврўз ҳар қандай аралашувлар, тутқинликларни писанд қилмай, халқларнинг меҳнатидан, маънавий ҳаётидан, маросимларидан, қарашларидан озикланиб, мазмунан бойиб, шаклан ранг-баранг бўлиб бораверган.

Қарийб барча мақолалар, тўплам ва рисоаларда IX асрдан кейин яшаб ўтган муаррих ва шоирларнинг ишларига таянган ҳолда мазкур байрамнинг келиб чиқиши аҳмонийлар сулоласи (эрамиздан олдинги 558-330 йиллар), шоҳлар Қаюмарс ва Жам-шид номлари ҳамда зардуштийлик (оташпарастилик) этиқоди билан боғлаб талқин қилинади. Бундай талқиндан Турон гўё бу байрамни тайёр, шаклланган ҳолда қабул қилгандай. Бундай концепцияга сира қўшилиб бўлмайди.

Бизнинг фикримизча, Наврўз байрамининг келиб чиқиши, шаклланиши ва асрлар давомида яшаб келишида Турон халқлари қабила ва элатларининг хизмати, ҳиссаси тенг.

Иккинчи бир юзакилик шундан иборатки, илмий ва маърифий мақолаларда Наврўз байрами ўзгармас, қотиб қолган бир ҳодисадаги таърифланади. Унинг босиб ўтган йўллари, даврлари, босқичлари ҳамда турли ижтимоий-сиёсий шароитларда унда юз берган ўзгаришлар, йўқотиш ёхуд янгиликлар ҳақида сўз юритилмайди.

Бинобарин, Наврўз тарихини даврларга бўлган ҳолда ўрганиш, ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш жуда муҳим.

Биринчи давр. ИБТИДОИЙ ЁКИ НАВРЎЗНИНГ ШАКЛЛАНИШ ДАВРИ

Бу давр энг қадимги замонлардан зардуштийликнинг пайдо бўлишигача давом этган асрларни ўз ичига олади. Наврўзнинг пайдо бўлиши Ўрта Шарқ ҳудудида одамзод пайдо бўлиб, унинг онги, дунёқараши ўсиб, оламни ва табиатни англай бошлаши даврига бориб тақалади. Айниқса, йил ҳисоби, ундаги фасллар, ойлар, кунларни билиш, янги йилнинг бошланишини идрок этиш Наврўз байрамининг яратилишида катта аҳамият касб этган. Бундан келиб чиқадики, Наврўз шаклланиш даврида деҳқончилик билан эмас, балки овчилик ва чорвачилик билан боғлиқ бўлган. Ўша пайтда одамлар йилни икки фаслдан иборат деб тушунганлар: киш ва ёз. Марказий Осиёдаги яқин-яқингача ярим кўчманчи, ярим ўтроқ ҳаёт кечириб, чорва билан шуғулланувчи уруғ-қабилалар йилни олти ой қишга ва олти ой ёзга бўлардилар. Ёз баҳордан, табиатнинг уйғонишидан бошланган. Баҳорнинг дастлабки кунлари байрам қилинган.

Миллат тўйлари

Болтабой ШОДИЕВ

НАВРЎЗИ ОЛАМ

Марказий Осиёдаги қадимги халқлар – саклар, массагетлар, ўғизлар, хунлар, искифлар ёз ва қишни иссиқ ва совуқ, ёруғлик ва қоронғулик, фаровонлик ва талофат, яхшилик ва ёмонлик билан боғлаган ҳолда муайян инсоний қиёфада тасаввур қилганлар ва гавдалантирганлар. Чунончи, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони лугатит турк” асарига ёзиб қолдирилган “Қиш ва Ёз мунозараси” шундан гувоҳлик беради.

Аждодларимиз дунёни, табиатни, одамзодни шу зайл реалистик тасаввур этишган. Аммо бундан улар ёзни ёқлаб, қишни инкор этишган деб тушунмаслик керак. Улар дунё, табиат, одамзод бир-бирига қарама-қарши мана шундай хусусиятлар бирлигидан, кураш ва зиддиятлар бирлигидан иборат деб билишган: қиш бўлмаса – ёз бўлмас, тун бўлмаса – кун бўлмас, эру хотин бўлмаса – оила бўлмас, ҳаракат бўлмаса – тараққиёт бўлмас ва ҳоказо.

Хулласи калом, аждодларимизнинг мана шундай тасаввурларидан ёз палласининг боши ҳисобланмиш баҳорга алоҳида меҳр кўзи билан қараш ва унинг биринчи кунини беҳад завқу шавқ ва хурсандчилик билан қарши олиш одатга айланган. Қадимий туркий қавмлар, элатлар бу кунни йил боши (қозоқларда “Улыс кун”, хоразмийларда “тоза кун” деган тушунча ҳам бор) деб атаганлар. Шу билан бирга зардуштийлик даврида истеъмолга кирган “Наврўз” (янги кун) атамаси ҳам ишлатила бошланган. Туркий халқларда ҳамон мазкур байрам ҳам йил боши, ҳам Наврўз деб келинади.

Иккинчи давр. НАВРЎЗНИНГ ЗАРДУШТИЙЛИККА БОҒЛАНИБ, МУСТАҲҚАМ ТАРКИБИГА ЭГА БЎЛГАН ДАВРИ (эрамиздан аввалги VIII-VII асрлардан мелодий VIII асргача). Кўришиб турибдики, бу давр бир ярим минг йилдан ортиқ. Турон заминидан чорвачилик билан бир қаторда деҳқончилик ва хунармандчилик ривожланган, юзлаб шаҳарлар, бир қатор давлатлар майдонга келган давр. Айни чоғда ушбу ҳудудда туркий қабилалар, элатларнинг давлат ва жамиятда тутган ўрни, мавқеи кучайган. Ибтидоий дунёқарашлар, мажусийлик ўрнини зардуштийлик,



буддавийлик ва шунга ўхшаган бошқа нисбатан илғор динлар эгаллаган. Айниқса, зардуштийлик ҳам Эрон, ҳам Турон, қисман Ҳиндистон ўлкаларига тарқалиб, жамият ва инсон ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олади.

Мана шу фавқуллодда катта ва муҳим ўзгаришлар Наврӯз байрамига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаган. Наврӯз ҳам Турон, ҳам Эронда мавсумий деҳқончилик байрамига, мамлакатлар миқёсида ўтказиладиган умумхалқ шодиёнасига айланган.

Наврӯз байрамининг зардуштийлик ва дастлабки ислом даврига тааллуқли энг ишончли ва қимматли манба – Берунийнинг “Осор ул боқия” (“Қадимги аждодлардан қолган ёдгорликлар”) асаридир. Унда хоразмийлар ва сўғдийларнинг мавсумий байрамлари ҳақида кенг маълумот берилади.

Беруний мавсумий байрамлар ҳақида ёзар экан, уларни диний ва халқ байрамларига ажратади. Наврӯзни иккала тоифа байрамга ҳам алоқадор қилиб кўрсатади. Айниқса, мусулмонлик даврида янги қуёш тақвими қабул қилинган, ҳам Турон, ҳам Эронда Наврӯз баҳорнинг кун ва тун тенг келган биринчи кунни халқ шодиёнаси ва айни чоғда давлат байрами сифатида нишонлана бошланган.

Эронда Янги йилнинг биринчи ойи фарвардин, шу ойнинг биринчи кунни Хурмуз деб аталган. Наврӯз мана шу Хурмуз кунидан бошланиб олти кун давом этган.

Ҳўш, Наврӯз Туронда қандай байрам қилинган? Турон умумий бир дин – зардуштийлик билан боғлангани сабабли Наврӯз байрамини ўтказишда ҳам умумий жиҳатлар кўп бўлган. Аввало байрамнинг айрим қисмлари зардуштийларнинг ибодатхоналарида муқаддас олов атрофида ўтган. Зардуштийларнинг муқаддас каломни “Авасто”, унинг “Яшт” ва “Гоҳ”лари қуйланган.

Умуман, исломгача бўлган даврда Наврӯз байрамларида созандаю навозандаларнинг санъати билан бир қаторда театрлаштирилган намоишлар, зандхонликлар, кулгили ўйинлар ва рақслар катта ўрин эгаллаган.

Учинчи давр. НАВРҮЗ ҲАМ ҲАМ АСРЛАРДА (VIII-XIII). Аввало шуни таъкидлаш керакки, Наврӯз ҳақида маълумот берувчи ёзма манбалар айнан шу даврда яратилган. Уларни жамласа каттагина рўйхат ҳосил

бўлади. Шулар орасида Беруний билан Умар Ҳайём асарлари масалага илмий ёндашганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Наврӯзнинг келиб чиқиши, маросимлари тўғрисида инobatли далиллар, фикр-мулоҳазалар айтилади.

Араблар истилоси даврида дастлабки йилларда уламоларнинг Наврӯз байрамига нисбатан муносабатлари салбий бўлган. Нега деганда, Наврӯз кўп асрлар зардуштийлик ғоялари билан суғорилган. Аҳурамазда, Аҳриман, Митра, Анаҳита каби тимсоллар халқ сайилларида улугланган, марҳумларни эслаб, шамлар ёқишган, шароб ичиб, муқаддас олов атрофида ўйинга тушганлар. Бу ислом ақидаларига зид эди. Шу боисдан истилочилар Наврӯзни, оташпарастлик, буддавийлик ва насронийлик билан боғлиқ бошқа байрамларни таъқиқлаб қўйишган. Аммо Қутайба мусулмонлиқни ўрнатиш мақсадида бухороликларни араблар билан бирга яшашга мажбур қилган пайтларида ҳам улар ўзақигина таслим бўлишган. Кашкашон деган қавм, масалан, ўз уй-жойларини, асбоб-анжомларини бутунлай арабларга қолдириб, шаҳар ташқарисидан ўзларига етти юзта кўшк бино қилганлар. Ўз динларидан қайтмай, оловга сифинишни давом эттирганлар. Шу сабабли бу жойлар “Қушки муғон” (яъни, “Муғлар кўшк”) деб аталган (Мерос. Тўплам. Т., 1991, 109-110-бетлар).

Бироқ бундай таъқиқлаш ва таъқиблар узоқ давом этмаган кўринади. Аҳоли қон-қонига сингиб кетган эътиқод, урф-одат, маросим ва томошалардан бирдангина воз кечиши қийин эди. “Бухоро аҳолиси, – деб ёзади Наршахий, – ҳар сафар ислом лашкари келганида мусулмон бўлар, араблар қайтиб кетганида эса (ёзда ғазот қилиб, қишда қайтишар экан) улар яна диндан қайтар эдилар. Қутайба ибн Муслим уларни уч марта мусулмон қилган, улар эса яна диндан қайтиб қофир бўлган эдилар...”. Бора-бора ислом дини Бухоро ва Мовароуннахрнинг бошқа вилоятлари аҳолиси ҳаёти ва руҳиятига сингиб борди, албатта. Аммо анъанавий байрамлар, урф-одатлар, маросим ва томошалардан воз кечмади, баъзи бир ислоҳ қилиш асосида улардан фойдаланишда давом этди. Аввалига қилич ва дўқ-сийёсат билан исломни ўрнатишга бел боғлаган истилочилар, уламолар ҳам маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда иш туттиш, анъанавий байрамлар, маросимлар ва томошаларни ислом

манфаатлари томон буриш йўлидан бордилар. Наврўз байрамига нисбатан ҳам шундай дейиш мумкин. Наврўзни ҳам исломга кирганлар, ҳам оташпарастлар олдинма-кейин бўлса-да, байрам қилишган.

Араб халифалиги ҳам Наврўзни тан олиб, байрам қилишга мажбур бўлган. Умар Ҳайёмнинг маълумотига кўра, ҳатто Аббосий халифалардан бўлмиш ал-Маъмун (813-833) гоҳ ёзда, гоҳ баҳорда, гоҳ йилда икки марта нишонланиб, деҳқончиликка зарар келтирган янги йил ҳисобини қайта бошдан кўриб чиқишга фармон беради. Ватандошимиз Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий "Маъмун Зижи"ни яратиб, астрономик ҳисоб асосида янги йилнинг баҳорнинг кун ва тун тенг келган кунидан бошлаб ва ўша кунни Наврўз – йил боши сифатида байрам қилиш лозимлигини исботлаб беради.

X-XII асрларда Наврўз Хуросон, Мовароуннаҳр, Хоразм ва Фарғона водийсида давлат байрами сифатида ҳам нишонлана бошланади. Кузда нишонланадиган Меҳрғон, қиш чилласи чиқиши муносабати билан ўтадиган Сада байрамлари ҳам нисбатан Наврўзга кўпроқ эътибор берилади. Чунончи, Абулфазл Байҳақийнинг ёзишича, Маҳмуд ва Масъуд Газнавийлар ҳукмронлиги даврида Наврўз бутун мамлакатда кенг нишонланган. Шу муносабат билан Фазна яқинида жойлашган Шодиобод деган махсус шаҳарчадан санъаткорлар саройга келишган, юртга ош тортилган, шоҳ лашкарбошилари, вазирлари, надимлари, шоирлари, хизматкорларига совғалар улашган. Бундай байрамларга Ироқ, Туркистон ва Мовароуннаҳрдан подшоҳлар, аслзодалар таклиф қилинган, санъаткорлар, шоирлар, ўз маҳоратларини намойиш этганлар.

Хоразм шоҳи Абул Аббос Маъмун даврида илм-фан, шеърят, санъат, қиссагўйлик, байрам ва томошалар равнақ топади, Наврўз ҳам катта байрам қилинади.

Шундай қилиб, ўрта асрларда, гарчи ислом етакчи динга айланган бўлса-да, Наврўз байрамларида оташпарастлик билан боғлиқ урф-одатлар, маросимлар ва томошалар бир даражада ислоҳ қилинган ҳолда яшашда давом этган. Ислом Наврўзни ўз таъсири остига олишга киришган. Марҳумларни эслаб қуръон тиловат қилиш, мачитлар қошида сумалак, ҳалим, гўжа тайёрлаб, етим-есирлар ва бева-бечораларга тарқатиш, мачит-мадрасаларда ҳам Наврўзни нишонлаш шундан далолат беради.

Мўғуллар истилоси даврида шаҳарлар вайрон бўлиб, деҳқончилик ва ҳунармандчилик катта талофатга учрагач, Наврўз байрами ҳам инқирозга юз тутди.

Тўртинчи давр. НАВРЎЗ АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА (XIV асрнинг иккинчи ярми – XVI аср бошлари). Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хуросондаги элатлар, уруғлар, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, ўтроқ ва кўчманчиларни бирдам қилиш, марказлашган давлатни мустаҳкамлашга қаратилган ҳар қандай ижтимоий ҳаракат, санъат, маросим, урф-одатни қўллаб-қувватлаган. Халқ руҳини кўтарувчи байрамлар, сайиллар, тўйлар ва тантаналарга ҳам етарли эътибор берилган. Диний байрамлар, маросимларни қанча эъзозласа, халқ байрамлари, сайилларини шунча қадрлаган.

Амир Темурнинг Наврўзни тиклаш ва умумхалқ байрамига айлантириш бўйича бошлаган ҳаракати темурийлар томонидан давом эттирилди. Мирзо Улуғбек даврида (1397-1447) Конибил мўназида байрамлар, шу жумладан Наврўз ҳам унлазам ўтказиб турилган. Шоир Саккокий ўзининг Улуғбекка

атаб ёзган қасидаларидан бирида бутун бир бобни Наврўзга бағишлагани бежиз эмас. Унда жумладан шундай сатрлар бор:

*Гулистон аҳли на бу кун эрур ҳам ийду наврўз,
Улар гул сочдилар, ман ҳам кетурдим хуш бу ҳалвони...*

Манбаларнинг кўрсатишича, Ҳусайн Бойқаро даврида (1469-1506) мингдан зиёд ижодкор фаолият кўрсатган. Уларнинг барчаси байрамлар ва тўйларда, шу жумладан Наврўз сайиллари, томошалари ва ўйинларида иштирок этган. Наврўз байрамлари махсус қурилган тарабхоналар, сайилгоҳлар, ўйингоҳларда ташкил қилинган. Бу ишларда Ҳусайн Бойқаро қабатида турган ҳазрат Навоийнинг хизмати, ўрни ҳам буюк, албатта. "Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай", - деб ёзган эди Бобур.

Алишер Навоий Наврўз байрамига алоҳида меҳр-муҳаббат билан қараган. Аввало ўзининг "Тарихи мулки Ажам" асарида Наврўз тарихига тўхталиб, ўша давр анъанасига кўра, унинг келиб чиқишини Жамшид номи билан боғлаб, Жамшиднинг Истаҳр шаҳрида ниҳоятда ҳашаматли қаср қурдиргани, шу бино қурилиши тугаган кунни "Наврўз" деб атагани ҳақида ёзади.

Алишер Навоий Наврўзни шоир сифатида ҳам ажиб бир маҳорат билан куйлаган. Буни йигитлик даврида ёзилган ва "Бадоеъул-бидоя" девонига киритган:

*Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар Наврўз ила байрам,
Чаман сарви яшил хилъат, менинг сарви равоним ҳам,*

матлаи билан бошланадиган биргина ғазалидан ҳам билсак бўлади.

Бошқа бир ғазалида шундай мисралар бор:

*Эй юзунг боғи насимида ҳавои Наврўз,
Наъл тожинг бўлиб ул боғда бўстонафрўз.
Зулфу рухсор ила комимга мени еткурсанг,
Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсун Наврўз.*

Охириги мисра олқиш бўлиб, ҳикматга, мақолга айланиб, машҳур бўлиб кетган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур бошқа байрамлар қатори Наврўзга ҳам катта эътибор берган. "Бобурнома"да ёзилишича, 1528 йилда Аграда Наврўз зўр шодиёна, томошалар, беллашувлар билан байрам қилинган.

Бешинчи давр. НАВРЎЗНИНГ БУХОРО АМИРЛИГИ, ХИВА ВА ҚЎҚОН ХОНЛИКЛАРИДА БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ (XV аср ўрталари – XIX аср охирилари). Шайбонийлардан бўлмиш Убайдуллахон (1533-1539) Наврўзни нишонлаш бўйича ҳатто махсус фармон қабул қилган. Фармонда "Бухоронинг барча косиб-хунармандлари ўз дўконларини чиройли қилиб тузатиб, кеча-кундуз узлуксиз савдо қилсинлар, ҳайитга чиққан одамлар қачон хоҳласалар роҳат-фароғат ва ўйин-кулгуга берилсинлар, ҳеч бир нарса бу ишда тўсқинлик қилмасин!" деб ёзилган эди.

XIX асрда Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларида байрам ва томошалар бобида жонланиш рўй беради. Абдулаҳадхон (1885-1910), Саид Олимхон (1910-1920) давларида Бухорода Дарвозаи Ўғлон даҳасида яшаган санъаткорлар, Арк ноғорахонасида созанда, хонанда, раққос, масҳара-бозлардан иборат бир қатор ижодий гуруҳлар Наврўз байрамларида фаол қатнашганлар.

~ Шoirлардан Очилди Мирий (1830-1899) ўзининг махсус "Наврўзи олам" қасидасида баҳор келиши билан табиат уйғониб, гуллар очилиб, булбуллар сайраб, аёлу эркак сайлга чиқишини ажиб бир завқ билан таърифлайди.

Фарғона водийсида ҳам Наврўз яхши байрам қилинган. Муқимийнинг

Навбахор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар, Сухбат айлайлик келинлар, жўралар, ўртоқлар!

- деб бошланадиган ғазалида бу ўз ифодасини топган. Фурқат (1858-1909) эса Баҳор ва Наврўзга атаб бутун бир туркум ғазаллар ижод этган.

Наврўзнинг Хоразм воҳасида нишонланиши ҳақида анча-мунча маълумотлар сақланган. Ишончли манбалардан бири Огаҳий (1809-1874) ижодидир. Шoir Наврўзга атаб ўнлаб шеърлар битган. XVIII-XIX асрларда халқ ижоди, санъати, байрамлари, маросимлари ҳам янада ривожланиб, турли-туман оқимлар ва йўналишлар тусини ола бошлади. Кўпинча Наврўз, бошқа байрамлар ва ҳайитлар ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Баъзида Наврўздан хонлар ўзларининг сиёсий мақсадлари йўлида фойдаландилар. Чунончи, Садриддин Айний Амир Музаффарнинг ўзини халқпарвар қилиб кўрсатиш учун Наврўзни ташкил этгани ҳақида шундай деб ёзади: "Амир Музаффар урушда енгиланидан сўнг, халқ орасида обрўсиз бўлиб қолган, айниқса, урушда бўшаб қолган хазинасини тўлдирмоқчи бўлиб... ҳар бир ерда чавки томошалар уюштириб, одамларни банд қилар, шу йўл билан халқ оммасининг диққатини ўзининг ноҳўя ишларидан четга тортар ёки ўз кирдиқорларини хаспўшларди".

Олтинчи давр. НАВРЎЗНИНГ МУСТАМЛАКА ВА СОВЕТ ТУЗУМИ ШАРОИТИДАГИ АҲВОЛИ.

Тўғри, дастлабки йилларда мустамлака ҳокимияти – Туркистон генерал-губернаторидан тортиб тумандаги мингбоши ва қозиларгача - маҳаллий халқларни миллий озодлик ҳаракатидан чағлотиш, итоатли, тақдирга тан берган бир тарзда сақлаш ва шу йўл билан ўз мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида Наврўз ва бошқа байрамлар ўтказишга йўл беради. Тошкент яқинидаги Зангиота ва Тўйтепа сайилгоҳларида уюштирилган Наврўз байрамларида бутун аркони давлати билан генерал-губернатор Фон Кауфманнинг шахсан ўзи қатнашгани, гиламлар тўшалган тўртбурчакли майдон саҳнасида кўзни қамаштирувчи миллий кийимларда ўйнаган уч нафар раққосга ўз қўли билан совғалар улашгани шундан гувоҳлик беради. Австралиялик Август Эйхгорн 1870 йилда бу воқеани Зангиотада ўз кўзи билан кўрган ва кундаликларида ёзиб қолдирган.

Бироқ мустамлака ҳокимияти кутган натижа чиқмади. Наврўз байрамларида маҳаллий аҳоли одаларига кўра ўзларини жуда эркин, хур тутдилар, ўзаро ва табиатга нисбатан меҳр-муҳаббатларини тўлиб-тошиб изҳор этдилар, у ер-бу ерда миллий мустақиллик, хуррият тўғрисида гап-сўзлар ҳам чиқиб қолди. Ана шундан кейин ҳар қандай халқ йиғинлари, байрамлар ва сайиллар тақиқлаб қўйилди. Ҳатто дорбозлар ҳам бирон жойга дор тикиш ва ўйин кўрсатиш учун миршаблардан рухсат оладиган бўлди.

Совет даврида Наврўзнинг қисмати оғир бўлди. Дастлабки йиллардан бошлаб диний байрамлар тақиқланди, Наврўзни эса социализм ғояларига, коммунистик мафкурага хизмат қилиш томон буриш ҳаракати бошланди. Шу мақсадда баҳорнинг бошида шаҳарларда сиёсий майдон томошалари ташкил этилди, маҳаллий зиёлиларнинг кучлари билан "Шарқ кечалари" уюштирилди. 20-йиллар охири, 30-йиллар бошларида "эскилик сарқитлари"га

нисбатан кураш давлат сиёсатида айланиб, ўтмишдан келаётган бутун маънавий, маданий мерос, урф-одатлар, маросимлар, байрамлар тафтиш қилина бошлар экан, калтакнинг бир учи Наврўзга ҳам келиб тегиши табиий эди. Худди шундай бўлди. Жойларда одамлар эски одатга кўра ўз билганларича байрам қилавердилар.

Аммо соф пролетар маданияти тарафдорлари, "эскилик сарқити"га қарши курашувчи шоввозлар халқни ўз ҳолига қўймади. Наврўзга "эскилик сарқити", диний байрам тамғаси босилди, кимки унинг тарафдори бўлиб чиқса, халқ душмани сифатида қатағон қилинди.

Қатағон кучайиб борди. Наврўз, Меҳржон байрамлари ўрнига "Колхоз тўйи", "Ҳосил байрами" деган байрамлар пайдо бўлди.

60-70-йилларда бирмунча жонланиш рўй берди. Жойларда, баъзан бошқарув маҳкамалари, баъзан маданий муассасалар раҳбарларининг ташаббуси билан Наврўз байрамини тиклаш ҳаракати бошланди. Аммо барибир Наврўз давлат байрами сифатида тан олинмади. Кўпгина ақлли, ўқимишли раҳбарлар қалбларидан Наврўзнинг чинакам дунёвий, чинакам халқчил байрам эканини сезсалар-да, уни қўллаб-қувватлашдан чўчидилар.

1987 йилда мафкура соҳасида ишловчи айрим юқори мансабли шахсларнинг умуман маънавий кадриятларга, жумладан Наврўзга нисбатан тажовузи, таъйиқи кучайди. Наврўз тақиқлаб қўйилди. Сунъий равишда унинг ўрнига "Навбахор" деган байрам тақлиф этилди. Наврўз таркибида бўлиб келган хашар, аждодларни эслаш, қабристонларни обод қилиш ва бошқа маросимларга ҳам янгича тус беришга уринилар бўлди. Аммо халқ бундай ҳаракатларни тан олмади, Наврўзни нишонлашдан тўхтамади. Турар жой, кўча-кўйларни тозалаш, янги кийимлар кийиш, бир-бирини қутлаш, далаларга, қирларга чиқиб сайр қилиш, сумалак пишириш, гап-гаштак, ўйин-кулги давом этаверди.

Ниҳоят 1989 йил 28 февралда юртбошимиз И.А.Каримов жасоратли ташаббуси билан Ўзбекистонда Наврўз байрамини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1990 йилда эса 21 март дам олиш куни ва умумхалқ "Наврўз" байрами куни деб эълон қилинди. Ушбу воқеани мамлакатимизнинг бутун аҳолиси чуқур мамнуният, кўтаринки руҳ билан кутиб олди.

Еттинчи давр. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ ЙИЛЛАРИДА НАВРЎЗ БАЙРАМИНИНГ НИШОНЛАНИШИ.

Наврўз байрамида ҳам янги давр бошланди. У давлат байрамига айлантирилди. Наврўзни бутун мамлакатда нишонлаш учун давлат бюджетидан ҳар йили миллион-миллион сўм маблағ ажратилади. Пойтахтимиз Тошкентда, вилоятлар, туманларнинг марказларида халқ сайиллари, томошалари ўтказилади. Ундан ташқари, меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида, ҳарбий қисмларда, болалар муассасаларида, маҳаллаларда ҳам алоҳида нишонланади. Шубҳасизки, Наврўздан оилалар ҳам четда қолмайди. Оиланинг ҳар бир аъзоси фуқаро сифатида муайян жойларда ўтадиган умумий сайиллар ва томошаларда қатнашиш билан бирга мазкур байрамни оила доирасида ҳам нишонлашни унутмайди. Бир сўз билан айтганда, Наврўзда миллати, диний эътиқоди, жинси, мансаби ва насл-насабидан қатъи назар, бутун мамлакат аҳолиси иштирок этади.

Мана 10 йилдирки, Наврўз Ўзбекистонда умумхалқ байрами сифатида нишонланмоқда. У мамлакат маънавий-маданий ҳаётида, халқ ҳаётида ўз ўрнига эга бўлиб, қаддини ростлаб бормоқда.

ТАРАҚҚИЁТ – БАРКАМОЛ

АВЛОДНИКИ



(Ўзбекистонда миллий таълим концепцияси ва ижодий ўқув юртларининг вазифалари)

Жамиятимиздаги туб ислохотлар ҳаётнинг барча соҳаларига кириб бормоқда ва кўпгина ечилмаган муаммоларни кўрсатиб бермоқда. Ана шундай муаммолардан бири инсоннинг моҳиятини ўрганиш, унинг иқтидор ва тафаккурини шакллантириш йўллариدير. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислохотларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукамал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолди”. Шу боис, комил инсонни тарбиялаш муҳим ва долзарб масалалар даражасига кўтарилди. Чунки миллатимиз-

нинг равнақи, тараққиёти, келажаги халқимизнинг савияси ҳамда маънавий оламининг юксаклиги билан боғлиқ. Шундай экан, ёш авлодни тарбиялаш, уларни Ўзбекистонимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлига, буюк келажак пойдеворини қўйиш жараёнига сафарбар этишдан муҳимроқ ва масъулиятлироқ иш йўқ. Бу тарихий вазифани амалга оширишда республикамизнинг таълим ва тарбия тизими етакчилик қилмоғи лозим, албатта.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида Президентимизнинг “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” номли матрузаси, қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг тасдиқланиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги 1997 йил 6 октябрь

фармони республикамизда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, Ўзбекистонда миллий таълим концепциясини шакллантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Бу қонун ва кўрсатмалар ҳаётийлиги, изчиллиги ва мукамаллиги туфайли тезда ижтимоий ҳаётимизга кириб келди ва таълим-тарбия соҳасидаги ишларимизни жонлантириб юборди. Шу билан биргаликда умум ва олий-таълим соҳасидаги камчиликлар, уларни бартараф этиш йўллари, уни ривожлантириш ва замонавий талаб даражасига кўтариш учун зарур бўлган моддий ва маънавий ресурсларни излаб топиш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш каби мураккаб ишлар ёш авлоднинг тақдири учун қайғурадиган, уларнинг баркамоллиги учун саъй-ҳаракат қилаётган ҳар бир ишчининг бурчига айланди.

Миллий таълим концепциясини шакллантиришдаги энг муҳим масала таълим-тарбия соҳасини ҳар томонлама етук мутахассислар билан таъмин-

лашдир. Бу ўз навбатида олий таълим тизимини ислоҳ қилишни, унинг масъулиятини кучайтиришни талаб қилади. Сир эмас, жамиятимизда бир неча ўн йиллар давомида олий таълимнинг асосий вазифаси тегишли мутахассисларни тайёрлашдангина иборат деб қаралди. Бу мутахассисларнинг маънавий дунёси, ҳуқуқий ва сиёсий онги, малакаси, ишлаб чиқариш билан алоқаси, унинг эртага бориб ишлайдиган жойи билан бевосита ҳамжиҳатлилиги, тарбияланаётган мутахассисларнинг тақдири, уларнинг жамиятга ҳамда мазкур таълим ўчоғига келтирадиган фойда ва манфатлари ҳақида жуда кам бош қотирилди.

Олий таълим тизимидаги бундай нуқсонлар ижтимоий ҳаётимизга салбий таъсир кўрсата бошлади. Чунончи ижод билан боғлиқ соҳаларга ҳам маҳорати етишмайдиган, ижодкорликдан йироқ, таълим ва тарбия, касб-ҳунар ишида нўноқ кишилар аралашиб қолдилар. Қабул қилинган ислоҳотлар бундай лоқайдликка асло йўл қўйиб бўлмасликни тақозо этмоқда. Бадиий ижод билан боғлиқ ўқув юртларида халқимизнинг маънавиятини юксалтирувчи, унинг руҳий дунёсини бойитувчи, ички маданияти, яъни ахлоқини шакллантирувчи, ўзлигини танитувчи ва оммани улуғвор ишларга илҳомлантирувчи истеъдод эгаларини тарбиялашдек ўта нозик ва масъулиятли вазифа бажарилишини яхши биламиз. Шунинг учун ҳам ижодий ўқув юртларининг ҳозирги аҳволини ўрганиш, таълим-тарбия тизимида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш йўллари топиш, етук мутахассисларни ишга жалб этиш, таълим-тарбия иши ўта долзарб масала эканлигини англатиш замон талабидир.

Маълумки, узоқ йиллар давомида миллийлик, маънавий етуклик, руҳий баркамоллик каби ҳар қандай халқнинг миллат сифатида шаклланиши учун жуда зарур бўлган тушунчалар фикримиз-у, турмуш тарзимиздан чиқариб ташланди, унинг ўрнига дунёқарашдаги байналмилаллик, коммунизмнинг фаол қурувчисини тарбиялаш каби ноаниқ тушунчалар етакчилик қилди. Сабаби, дарсликлар, дастурлар,

кўргазмалар қуроллар ва асосий мутахассислар бевосита Москва-нинг назорати остида эди. Оқибатда ижодда миллийлик, бадиийлик ўрнига социалистик реализм, синфий кураш, мафкурарий ташвиқот масалаларига кенг ўрин берилди. Шунинг учун ҳам ижод аҳли ва уларга таълим-тарбия берувчи мураббий ижодкорлар ҳам бир томондан тиш-тирноқларигача коммунистик мафкурани ўзларига сингдириб ва халқимиз орасига уни кенг ёйишда сиёсатчи арбобларга сидқидилдан кўмаклашган бўлсалар, бошқа томондан улар ўз маҳоратини ошириш, ижод аҳлига таълим-тарбия беришнинг мукамал, ўзига хос йўллари излаб топиш ва ривожлантириш имкониятларидан маҳрум бўлиб қолдилар.

Республикаимиз мустақилликка эришгандан сўнг Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли халқимиз ўз тараққиёт йўлини белгилаб олди. Турмушимизнинг барча соҳаларида ислоҳотлар ўтказилиб буюк келажак сари илк қадамлар ташладик. Лекин таълим-тарбия соҳасидаги оқсоқлик, номутаносиблик ҳозирги кунгача замоннинг, буюк имкониятларга эга бўлган халқимизнинг истак ва талабларига жавоб бера олмаяпти. Бу Президентимизнинг республика Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқида ҳам батафсил баён этилган. Шундай экан, бу борада нималар қилиш мумкин? Нималар қилса олий таълим, айниқса, ижодий ўқув юртлари ишида ижобий ўзгаришларга эришиш мумкин?

Бизнингча, дастлабки қадамни олий ўқув юртларида ўқитиладиган фанлар учун дастурлар тайёрлашдан бошламоқ керак. Узоқ йиллардан буён узлуксиз ўқитилган “шаклан миллий, мазмунан социалистик” дастурлар ўз вазифасини ўтаб бўлди. Бинобарин унинг ўрнига шошма-шошарлик билан тайёрланган янги дастурлар ҳам ҳозирги давр талабларига жавоб бера олмайди. Дастурларда миллий ва умумбашарий қадриятлар ўзаро уйғунлашган тарзда акс этмоғи лозим. Чунки миллийликка ташналик ва бунга эътибор-у талабнинг кучайиб кетиши миллийлик қобиғига ўралиб қолиш хавфини туғдиради. Бу таълим-тарбия

соҳасида яна бирёқламаликни келтириб чиқаради. Республикаимиз жаҳон ҳамжамиятига тўлиқ қўшилиши учун миллийлик билан бирга умумбашарий қадриятларни ҳам халқимиз онгига сингдириш ижобий натижа бериши муқаррар. Бундан ташқари дастурлар ишлаб чиқиш учун республикадаги энг иқтидорли, малакали мутахассисларни жалб этиш, мазкур соҳа бўйича уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш ва янги дастурларни муҳокамага қўйиш ишларини мунтазам равишда ташкил қилиш лозим.

Иккинчидан, дарсликлар ёзиш ва чоп этиш ишларини йўлга қўйиш керак. Дарсликлар ёзиш ишининг аҳамияти ва масъулияти ҳақида Президентимиз ўз нутқида жуда тўғри фикрларни илгари сурди. Табиий фанлардан кўра гуманитар ҳамда ижтимоий фанлар бўйича дарсликлар ёзиш бирмунча мураккаб ва оғир ишдир. Чунки бу фанлар ижтимоий ҳаёт билан, сиёсий ҳамда маънавий муҳит билан узвий боғлиқдир. Ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ҳар қандай ўзгариш биз хоҳлаймизми, йўқми бу фанларга ўз таъсирини ўтказади.

Учинчидан, олий таълим тизимида ишлаш учун махсус педагог-мураббийларни тайёрлаш ишларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Афсуски, бу борадаги ишларимиз мутлақо қониқарсиздир. Олий ўқув юртларида, айниқса, бадиий-ижодий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган мураббийлар махсус курсларни тамомлаган ва олий даргоҳда ишлаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатга эга бўлмоғи лозим. Маълум бир фан ёки бирор ижод тури бўйича номзодлик ёки докторлик даражасига эга бўлиш бу мураббийлик учун берилган даража эмас. Олимлик бошқа, мураббийлик бошқа. Мураббийлик олимликдан ҳам, ижодкорликдан ҳам юқори турадиган, улкан маҳорат ва нозик истеъдод талаб қиладиган касбдир. Шунинг учун ҳам биз энг аввало мураббийлик касбини улуғлаш, унинг обрў-эътиборини кўтариш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, талаб ва масъулиятини ошириш йўллари излаб топишимиз лозим. Ижодий ўқув юртларида ишлаётган, ёш ижодкорларни ўқитаётган

мутахассисларнинг аксарияти шу ўқув муассасасини тамомлаган, педагогик билим ва маҳорати сустроқ кишилардир. Бу ҳол ижод аҳлига мукамал таълим-тарбия бериш, уларнинг иқтидорини шакллантириш учун ноқулайлик туғдиради.

Бинобарин, ижодий ўқув юр-ларарида ишлайдиган ўқитувчи-мураббийларнинг малакасини, касб маҳоратини замон талаби даражасида шакллантириш ва унинг малакасини ошириш керак.

Ижодий ўқув юрлари, муассасалар, маънавият, маърифат масканлари, таълим-тарбия ташкилотларининг ўзаро алоқа ва ҳамкорлик ишларини ташкил қилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бундай омил ижодкорларда ижодий руҳни, кайфиятни кўтариши, ўзаро тажриба алмашишни, ижтимоий жараёнларга, маънавий ва маърифий масалаларга замонавий ёндошишни таъминлаб туради.

Шунингдек, ижодий ўқув юрлари қошида махсус академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва унда ўқиш-ўқитиш ишларини йўлга

қўйиш, ўқиш ва ўқитиш ишлари билан ижодий ўқув муассасаларининг ҳамкорлигини ошириш, ўрганилаётган ижод тури бўйича мукамал билим ва тажрибага эга бўлган ўқитувчи мураббийларни жалб этиш, бундай мураббийларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга “Таълим ҳақида”ги қонунда кўрсатилгандек олий ўқув юртидаги таълим жараёни бакалаврлик ва магистратура каби босқичларга бўлиниши, унда аспирантура ва докторантурани сақлаб қолиш ҳам ижодий ўқув муассасаларида ўқув жараёнини тубдан қайта кўриб чиқишни, мутахассисларнинг масъулиятини оширишни тақозо этади. Мутахассисларни керагидан ортиқ тайёрлаш иш топа олмаслик муаммосини ҳосил қилади, меҳнат ва маблағнинг беҳуда сарфланишига сабаб бўлади. Энди, бу жараёнга ҳам чек қўйиш вақти етди деб ўйлаймиз.

Ижодий ўқув юрларига қабул қилиш тартибини йўлга қўйиш муҳим муаммолардан биридир. Маълумки, республикамізда бир неча йилдан буён кириш имти-

ҳонлари тест усулида ўтказилмоқда ва бу ижобий натижа бермоқда. Лекин ижодий ўқув юрларининг бошқалардан фарқи шундаки, билим, тажрибадан ташқари туғма қобилият ҳам зарур. Шунинг учун ҳам бундай ўқув юрларига кириш учун ижодий имтиҳонлар қўйилган. Бу айни муддао, лекин истеъдодли, қобилиятли ёшларни ўқув юртига жалб этиш, уларни мунтазам рағбатлантириб бориш, кириш имтиҳонларида имтиёзлар яратиш зарур. Чунки бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан ёшлар пул топишга берилиб кетиб, ўзларининг ижодий қобилиятларини шакллантира олмаслик хавфи бор. Ижодий ўқув юрлари ижодкор ёшларни излаб топиш, уларни ўқишга жалб этиш, рағбатлантириш, қизиқтириш йўллари қидириши лозим. Бундай мақсадларни амалга ошириш учун республикадаги қатор жамғармалар билан ҳамкорликда кўрик-танловлар ўтказиш, уларнинг ғолибларини ўқув ва ўрта махсус ўқув юрт-ларига қабул қилиш фойдадан ҳоли бўлмас эди, деб ўйлаймиз.

Яна зиёлилик ҳақида

"НУР ХУВАЙДО БЎЛДИ ЗУЛМАТ ҚАСДИДА"

Нур - зиё демак. **М а в л о н о** Жалолиддин Румийнинг буюк “Маснавий” китобида “нур”, “зиё” ҳақида ғоят теран мулоҳазаларни учратамиз. Қуйидаги байт фикри-мизни далиллайди:

*Нурни кўрмак - рангни кўрмак
аслида,*

*Нур хувайдо бўлди
зулмат қасдида.*

Нур - зиёнинг моҳияти

ҳақида бундан зиёд тавсиф бўлиши маҳол. Бугун “зиёли” сўзининг залвори, унинг жамиятдаги мавқеи, маъно ва моҳияти ҳақида фикр юритган-да зиёлининг нафақат бугунги, балки бундан бир неча минг йил бурунги мазмун ва вази-фаси қарийб бир хил эканига гувоҳ бўламиз.

Инсон ва ижтимоий ҳодисалар ўртасида ҳамиша муайян ҳудуд бўлган. Яъни, яралиб-дики, муайян доиралар, ҳудудлар ҳам яратилган. Инсон бо-

тиний эрк ва ижтимоий ҳуқуқ низомларига итоат қилсагина, жамиятда мўътадиллик ва тараққиёт бўлади. Яратувчи “ушбу дарахтга ёвуқ келманг”, деб таъқиқ чизигини Одамга таъкидлаётibdими, демак инсон ижтимоий қонуниятларга шубҳасиз бўйсунуши лозим, деган хулоса келиб чиқади.

Дастлабки зиёли Одам эди десак хато қилмаган бўламиз.

Пайғамбар Будда “Ҳақ йўлида ҳар нечук тўсиқни баҳридан ўт, агар бу тўсиқ Будданинг ўзи бўлса ҳам...” дейди. Қаранг, зиёли Будда учун энг муҳими Ҳақиқат, яъни, Ҳақиқатнинг зиёси.

Зиёлилар ҳамма давру замонда инсон фикрати тамугларини ёритувчи, уларнинг кўзига маърифат шуълаларини сингдирувчи, қалбларни ёриштиргувчи, руҳларни безовта қилгувчи, қалбларни мунаввар айлагувчи зотлар бўлганлар.

Бугун инсоният энг мукамал электрон қурилмалар,

(Давоми 25-бетда.)

МУСИҚА ВА ИНСОН КАМОЛОТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 июнда қабул қилган "Маънавий-маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида мамлакатимизда Ватанига, халқига фидокор, мустақил фикрлайдиган, масалаларни онгли равишда масъулият билан ҳал қила оладиган, изланувчан, янгиликка интилувчи ва истиқлол гоъларига садоқатли авлоднинг вояга етказиш ҳамда тарбиялаш масалалари алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг янги даврга мос маънавият баркамол инсонни тарбиялаш масаласини кун тартибига қўйди. Бундай инсон миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбияланган, яъни ахлоқли, маърифатли, илмли, билимли, идрокли, одобли, иймонли, эътиқоди бутун, ўзлигини англаб етган, ватанпарвар, жисмоний ва руҳий баркамолликка эришган бўлиши зарур. Негаки, инсон шу давргача яратилган табиий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий қадриятларни чуқур англаб етмасдан, ундан самарали фойдалана олмасдан ҳеч қачон баркамол шахс даражасига кўтарила олмайди.

Баркамол инсонни тарбиялашда тарбия тизимининг барча имкониятлари, анъанавий ва замонавий тажрибалари, йўналишлари, шакл ва услубларидан ижодий фойдаланиш талаб қилинади. Айниқса, тарбиянинг ахлоқий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ватанпарварлик, диний, меҳнат, экологик, жисмоний, эстетик каби асосий компонентлари муҳим роль ўйнайди. Уларнинг бирортасини эътибордан четда қолдириш умумий тарбиявий жараённинг, яъни маънавий баркамол инсонни шакллантиришда кемтикликни вужудга келтиради.

Тарбиянинг таркибий қисмлари ичида мусиқа маданияти ўзига хос ўрин эгаллаб, муҳим аҳамият касб этувчи омил ҳисобланади. Чунки, мусиқа маданияти кишиларни нафақат эстетик

жиҳатдан тарбиялайди, балки ўз мавзуси ва мазмунига кўра барча тарбиявий таъсирларни қамраб олади. Мусиқа орқали кишилар Ватанга садоқат, етук ахлоқлилик, маънавий поклик, диний эътиқодлик, жисмоний ва руҳий етуклик, сиёсий ва ҳуқуқий комиллик руҳида тарбияланиш имкониятига эга. Иккинчи томондан, мусиқа маданияти тарбиянинг барча таркибий қисмларининг таъсир доирасини бир жойда мужассамлантириши мумкин, яъни халқнинг минг йиллик орзумидлари, руҳий ҳолатлари, маънавияти, ахлоқ-одоб, бадиий тафаккури, имон-эътиқоди жамланади. Маълумки, руҳиятга таъсир ўтказишда мусиқа оҳангларига тенг келадиган восита ҳали излаб топилмаган. Учинчи томондан, халқ ўзи яратган мусиқа маданияти орқали ўзининг фикр-ўйларини, дардларини, ички туйғуларини, қаҳр-ғазабини, меҳр-муҳаббатини ифода қилади.

Бинобарин, мусиқа ва мусиқий оҳанглар энг қадимий даврларда амалий-фойдали вазифани бажариш мақсадида бўлган бўлса-да, тарихий тарақиёт натижасида инсон маданий-маънавий ҳаётининг бир бўлагига айланган. Шу боисдан қадимий даврлардаёқ инсонни руҳлантирувчи, илҳомлантирувчи, унга маънавий озуқа берувчи қудратли восита сифатида мусиқа асарлари пайдо бўлган.

Мусиқа маданияти халқ ҳаётининг инъикоси бўлади. Халқ ҳаёти фаровонлашган даврларда бахт, озодлик, бахтиёрлик мавзуларида, турмуш оғирлашганда эса ғам-аламлар, азоб-уқубатлар ҳақида кўшиқлар тўқилган.

Шўролар даврида ўзбек мусиқа маданияти янги шакллар, воситалар, овурупоча оҳанг ва асбоблар билан бойиган бўлса-да, миллий-маънавий руҳиятдан маҳрум бўла бошлади. Мустақиллик туфайли миллий мусиқа маданиятимиз ўзининг азалий манбаидан куч олиб, миллий руҳиятни ва миллий қиёфани шакллантиришга хизмат қила бошлади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, фолкълор кўшиқларининг

ҳар бири ва жанрлари маънавий баркамол инсонни тарбиялашда ўзига хос вазифани бажаради. Чунончи, маросим кўшиқлари маросим ҳаракатларини мазмунан бойитиб, эмоционал таъсирчанлигини оширса, меҳнат кўшиқлари иш суръатининг самарасини оширади, кишининг чарчоғини чиқаришда ёрдам беради, лирик кўшиқлар ижрочининг ички кечинмаларини аниқ образлар орқали очиб, тингловчиларга руҳий озуқа бериш қудратига эга бўлса, тарихий кўшиқлар тарихий ҳодисалар тўғрисида муайян бадиий тасаввурлар ҳосил қилишга кўмаклашади.

Мумтоз мусиқа нафақат санъатнинг юқори шакли бўлибгина қолмасдан, балки инсон маънавиятини камол топтиришдаги муҳим воситадир. Шу боисдан мумтоз мусиқа меросини атрофлича ўрганиб, қуйидаги хулосаларни айтиш мумкин:

– мумтоз мусиқа халқ маънавий савиясининг ўсиши, халқ ижодининг ривожланиши, шу соҳада меҳнат тақсимодининг пайдо бўлиши мусиқа билан шуғулланишни ўз касбига айлантирган юксак даражада ижод қилувчи профессионал санъаткорларнинг шаклланиши натижасида пайдо бўлади ва у аҳолининг маънавий даражасини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Мана шу жараёнда маданий-маърифий муассасалар, мусиқа фаолияти билан машғул бўлган бошқа ташкилотлар /мусиқа мактаблари, билим юрталари, консерватория, тадқиқот институти, Бастакорлар уюшмаси, концерт ташкилотлари ва бошқалар/дан фарқли ўларок, халқ орасида иш олиб бориб, маҳаллий жой ихлосмандларининг эҳтиёжларини, қизиқишларини қондиришга, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтишига, билимининг ошишига, ҳаваскорлиги ва ташаббускорлигини шакллантиришга хизмат қилади. Уларнинг фаолиятида мусиқа маданияти, жумладан мусиқа ҳаваскорлигини уюштириш асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Ана шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги қарори мамлакатимизда маънавий-маърифий ислохотларни янада чуқурлаштиришда жуда катта аҳамият касб этади.

Симфония - мўъжизам
Одам

Илдилари қадим-қадимларга бориб тақаладиган ўзбек му- сиқа маданияти ўзининг ривож- ланиш жараёнида жаҳон му- сиқа санъати булоқларидан ҳам сув ичиб, замонавий му- сиқа йўна- лишлари бўйича жиддий ютуқ- ларни қўлга киритмоқда.

Ижодкорларимизнинг симфо- ник му- сиқа соҳасидаги маҳорат- лари Тошкентда илк бор ўтказил- ган Халқаро Симфоник му- сиқа фестивали кунларида яна бир қарра намоён бўлди.

Пойтахтимизда ўтган бу халқа- ро анжуманда дунёнинг 20 га яқин давлатидан композиторлар, му- сиқашунослар ва созандалар иштирок этдилар. Улар орасида франциялик Н.Бакри, АҚШдан П.Чайлд, люксембурглик В.Чиви- тареале, италиялик В.Даннибале, япониялик Н.Нагасава, мисрлик Риад аз-Сумбати, туркиялик Ялчин Тўра, корейлик Ли Теон Ёнг, таиландлик В.Премананда, шу- нингдек Тожикистон, Озарбой- жон, Туркменистон, Қозоғистон, Россия, Қирғизистон каби давлат- лардан санъаткорлар бор эди. Шубҳасиз ўзбекистонлик сим- фоник му- сиқа намояндалари фес- тиваль қатнашчилари орасида асосий ўринлардан бирида турди- лар. Ортдошларимиз фестивалда мустақиллик йилларида яратган сара асарлари билан қатнаш- дилар. Айниқса, М.Бурҳоновнинг "Алишер Навойга қасида", М.То- жиевнинг "4-симфония" Р.Абдул- лаевнинг "3 концерт" каби асар- лари "Туркистон" саройида танта- нали суратда очилган фести- валнинг илк дастури сифатида мухлисларнинг олқишига сазовор бўлди. Анжуман доирасидаги симфоник ҳамда камер-чолғу му- сиқаси концертлари "Турки- стон" саройида, М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат

консерваториясининг Катта ва Кичик залларида, Алишер Навой номидаги давлат академик Катта театри сахнасида ўтди. Бу кон- цертлар симфоник му- сиқа ихлос- мандлари учун чинакам байрамга айланди. Шуниси муҳимки, юртимиз му- сиқа жамоалари ниҳоятда қисқа муддат ичида меҳмонларимиз тақдим этган куйларни машқ қилиб, маҳо- ратларини муносиб тарзда намо- ён қила олдилар. Яна шуниси ҳам борки, фестивалда кўпгина янги асарлар янгради. АҚШдан та- шриф буюрган Питер Чайлднинг фикрлари шу жиҳатдан эътиборга лойиқдир: "Менинг камер оркестр учун "Симфониятта" асарим илк бор айнан Ўзбекистонда ижро этилганидан жуда хурсандман. Ўзбек ижрочилари уни тезда ўр- ганиб, бекама-кўст сахнага олиб чиқдилар. Асаримнинг муносиб жаранглашида уларнинг хизмат- лари катта".

Фестиваль доирасида "Миллий анъаналар ва замонавий баста- корлик ижоди" деб номланган давра суҳбати ўтди. Бу суҳбат тур- ли халқлар му- сиқа намоён- даларининг ўзаро фикр алмашиш- ларида, шубҳасиз, катта аҳамият касб этди. Бугунги янгича руҳий- маънавий босқичда му- сиқанинг ҳаётимизда тутган ўрни, навбат- даги долзарб вазифалар хусусида ҳам фикрлашиб олинди.

Фестиваль қатнашчилари кон- церт дастурларидан ташқари тур- ли учрашувлар ва маданий тад- бирларда қатнашдилар. Айниқса, қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрига уюштирилган саёҳат меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Улар шаҳарнинг қадим меъморий обидалари, тарихий зиёратгоҳлари билан қизиқиб танишдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фестиваль концерт- ларининг юқори савияда ўтишида Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри, М.Ашрафий номидаги консерваториянинг му- сиқаали театр-студияси симфоник оркест- ри ва хор жамоаси, Ўзбекистон хор капелласи, республика теле- радиокомпанияси камер оркест- ри, "Сугдиёна" ўзбек чолғулари камер оркестри, "Ўзбекистон ёш истеъдодлари" камер оркестри каби жамоаларнинг хизмати катта бўлди.

Ушбу халқаро анжуман ўзбек му- сиқа санъати нафақат қадим анъанавий кўринишларда, балки композиторлик ижодиёти бора- сида ҳам халқаро миқёсда тобора кенгроқ тан олинаётганини, ўз ўрнини мустаҳкамлаб бораёт- ганини кўрсатди.

Гулчеҳра УМАРОВА.



Давримизгача етиб келган бирор бир муסיкий созни илмий ўрганишда археологик топилмалар, тарихий-адабий асарлар ва уларга чизилган миниатюралар ва, албатта, ўрта асрлар муסיкий рисоалари асосий манба бўлади.

IX-X асрлар муסיкий назариётчиси Форобийнинг "Муסיка тўғрисидаги катта китоби"да чолғуларга ажратилган қисм бўлиб, унда маъзиф - чангсифат чолғу ҳақида тўхталиб, товушлар торларнинг тебранишидан ҳосил бўлиши ва ҳар бир алоҳида тор товуш бериши таъкидланган. Худди шу маъзиф сози кейинчалик арабча "қонун" деб аталиб келинган деган фаразлар мавжуд. XIII аср муסיка назариётчиси Сайфиддин Урмавий эса қонуннинг 2 хил кўриниши ҳақида ёзади: улар трапеция кўринишидаги қонун ва тўғри бурчакли нуздадир. XIV асрда яшаб ўтган номаълум муаллиф томонидан ёзилган муסיкий рисолада қонун ва нузда чолғулари тилга олиниб, уларнинг схематик тасвири берилган. Унда қонун трапеция кўринишида, нузда эса тўғри бурчакли, қонунга нисбатан 2 баробар катта ҳажмга эга бўлган 4 дейиман торли чолғудир. Абдулқодир Мароғий ҳам қонунни трапеция кўринишидаги кўп торли тирнама чолғу эканлигини қайд қилган.

"Қонун - эллинизм дунёсидан мерос бўлиб қолган" - деб ёзади Дарвиш Али ва ўз давригача маълум бўлган машҳур қонунчи ижрочилар номларини тилга олади. Шундай қилиб, Ўрта аср муסיка назариётчилари Форобий (IX-X асрлар), Урмавий (XIII аср), Мароғий (XIV-XV асрлар), Дарвиш Али (XVII аср) рисоалари маълум вақт оралиғи билан фаркланса-да, уларнинг қонун сози тўғрисидаги маълумотларида узвий боғлиқлик бор.

Қонун ҳақидаги кейинги маълумотлар XIX асрда Ўрта Осиё чолғулари мажмуаси тўплаган Эйхгорнга тегишлидир. У "қонун" ёки "калин" чолғусини рус гусли созига ўхшатади ва унинг келиб чиқишини арабларга тегишли деб фикр юритади.

Юқорида қайд қилинганидек, тарихий адабий асарларга чизилган миниатюралар ҳам чолғу тараққиёти тарихини ўрганишда катта ёрдам беради. Тадқиқотчиларнинг фикрича турли даврларда ёзилган асарларга чизилган миниатюраларда мусаввир асосий сюжетни тасвирга туширар экан, ўзи яшаб турган давр хосликларини ҳам беҳос қиритади. Хусусан, Фирдавсийнинг "Шохнома", Низомийнинг "Искандарнома", Навоийнинг "Ҳамса" дostonларига чизилган миниатюраларда муסיкий созлар у ёки бу мусаввир ижод даврининг маданияти, муסיкий ҳаёт белгилари ҳисобланиб, турли шарқ бадий мактаб мусаввирлари томонидан деярли бир хил ёки ўхшаш чолғулар акс эттирилган. Бу эса айрим бир чолғуларнинг географик нукта назардан шарқ халқлари муסיка амалиётида жуда кенг қўламда қўлланилганлигидан далолат беради. Қонун ҳам худди шундай чолғулардан ҳисобланиб, Эрон, Арабистон, Туркия, Арманистон, Озарбойжон ва ҳозирги Ўзбекистон ҳамда Тожикистон ҳудудидан кўп асрлар давомида ижро қилиниб келинган шарқ созидир.

Миниатюраларда умумий кўринишда тасвирдаги қонун чолғуси эканлиги аниқ намоён бўлса-да, создаги конструктив элементлар (торлар сони, кулоқлар, харрак, чолғу ишланган материал), товуш сифатлари, ижро услуби каби жиҳатларни билиш ва илмий асосда таҳлил юритишга имкон бермайди. Бу борада муסיкий рисоаларда кўпроқ аҳамиятли маълумотлар бор. Юқорида айтиб ўтилган номаълум муаллиф рисоласида ёзилишича, қонун олхўри дарахтидан ишланиб, 13 та учланган (яъни ҳар бир товушга 3 та унисон қилиб созланган тор тўғри келади), жами 36 тордан иборат бўлиб, ўнг ва чап қўл бармоқлари билан ижро қилинади. Унинг кенг қисми 81 см., қарши - қиска томони 40,5 см., қўндаланг томони 74,25 см.га тенг. Мароғий, қонун 24 та учланган (жами 72 та) тордан иборат деб ёзади. Эйхгорн чолғу мажмуасидаги қонун эса жуфтланган металл торлардан иборат бўлиб, диатоник

товушқаторга эга бўлган. Шу билан бирга у бу соз ижрочиси Туркистонда деярли учрамайди, деб изоҳ беради. Демак, қонун сози XIX асрда ўзбек (тожик) муסיкасида ижро амалиётидан чиқиб кетган. Аммо, у бутунлай йўқолиб кетган эмас, балки бошқа шарқ халқлари истеъмолида қўлланиб, такомиллашиб борган. Ва, ниҳоят, XX аср охирида ўзбек (тожик) анъанавий муסיка ижрочилигига янги, такомиллашган ҳолда қайта кириб келди.

Навоий ўз давридаги муסיкий созларни таърифлаб, қонунга "Қўнғилни ларзага солувчи" деб сифат беради. Бу таъриф қонуннинг жуда нозик, сержило садоси билан инсонга рухий таъсир кўрсата олиш қучини исботлайди.

Ҳозирги кўринишдаги қонун трапеция шаклидаги кўп торли тирнама чолғудир. У асосан тут дарахтидан ишланиб, текис товушқона асосга эга. Асоснинг катта қисми ёғоч копкак билан қопланган. Асоснинг ўнг томонида квадрат шаклидаги ўйиқлар бўлиб, улар тери мембрана билан қопланган. Мембрана устига қўндаланг туширилган ёғоч харракнинг узунлиги 38 см., баландлиги 2,5 см. Қонун товуш қаторининг асосини 25 ичак торлар ташкил қилиб (22 таси учланган, 3 та йўғон тори жуфтланган), улар копкак бўйлаб, қўндалангига ўнг томондан тор илгаклар, чап томондан эса ёғоч кулоқларга туташтирилган бўлиб, махсус калит билан унисонга созланади. Копкакнинг чап томонида торлар остидан вертикал ҳолатда тиргак ўрнатилган бўлиб, унда ҳар бир учланган тор учун 2 тадан пўлат харрак мавжуд. Харраклар пастга ва юқорига ҳаракатлантирилганда асосий товуш баландлиги ярим тон пастга ва юқорига чиқиб тушади. Ҳар бир асосий



товуш бутун тон оралиғида баландлик ўзгариши имкониятига эга бўлиб, ижро қилинаётган асар доминида тоналлигига мос товушқатор ҳосил қилинади. Асар давомида тоналлик ўзгариши эҳтимоли бўлса, у ҳолда ижрочидан махсус харракларни бошқариш учун ҳам маҳорат талаб қилинади. Ушбу қонуннинг илгари қўлланилган қонундан фарқи айнан шу техник қурилманинг чолғу тараққиёти ва ижро имкониятига катта таъсирдан келиб чиқади.

Қонунда оддий тирнама зарб, оддий зарбларнинг комбинациялашган турлари, тремоло, глиссандо ва халқ муסיкасида учрайдиган турли мелизмлар ижрочи имкониятларига қараб қўлланилади. Халқ ва профессионал муסיкасига характерли динамик ранг-баранглик қонун ижро имкониятлари доирасида тўла қўлланилади. Қонуннинг тембр хусусияти уни бошқа торли чолғулардан ажратиб туради.

Ҳозирги кунда қонун бир қатор шарқ халқларида қўлланиб келинмоқда. Ҳар бир миллат муסיкасининг интонацион тузилиши турлича бўлиши табиий ҳол. Аммо муסיкий сознинг турфа хил оҳангларни ўз ижро қонуниятлари доирасида "идора" қила олиши фақат қонуннинг ўзига хос қудратли муסיкий табиатини намоиш қилади.

Муҳайё МИРЗАЕВА,
санъатшунослик илмий
тадқиқот институти тадқиқотчиси.



Жўрабой ЖАББОРОВ,
профессор

ОИЛА - МУҚАДДАС МАСКАН

Биринчи инсонлар — Одам Ато ва Мома Ҳавони Оллоҳ яратгандан буён инсоният ҳар хил оилавий муносабатларни бошидан кечириб келмоқда.

Ер юзидаги турли халқлар беш мингдан зиёд тилларда гапириб, ҳар хил динларга риоя қилиб, урф-одат, анъанага эга бўлиб бир қанча оилавий муносабатларни шакллантирганлар. Ҳаммага хос бўлган уйланиш, оила куриб, фарзанд кўриш ва уларни тарбиялаш ҳар бир халқнинг ворислиги унинг тилида, урф-одатларида намоён бўлади. Бу тўй маросимларида, фарзанд кўрганда бўладиган тантаналарда ўз ифодасини топади.

Ер юзидаги халқлар турмуш тарзига назар ташласак, ҳаммаларига хос бир хил ҳодисанинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Яъни болалар оилада бунёд бўлиб, улғайиб, балоғатга

етиб йигитлар, қизлар бири-бирига муҳаббат изҳор қилиши, бўлажак оила пойдевори асос қўйиш турлича бўлади. Бироқ бу турмуш савдоси Фарб ва Шарқ халқларида ўзига хос ҳолларда ўтади. Агарда Оврупо халқларида йигит ва қиз мактабда ўқиб юриб, дўст-ўртоқ бўлиб бири-бирини уйига бемалол боришса, Шарқ одобига биноан бегона йигит бўйга етган қизи бор оила учун номаҳрам ҳисобланиб, унинг ҳовлига, айниқса ичкарига кириши шариат томонидан қатъиян маън этилади.

Оврупо йигит-қизлари қўлтиқлашиб кинога, кафега, театрга ва бошқа жамоат жойларга бориб, ўзларининг муҳаббатларини сир сақламай, ўзгалардан уялмай очиқ муносабатда бўлишлари мумкин.

Лекин Шарқ одобномасида ёшларни бундай

эркинлиги назорати ота-она, қариндош-уруғ ва катта одамларга юкланган фарз ва суннатдир.

Оила куриш жараёнини олайлик. Айрим ёшлар ўзлари танишиб, ҳиссиётга берилиб, ота-она фикрига риоя қилмай танлаганим шу деб кўрсатишмоқда. Аммо ажралиш статистикасини ўрганиб чиқсак, ёшлар ўзлари топишиб қурган оилага қараганда, ота-оналар саъй-ҳаракати туфайли ташкил бўлган оила, қуда-андалик, қариндош-уруғлик оилаларнинг ахлоқий тарбиявий мезони мустаҳкамлигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, йигит-қизлар балоғатга етгандан кейин ихтиёрий равишда ўзлари танишишади ёки ота-оналари совчи юбориб йигит-қизни унаштиради. Бундай ижобий ҳаракатда кўни-кўшни, қариндош-уруғлар ҳам иштирок этишади.

Шариати исломияда ўз болаларини яхшилаб тарбия қилмоқ, оталарга фарзи айн, ўз миллатининг етим қолган болаларини тарбия қилмоқ фарзи кифоядир. Болаларга ота-она тарбияси биринчи таълим бўлиб сингийди.

Ўғил болаларни тарбиялашда ота сабоғи ўзига яраша оила куришга тай-ёрлаш саводидир. Аржосиб ҳаким ўғлига васият қилиб айтади: “Ўғлим, гўзал ахлоқ эгаси бўл, яхшилик қил, ярамас, бузук йўлларга асло яқинлашма, гўзал ахлоқинг билан ҳамманинг муҳаббатини ўзингга жалб қил. Хотин ва фарзандларингга меҳрибон бўл”.

“Қуш инида кўрганини қилади” дегандай қизлар тарбиясида она роли беқиёсдир. Уларнинг покизалиги, пазандалиги, ишбилармонлиги, меҳнатсеварлиги - бу келажакда оилавий ҳаётда фарзанднинг қийналмаслигини таъмин-

лайдиган омиллардан биридир.

Тарбияда, энг муҳими, йигит-қизларни оила қурганда унинг аччиқ-чучугига сабр-қаноатли бўлишни сингдириш муҳим масала ҳисобланади. Табиийки ҳар хил оилаларнинг турмуш фаровонлиги, тарбиявий омиллари ҳар хил. Шунинг учун келин-куёвни янги шароитга кўниктиришда ота-онанинг ёрдами жуда асқотади.

Йигит-қизларда ҳаё, ифбат, виждон, бурч тушунчаларини шакллантириш тарбиявий омилларнинг натижасидир. Садоқат гоҳси сингиган ёшларда ҳеч хиёнат содир бўлмайди.

Овруполик йигит-қизлар турмуш қурганида қиз, жувонлигига, хатто ёшига, боласи борлигига ҳам эътибор беришмайди. Уларда биринчи ўринда ҳал қилувчи мезон - муҳаббат, кўнглига тўғри келиб, ҳиссиётини қаноатлантирса бас.

Шарқ одоб-ахлоқида йигит ва қиз тўйдан олдин зино қилишса ёмон қораланади. Хотин билан бамаслаҳат иш тутиш асло ёмон бўлмайди. Лекин унинг измига тўла тушиб қолган эркак ўзининг эркаклигини йўқотган бўлади.

Ўтмишдаги аждодларимизнинг доно панд-насихатлари ҳанузгача ўз қадриятини йўқотгани йўқ. Чунки ўтмишдагидай ва ҳозирги кунда ҳам Шарқ одобномасига бинон фарзандлар тақдирига бефарқ қаралмайди. Балоғатга етгандан кейин ўғилларини ота-она уйлантиради, қизларини куёвга беришади.

Эр ва хотиннинг тотувлик билан яшашлари бутун оила аззоларига бахт-саодат келтиради, роҳат ва фароғат эшигини очади. Агар ота-она тарбияли, одобли ва бир-бирларига хушмуомалали

бўлсалар, фарзандлар ҳам улардан ўрнак олиб, шундай йўналишда тарбия топадилар. Тарбиясиз, жанжалкаш ота-онанинг фарзандлари ўзларига ўхшаган бўлиб етишади.

Ақли, номусли хотин эрининг шодлик ва қайғусига баробар шерик бўлади. Эрининг хизматларини тақдир қилиб, унинг ҳурмат ва иззатини бажо келтирган хотин фақат иззат-ҳурмат орттиради.

Эри эрталаб ишга кетаркан, уни ширин сўз, хушмуомалалик билан кузатиш, ишдан қайтганда яна шундай очиқ чехра билан остонада салом билан кутиб олиши ҳам бир санъатдир. Соғлом оилада шоду хуррамлик барқарор топади.

“Эрни эр қиладиган ҳам, уни қора ер қиладиган ҳам хотин”, деб бежиз айтилмаган халқимиз нақлида. Шунинг учун одобли, тарбия топган хотин эрининг топганини юзага чиқаради, исрофга йўл қўймайди, қаноатли бўлади. Болаларининг тарбиясига эътибор беради.

Отанинг фарзандига муҳаббати чексиздир, чунки у унинг бел қувватидан, кўз нуридан, руҳи-жисмидан ҳосил бўлган. Шунинг учун ота фарзандига меҳр-муҳаббатини бағишлаб унинг тарбиясига эътибор беради ва ўзи истаган фазлу камолни фарзандига сингдиришга, уни ўзидан кўра ҳам олийжаноброқ қилиб тарбиялашга меҳнат-шижоатини аямайди. Шунинг учун фарзанди ҳақида одамлардан “Тарбия берган ота-онанга минг раҳмат”, деган дуони эшитса қувонади, фарзанди билан фахрланади.

Ёшларга айтар гапим шу: сизнинг дунёга келишингизга сабабчи бўлган, тарбиялаб ўстирган ота-онангизнинг

ҳақларини ҳеч камчиликсиз адо қилинг, иззат-ҳурматларини бажо келтиринг. Уларнинг хизматларида бўлиб, розиликларини олинг, аччиқ сўзлар айтиб дилларини вайрон қилманг, уларга бўлган муҳаббатингизни тил билан, сиқидил билан, яхши тадбир билан изҳор қилинг. Насиҳатларини бажонидил қабул қилиб, уларни амалда кўрсатинг. Уларнинг турмушларидан доим хабардор бўлиб, ҳеч нарсага зориқтирманг. Ота-она сизларга ҳеч қачон ёмонлик тиламайди, бахтли, саодатли бўлиб, роҳатда умр кечиришингизни орзу қиладилар. Сиз ота-онангизга қандай муомалада бўлсангиз, кейинчалик фарзандларингиздан шундай муомалани кўрасиз, чунки улар сиздан ибрат оладилар.

Фарзанд вояга етиб мустақил турмуш қургунча, ота-она қўлида омонатдир. Ёш бола гавҳарга ўхшаш оппоқ мум каби ҳар қандай нақш-сабоқни қабул қилади. Шунинг учун ота-она ўз фарзандларини болалик чоғларидан бошлаб ахлоқ, одоб, тарбия қоидаларига мувофиқ парвариш қилишлари керак.

Болаларнинг ахлоқ, одобига сўкиш, уриш билан эришиб бўлмайди. Бу катта сабр-қаноат, эртаю кеч меҳнатни талаб этади. Фарзандингиз яхши иш қилса, уни мақтанг, қилган хизматига тўғри баҳо беринг. Ёмон иш қилган бўлса, ўзингизни норозилигингизни қатъиян билдириб, насиҳат қилинг, қилган ишининг номаъқул эканлигини тушунтиринг. Шунда ҳам сўкиб, уриб, ўшқириб, камситиб эмас, иложи борича юмшоқ, мулоиймлик билан гапингизга ишонтиринг.

Шайх Саъдий айтади: онанинг жонпарвар бўйи,

яъни қадди-қомати бир дарахт бўлса, фарзанд у дарахтнинг нозанин меваси ва натижасидир. Онанинг кўкси томирлари юрак ичида эмасми? Ҳақиқат кўзи билан қарасак, она сути унинг юрак қонидир. Шунинг учун фарзандга онанинг меҳр-муҳаббати отага қараганда яна ҳам кўпроқ бўлади. Баъзи фарзандлар ҳаммадан ҳам азиз ва меҳрибон онанинг кадр-қимматини билмайдилар.

Бир танишимнинг тўрт фарзанди бор, учта қиз, кенжаси ўғил. Якка ўғил бўлгани учун ота-она ўғлини эркатой қилиб тарбиялашди. Учта қиздан кейин ўғлимиз, бизни суянчиғимиз, ворисимиз деб умид боғлашарди. Лекин бундай бўлиб чиқмади, бу номард оқ сут бериб боққан онасини, олий маълумотли қилиб ўқитиб ўз касбини унга ворис қилган отасини бебахт қилди. Умид қилинган орзулар чил-чил бўлиб барбод бўлди. У бедаво фарзанд чекишга, ичишга, ҳатто гиёҳванд бўлиб ўзига игна санчишга одатланиб, бўлмағур ифлос аёл, бетайин унсурлар билан умрини зиё ўтқизяпти. Шу бўйдоқ 30 ёшга кирди, ақлдан дарак йўқ, ота-она уйлантирайлик деса, сизларнинг ишларинг бўлмасин, олий маълумотлиман, бу масалани ўзим ҳал қиламан деб жавоб беради. Ноқобул фарзанд касофати туфайли она қон босими касаллигига мубтало бўлди, ота эса руҳан эзилиб, ҳиссий заифлашиб, асабли бўлиб қолди.

Бир донишманд ўз ўғлига шундай насиҳат қилган экан: ўғлим, агар муродинг гулларининг

очилишини истасанг, шу беш нарсага эътибор қил: қаҳр-ғазаб оловини юмшоқлик суви билан ўчир; ахлоқсиз, тарбиясиз, бузуқ кишилар васвасасидан ҳазар қил; ишларингни биносини тўғрилиқ узра қур, хиёнат йўлига қадам қўйма; юз берган воқеа-ҳодисаларни чидам билан бошқаларга ўтказ, сабру тоқатни қўлдан берма; ҳирс, таъма, игво ила бировга озор беришдан сақлан.

Бошқа бир донишманд айтади: кадр-қимматим ошсин десанг, бошқаларнинг кадр-қимматини бил. Ҳамманинг ўзингга дўст бўлишини истасанг, одамларга қўлинг ва тилинг билан озор берма. Дилинг оғриб, асабийлашишни истамасанг, жоҳил, аблаҳ кишилар билан сўзга боришиб ўтирма. Қайғу-аламдан узоқ бўлишни истасанг, қўлингдан чиққан нарсага афсус-надомат қилиб юрма. Дўстларинг кўпайишини хоҳласанг, очиқ юзли, ширин сўзли бўл, ҳеч кимга гина ва адоват сақлама.

Ҳозир кўпгина ёш ота-оналарнинг тижорат билан шаҳарма-шаҳар юришлари урф бўлган. Уларнинг баъзиларини болалари эса оч, қаровсиз, юпун кийинган, уларга ким қарайди, ким овқат қилиб беради, ким тарбия беради?

Халқимизнинг Ватанимиз мустақиллиги мустаҳкам бўлсин, бахтли оилалар сони кўпайсин, мудҳиш ҳодисалардан Оллоҳ сақласин деган илтижою дуолари ҳар бир ота-она тили ва дилида, истакларидида, саъй-ҳаракатларидида баралла янграмоқда.

Бу шоирларнинг жуғрофиясига боқинг.
Гўё Амударё ва Сирдарё оралиғидаги қадим
юртда нуқул шеър ёзилиб, ноғоралар гумбур-
лаётгандек. Шеър ёзилаётган юртни булбул
ва қумрилар тарк этмайди, гуллар қор ва
қировга доғур бўй таратиб тураверади,
довуллар ҳатто муз остида ҳам
шарақлайди...

Афсуски, бу шоирларнинг даста-даста
шеърларини ёритишнинг имконияти йўқ.
Шеър ёзаверинг, улар оқ қоғозга босилмаса
ҳам, гуллар бўйи, қушлар навоси, насимлар
ҳавоси билан олам узра қанот ёзаверади.

ЭНАМ ХОВЛИСИГА КЕЛДИМ...

(Ота томондан ва она томондан
энажонларим Олтиной Бобоназар қизи ва
Рўзижон Мирсоли қизларини ёдлаб)

Энам ховлисига келдим, аммо энажоним қани?..
Бу ерда гуркираб ётган кашничу райҳоним қани?..

Оларди бағрига ўйиб, юзу, кўзу пешонамдан,
“Эна” десам, “ҳа”ни қўйиб, тилида
“жон-жон”им қани?..

Очиб сандиғини берар эди мева, ширинликлар,
Булаб қаймоққа тутари ширмойидан ноним қани?..

Агар хафа эсам бироз, жавдирабки боқар эди,
Бошимни минг силаб, парвонаю меҳрибоним қани?..

Букун ховлисида излаб изларини тополмасман,
Кўз олдимга келиб энам, энди, дер, нишоним қани?..

Келиб тез-тез унинг дийдорига тўймас эдим нега?..
Борида қилмайин парво, букун кўп армоним қани?..

Қани энажоним, қани, сўзи қани, ўзи қани?..
Неча кун меҳмоним экан, бу азиз меҳмоним қани?..

Ўзи шундайки борида кадрига етмайин кимнинг,
Кейин афсус-пушаймонлар, фанимат инсоним қани?..

Энам ховлисига келдим, аммо энажоним қани?..
Бу ерда гуркираб ётган кашничу райҳоним қани?..

**Султонмурод ҲОЖИБОЕВ,
Ўратена.**

МЕҲРИДАН ОЛАМ МУНАВВАР...

Барча мўминни Худо бандам дегай дерман мудом,
Шул эрур Парвардигорга энг биринчи илтижом.

Асрасин бани башарни ғам-балолар комидан,
Сақласин дарду фалокатдан жаҳонни субҳу шом.

Қудрати чексиз Эгамнинг, измида ер-қоинот,
Азмидан унмиш ҳаёт ва унга хос мазмун, маром.



ШЕЪР

ОЖА

Пурзиё Куръон, хадислар, беадад неъмат учун
То абад дилларга жодир унга куллуқ, эҳтиром.

Водариф, осий, имонсиз, кўрнамак ҳам беҳисоб,
Фарқ қилишни истамаслар не ҳалолу не ҳаром.

Қон тўкиб, иғво солишлар бўлди зоҳир қайдан-эй,
Тангридан аччиқ улуш бор кимда жўшса интиқом.

Меҳридан олам мунаввар, қаҳридан нелар забун,
Одилу қодирлигининг шарҳига етмас калом.

Танҳо эзгуликни қўллар у суюнч, олийпаноҳ,
Шундайин бўлган азалдан, шундайин этгай давом.

Ўз насибимким, мунаққаш қисмату тақдир учун
Минг шукурлар деб Музаффар, сўзларин
этмиш тамом.

**Музаффар ЗУЛФИҚОРОВ,
Ленинобод вилояти, Конибодом.**



Онамнинг қўлида қоп-қора
косовнинг учида бир шамча
пирпираб-пирпираб ёнарди олов
тандир қулига санчиб
ўчирар косовни аяб
ўзин аямаган онам.
Косов учидаги бир шамча
оловни қаламим учига
бахш этинг деб илтимос қилдим
хўп демоқчидай
ўйчан боқиб турди тушимда.
Қаламим косовга айланди
ёнимда бир уюм кул
ўтиннинг эмас
кечган кунларим кули.
Онам деди
кулга суқиб ўчирма
бу шамча оловни
қалам ахир қўлингдаги.

**Мадамин ҚўЧҚОР,
Хоразм вилояти, Шовот тумани.**



ЭЗАВЕР, ТУРКЧЕТОЖ

КЕЛИБ ДУНЁГА, ЭЙ ОДАМ...

Нечун юзда хаёнинг йўк,
Нечун сўзда ибонинг йўк,
Кўнгилда кўркувинг йўк,
Тилингда зикри Оллох йўк.

Бу дунёга берилгайсан,
Ибодатни унутгайсан,
Шайтонингга сиғингайсан,
Дилингда зарра иймон йўк.

Савоб иш ёдингга келмас,
Хаёлингда мудом ишрат,
Есам-олсам дегаи фикринг,
Кўлингда хайри эхсон йўк.

Келиб дунёга эй, одам,
Бошингни эгмадинг ҳаққа,
Уйинг мил-мил матоларга,
Намозга жойнамозинг йўк.

Бобом эшон эди, дерсан,
Хўжа фарзандиман, дерсан,
Жавонингда китоб лик-лик,
Каломулла китобинг йўк.

Гоҳи соғлом бўлур инсон,
Гоҳи дардманд бўлур инсон,
Келиб қолган оғир дардлар,
Ибодатга мадоринг йўк.

Ўзингда тарбият бўлмаи,
Боланг хулқи бузук бўлди,
Худо ўзинг инсоф бер, деб,
Падар анда дунёнинг йўк.

Бошингга ғам-алам келса,
Ялингайсан бировларга,
Мадад бергин илохим, деб,
Худойимга дуойинг йўк.

Сенга икки оғиз сўз дер,
Қулоқ сол, Абдуқодирга,
Бу дунёда азиз дўстим,
Худодан ўзга ёринг йўк.

Абдуқодир ҚАЙЙУМ.

Шоирнинг сўзига беринг эътибор:
"Дунё қабр гўё, тўрт тарафи бор.
Аммо мен дунёни кўма олурман
Ўз қалбимга, яъни тўртликка минг бор".

Юксак-у улуғвор тоғларга қара,
Яқин кўрингайдир, ажиб манзара!
Маънавият тоғи - даҳоларга бок,
Қалблардан олисга кетмагай сира?!

Абадий зулматдир уммонлар ости
Ва унда жонзотлар тинч яшар, рости.
Бу ёруғ дунё ҳам зулматга дўнар,
Одамларнинг бўлса ўзаро қасди.

Донишманд демишким: "Ҳақиқий устоз
Отадан улуғдур, айлангиз эъзоз.
Ота кўқдан бизни ерга гуширса,
Устоз ердан кўкка этдирур парвоз".

Аслида бу жаҳон яхлит бир макон,
Аммо ўз Ватанинг - қалбингдаги жон.
Биз учун олий бахт балким шул эрур:
Шу жон юракларда яшаса омон!

Тўрт оёқлаб келар дунёга одам
Ва тўртта оёқда кетар дунёдан.
Бахтинг-ку юрганнинг икки оёқда,
Эй инсон, унутма буни ҳеч бир дам!

Ғойиб ЁҚУБОВ,
Қорақалпоғистон.

ТЎРТЛИКЛАР

Дейдилар, торга-тор, кенгга-кенг дунё,
Аслида ҳаммага теппа-тег дунё.
Ва лекин ҳар кимда ҳар хил феъл-атвор,
Шунинг-чун заминда нотинч денг дунё.

Ё раб, дардни бердинг, давоси кайда?
Бу юртинг шифобахш хавоси кайда?
Ноилож қазонинг кўлида кетди
Энди Шавкат Раҳмон навоси кайда?

Қарисанг камаяр сочиңг қораси,
Ёш бўлиб қолишинг йўқдир чораси.
Ҳадеб ухлайверма, кексайдим, дея
Яқиндир уйқу-ю, ўлим ораси.

Орифжон УМАРЖОНОВ,
Фаргона.



60

Комилжон Отаниёзов, Сойиб Хўжаев, Раззок Хамроев сингари ўзбек санъатининг дарғалари анъаналарини, улар йўлини муносиб давом эттирган шоғирдлар айни кунларда ўзлари устоз бўлиб, санъат ривожига муносиб хисса қўшмоқдалар. Шуларнинг бири – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулсара Ёқубованинг ижоди билан танишиб, унинг устозлик изланишларидан кўнглим ғурурга тўлди.

Хоразм эли азал-азалдан санъатсевар. Фақатгина санъаткорлари эмас, балки етти ёшдан етмиш яшаргача бўлган оддий халқининг ҳар бир сўз, ҳар бир хатти-ҳаракатларидан куй-қўшиқ, мусиқа оҳанглари шундоққина сезилиб туради. Уларнинг санъатлари шўх-шодон, сержилва, нозик туйғуларга бой.

Шундай ажойиб халқ фарзанди Гулсара Ёқубова билан суҳбатлашар эканман, улардаги хушхандон кайфият, ҳазил-мутойиба мени ҳам сеҳрлаб қўйди.

– Гулсара опа, 40 йилдан зиёдроқ вақт мобайнида санъат гулшанидасиз. Сиз бу гулшанда нима топдингиз. Бахтми, армонми?..

ХУМЛАНИГА АРЗАЙДИГА



САЪЪАТКОР

– Санъат олами шундай бир мунаввар олам эканки, сиз унга ўзлигингизни, ижодингизни қанчалар баҳш айласангиз, у сизни шунчалар элга танитар, шунчалар иззат-икром кўрсатар экан.

Мен ўзимни фақатгина санъат гулшанида эмас, балки ҳаётда ҳам бахтли инсонман, деб айта оламан. Илк орзуим ушалиб, санъат олийгоҳи талабаси бўлдим. Театр саҳнасида турфа образлар яратдим...

Санъатга чин дилдан ошуфталик ёшлигиданок Гулсарага омад олиб келди. Ўрта мактабнинг юқори синфида ўқиб юганидаёқ “Хоразм” ансамблида фаол иштирок этди. Худди шу вақтда жамоа билан VI Умумжаҳон талаба-ёшларининг фестивалида (Москва) катнашиб, лауреат бўлди.

Муқимий театри

Гулсара опанинг ижодий ҳаётини бошлаб берган, илк образлар - илк муваффақиятлар дебодасига гувоҳ бўлган маскандир. Устозлар меҳр-мухаббати, нигоҳида бўлган ёш актриса қатор йиллар мобайнида кўплаб образлар яратди. “Тошболта ошиқ”даги Саломат, “Нурхон”даги Кумри образларини томошабинлар хали-хануз илиқ меҳр билан эслашади.

Аммо ҳаёт Гулсара Ёқубовани санъатнинг бир боғидан олиб, иккинчисига етаклади. Хоразм фарзанди эмасми, калбидаги куй-қўшиққа ташналик, ошуфталик театр саҳнаси учун торлик қилди, шекилли.

Республика филармонияси қошида янгитдан “Лазги” ансамблининг ташкил этилиши унинг орзулари ушалишига яна бир поғона бўлди. Тез орада бирин-

кетин турли қўшиқлар ижро этиб, эл қалбидан жой олди. “Баҳор вальси”, “Оғажон”, “Онамнинг ёлғизиман”, “Янги замон келди” қўшиқлари мухлислари дилига аллақачон жо бўлган.

Айниқса, хонаданнинг “Бобожоним” лапариди алоҳида ажралиб туради. Халқ термалари асосида ижро этиладиган ушбу дуэтни мафтункорлиги, шўхчан ва ўйноқчилиги билан Хоразм санъатининг узвий бир қисми, дейиш мумкин. Шу сабаб бўлса керакки, Гулсара опа уни бир неча йиллардан бери севиб ижро этадилар.

– Биласизми, хориж давлатларида кўп бор бўлганман, – дейди фахр билан санъаткор, – санъатга, айниқса, куй, қўшиққа таржимон керак эмас. Тилимиз бошқа, гап-сўзларимиз бир-бирига ўхшамас. Лекин куй сеҳри, қўшиқ сеҳри рақс-

ларимиз, нозик хатти-харакатларимиз, табас-сумларимиз орқали улар қалбига етиб борар экан. Бу уларнинг юз-кўзидан шундоққина сезилиб туради. Бир хорижликнинг айтган гапи ҳеч ёдимдан чиқмайди. “Сизларнинг либосларингиз, ҳаттоки зебзийнат, тақинчоқларингиз ҳам кўшигингиз руҳига шундай мос эканки, айтаётган ҳар бир сўзингиз либосингиздаги дуру гавҳарда ўз аксини топгандек бўлади.”

– Гулсара опа, бир қанча ёшлар сизни гурур билан “устозимиз” деб алқашади. Шогирдларингиз ҳақида тўхталсангиз. Ижод бобида улар олдида қандай талаблар қўясиз?

– Дарҳақиқат шогирдларим бисёр. Санъатим давомчилари – Мовлуда Ойнақулова, Карима Исмоилова, Гулшаной Умаровалар билан фахрланаман. Санъат йўлига кираётганимда ҳеч қачон шон-шухратни бош мақсад қилиб қўймаганман. Лекин тинимсиз из-

ланиш, машаққатлардан чўчимаслик, ҳалол ижод орқали шон-шухрат ҳам, обрў ҳам келаверар экан. Шу сабабли уларга доимо ҳар бир куй-қўшиқ жуда катта меҳнатлар самараси эканлигини, бу борада меҳнатдан қочмасликни, бировга тақлид қилмасдан ўз йўлларини топиб ижод қилишлари зарурлигини таъкидлайман.

Шогирдсиз устозни меvasиз дарахтга ўхшатишади. Бу бежиз эмас, албатта. Шу сабабдан опа айни кунларда катта бир жамоага бош-қош.

“Лазги” ансамбли санъаткорлари, улар ижоди билан танишар эканман, шундай устозлари билан улар ҳар қанча фахрлансалар арзир экан, деган фикрга келдим. Гулсара опанинг энг катта ютуғи шу эдики, улар фидойи санъаткорга шогирд тушган эдилар. Бу кун Гулсара Ёқубова устозлари руҳини шод айлаб, улар ўғитини ёд этиб қўлаб ёшларга устозлик қилмоқдалар.

М.АБДУЛЛАЁРОВА
суҳбатлашди.

ГУЛЛАР САРАСИ

От чопганда гумбурларди тоғнинг дараси,
Хоразмдан йўлга чикди гуллар сараси,
Не-не ошиқ бўз йигитлар изига боқиб,
Йиғлаб қолди, кетди дея кизлар сараси.

“Муқимий”нинг сахнасида бўлмади осон,
Оромини ижодларга айлади қурбон.
Ёрқин-ёрқин сиймоларнинг ролини ўйнаб,
“Баҳор келса алвон-алвон” куйлади бийрон.

Московда кўп анжуманлар фаоли бўлиб,
Қайтар эди ҳар гал янги орзуга тўлиб,
Интилганга толени ёр этаркан тангрим,
Санъаткорни тонглар кутиб олдилар кулиб.

Буюк устоз – Комилжондан олганди сабоқ,
Сабоқ хануз дил-дилидан ўтиб боради.
Санъатда шамчироқ бўлиб Гулсарахоним
Ёниб, дилларни ёндириб кетиб боради.

Мирқодир ХУДОЙБЕРГАНОВ.

“НУР ХУВАЙДО БЎЛДИ ЗУЛМАТ ҚАСДИДА”

компьютерлашган тафаккур тизимлари, мураккаблашган маданият ва санъат, яшин суръатида ўсаётган техникавий тугёнлар қуршовида яшамоқда. “Мана шундай бир вазиятда одам ўз мустақил фикрига, собит этиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятларига, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафкураларнинг босимига, уларнинг гоҳ ошқор, гоҳ пинҳона кўринишдаги тазйиқларига бардош бериши амри маҳол”, – дейди Президент Ислон Каримов “Тафаккур” журнали бош муҳарририга берган жавобда.

Эҳтимол илгари зиёлининг ижтимоий масъулиятида қандайдир чекланишлар бўлгандир. Бироқ бугун зиёли деганда, мураккаб сиёсий жараёнларга теран ақл нигоҳи билан боқиб, уни умуминсоният нуқтаи назаридан баҳолай олгувчи, ўз навбатида миллий манфаатлардан келиб чиқувчи, чуқур маънавий хулосалар ясайдиган шахсни кўз олдимизга келтираемиз.

Мураккаб сиёсий жараёнлар оғушида яшаётган зиёли бугунги Афғонистондаги чигал ва хавфли ҳодисаларнинг оқибатини кўра билмаса, мустақил миллатнинг шаклланаётган миллий истиқлол мафкураси ҳақида қатъий ва равшан тасаввурга эга бўлмаса, бугун ёзилаётган

роман, айтилаётган кўшиқ, чизилаётган суратлардан ҳосил бўлгувчи “неъмат”лар кимга қандай озуқа беришини ҳис этмаса, демак бундай шахсни зиёли дейиш қийин.

Ҳақиқий зиёли олис ва теран ўтмишимиз дафиналаридан қазиб чиқарилган, аъзойи бадани тозалаб покланган мўтабар қадриятларнинг қадрига етади. Унинг маънавий ва моддий қимматини билади. Миллат зиёлиси бугунги аҳволдан куллиян огоҳ, имом Муҳаммад Исмоил Бухорий, Аҳмад ал Фарғоний каби алломалар меросининг тикланаётганидан беҳад миннатдор.

Тарих тирилмоқда, миллат нигоҳининг булоқлари очилмоқда. Кўз ва кўнгилларга зиё чандон сингмоқда.

Биз сўзимизнинг бошида ҳазрат Жалолиддин Румийнинг “нур” хусусидаги байтини эслатиб ўтдик. “Нур хувайдо бўлди зулмат қасдида” дейди бутун ҳаёти илоҳий нурга чулганган зот. Қаердаки нур бор, у ердан зулмат пардалари чекинади, қоронғулик шарпалари йўқолади. Қалбида этиқод ва муҳаббати бор зотлар нурга интилади.

**Абдунаим
БЕРДИШУКУРОВ.**



(Давоми. Боши 16-бетда)

Халкнинг хар томонлама камолоти унинг миллат сифатида дунё юзида абадий яшаб қолишининг асосий заминидир. Мана шу нуқтаи назардан Абдулла Ориф шеърларида ватан ва халк учун кайғуриш, рухий изтироб туйғулари устуворлик килади. У айрим шеърларида халкка нисбатан ва унга қарата гинахонлик таънанамо кайфиятдаги сўзларни айтса-да, шоир она-халкини, элдош-юртдошларини меҳр билан севади. Шоир халкни севгани учун ҳам унинг ажодларига нолойик ишларини қоралайди ва миллат вакилларини турли ижтимоий иллатлардан халос қилиш чораларини излайди. Масалан, "Оломонга" шеърининг лирик қаҳрамони ўзи истаган, орзу қилган фазилатларни она халкига мансуб бўлган баъзи бир тоифаларда кўролмайди. Бу тоифанинг хулк-атворидаги лоқайдлик, томошабинлик кайфияти, "этикад" деган тушунчани унутганлиги шоир руҳиятига безовталиқ олиб қиради:

**Машраб осилганда қаяқда эдинг?
Лорка отилганда қаяқда эдинг?
Суриштиргаймидинг Қодирийни ё,
Қалкон бўлганмидинг келганда бало?**

Бундай тоифада ёки унинг вакили бўлмиш якка бир шахсда жамиятга муносабат қай тарзда шаклланган бўлиши ҳаммага аён. У жамиятни чуқур идрок этиш, инсон манфаатига зид ишларни фож этиш хусусиятидан маҳрум бир тарзда кўринади. Халкнинг халқ бўлиши, миллатнинг миллат бўлиши унинг тарих сахнасида ўз тили ва дили билан фаолият кўрсатишига боғлиқ. Акс холда:

**Хукмлар ўқилур сенинг номингдан,
Тарихлар тўқилур сенинг номингдан.
Нимасан? Қандайни сеҳрли кучсан?
Нечун томошага бунчалар ўчсан?
Қаршингда хасратли ўйга толаман,
Қачон халқ бўласан эй, сен-оломон?!**

Шоирнинг ўз халқидан ўпкалашининг сабаби, унинг доимо ҳам ўз ҳуқуқи, хақиқат учун курашмаганлигидир. Чунки коммунистик жамият гўё адолатли бўлиб, хокимият халқники эди. Унда қандай ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар қилинса, у халқ ҳуқуқи, розилиги билан амалга оширилиши керак эди. Халқ эса амалда бундай ҳуқуқи борлигидан беҳабар қолар ва сиёсий раҳбарият нимани бажаришни буюрса, шуни ижро қилар эди. Бундан кўринадики, халқ хокимиятни эмас, хокимият халқни бошқариб келган ва уни манқуртларча ижрочилиқ қисматига қул қилган.

Шеър дунёга келган 1978 йили халқимиз ҳаётининг инкирозга юз бурган пайтлари эди. Шоир ана шундай вазиятда халқнинг жамият ва унинг сиёсати муносабатини ўзгар-

Жумагул ЖУМАБОЕВА

“СЕН МИСЛИ КАМАЛАК - ЮКСАК ВА СЎЛМАС...”



тиришини талаб қиялпти. Ахир қачонгача у садокат отидан тушмай, ўзини менсимаганларга хизмат қилиши керак? Мана шулар лирик қаҳрамон кайфиятида халқка ачқик мурожаат қилиш туйғусини уйғотади. Кейинрок шоир "Хайронлик" шеърда илож-сизлик фожеасидан куйиниб сўзлайди. Чунки бу фожеа жамиятда халқдаги ёки якка шахсдаги хар қандай истеъдод ва ташаббусни бўғишга қодир қучга айланган эди. Балки мана шу қуч халқнинг ихлос ва интилишини зимдан сўндириб, уни бирқадар бепарво "оломон"га айлантиргандир?

**Чиндан галат эрур дунё ишлари,
Миянг ғовлаб кетар ўйлаган сари.
Диёнат, хиёнат аралаш бари,
Боқиб бу савдога, хайрон ўтдик биз,**

мисралари хасратнинг, беҳуда хайронликнинг эмас, балки иложсизлик туйғуларининг ҳаққоний ифодасидир. Бу ҳаётнинг ниҳоятда мурак-

каблашиб, инсон истикболининг туманлар ичра қолганлигига, жамиятнинг асл қиёфасини йўқотаётганлигига, имон, этиқодга патуретганлигига ишора. Инсоннинг эса "диёнат ва хиёнат" гирдобидан чиқиш йўлини тополмай аросатда қолганлиги белгиси. Лирик қаҳрамон ўзи тушган ҳолатнинг туб сабабларини яши англайди. Шеърда унинг руҳиятидаги изтиробли, оғрикли ҳолатлар дардчил туйғулар тарзида юзага чиқади. Хар қандай тириклик инсон учун бахт эканлиги маъюсгина таъкидланади:

**Хар қалай бахтлимиз - тирикмиз магар,
Қолган гаплар эса ўтарда кетар.
Бамисли қарнайга ишки тушган қар,
Боқиб бу савдога, хайрон ўтдик биз.**

Шоир учинчи мисрага жуда қатта ижтимоий, сиёсий маъно юқлайди. Ундаги қарнинг қарнайга муносабати жамият ва шахс ўртасидаги муносабатни аниқ ва теран ифодалайди. Қарнай - жамият, унинг овози сиёсат ва ғоянинг, мавжуд мафқуранинг рамзи. Қар эса ҳукмрон сиёсат қаяққа элтишини тушунмай, англамай, унга "ишки тушиб", садокат билан амал қилаётган инсон тимсоли. Мана шу тимсоллар орқали шоир ҳаёт қаҳкати ниҳоятда чуқур очиқ ташлайди. Ниҳоят, шу пайтгача "хайрон" лик гирдобига яшаб ўтган халқнинг келажаги қарнай ва қар муносабатидек қолиб кетмаслиги учун кураш туйғусининг уруғларини ўқувчи қалбига сепади.

Абдулла Орифнинг ниҳоят "Уқтириш" шеъри жамият, халқ ва шахс муносабатининг ёрқин манзараси сифатида дунёга келди. "Оқни қора" дедириш, "жуфтларни тоқлатиш", "қинғирни тўғри" деб тан олдириш Шўро жамиятида одатдаги қолга айланган эди. Лирик қаҳрамонни замондошининг ҳаёт тарзига айланиб бораётган ана шундай фожеаларга бефарқлик ачинтиради. Инсоннинг жамият ҳаётига мослаб, ватан тақдирига бефарқлиги, пиравордида ўзининг ҳам фожеасига сабаб бўлиши ишора қилинади.

Зеро, шоир руҳи жамият иллатлари ва сиёсий ўйинларига ҳеч ҳам бўйсунганини истамаган. Ундаги мағрурлик устуворлигини қўлдан бермасликка ҳаракат қилди. Натижада шоирнинг умр мазмуни қурашлар ичра яшаб ўтишдан иборат бўлиб қолди. Шоир "Рухим" шеърда Ватанга, халққа садокатли қўнглига мурожаат қилиб:

**Сенга на бўронлар қор қила олур,
Сени не йўқотиб, бор қила олур.
Сен мисли камалак - юксак ва**

**сўлмас,
Камалакни эса парчалаб бўлмас,** - деб хитоб қилади. Бундай поэтик ғоя эса халқни ўз истикболи ва истиклоли учун курашга даъват қилади.

Р

епин, Суриков, Левитан, Крамской ижод қилган даврни рус миллий тасвирий санъатининг Олтин даври деб баҳолашади.

Ўзбек тасвирий санъатида Бехзод, Маҳмуд Музаҳхиблар 4-5 аср аввал Уйғонишни бошлаганлар. Аммо, кейин 300-400 йил давомида халқимизнинг бошига кулфату ташвишлар келавериб, меъморчилик ривожлансада, тасвирий санъатимизда инқироз юз бергандай. Шунга қарамай, собиқ СССР даврида ҳам Абдулҳақ Абдуллаев, Чингиз Ахмаров, Урол Тансиқбоев, Шамсирўй Ҳасанова, Неъмат Қўзибоев, Раҳим Аҳмедов, Тельман Муҳамедов, Рўзи Чориев, Баҳодир Жалолов, Жавлон Умарбеков, Исфандиёр Ҳайдаров каби мусаввирларимиз миллий тасвирий санъатимизни жаҳонга танитдилар. Аммо, кейинги ўн йилларда бу соҳа тараққиётида узилиш бордай кўринади...

Шуларни уйлаганимда, мактаб дарсликлариди, ўқиш китобларида берилган кадрдон бир сурат ёдимга тушади. Қиш охирлаб, қорлар эрий бошлаган, даладаги якка дарахтга бир гала қушлар учиб кўнади, учиб кўнади. Бу фидойи мусаввирлардан К.Саврасовнинг асари. Унда Ватанга келаётган баҳор, жонланиш, сиёсий уйғониш ҳам бор. Ўзбек тасвирий санъатида, табиат тасвирида миллий теранлиги жиҳатидан шунга тенг келадиган манзарани ҳали кўрмадим. Тўғри, ўзбек мусаввирлари чизган Ватанимиз табиатининг гўзал манзаралари оз эмас. Аммо, гап шундаки, бу асарларда гўзал манзаралар фақат акс этган-да. Худди кўзгуда акси кўрингандай. Аммо, ҳаётни акс эттириш - ҳали юксак санъат эмас. Асл санъат асарлари ҳаётни акс эттирибгина қолмай, инсонлар кўнглини гўзал, олижаноб, нурли қилади. Жавлон Умарбеков ва Исфандиёр Ҳайдаров, Акмал Нур, Жўра Асрон асарлари шундай. Тўғри, Исфандиёр манзараларида - руҳий ҳаётимизнинг тийиқсиз ҳаяжонлари, армон-ҳасратлари дилингизга бостириб киради. Бу катта санъат. Аммо, кўнгил дардлари, қайғулар бизни камолот сари етакласа-да, мажруҳ қалбимиз малҳам излайди. Эвоҳ, қани у қалбларга малҳам?

Санъатда Баҳодир Жалолов ва Жавлон Умарбековлар камолотга етган пайтда яна бир янги жилга кириб келдики, бу мусаффо

Маҳкам МАҲМУД

МУСАВВИРНИНГ

ЮЛДУЗЛИ

ОНЛАРИ

жилганинг мавжларидан бири - ёшлик даврдан етуклик палласига кираётган мусаввир Жўра Асрондир. Бизни ҳамisha соғинтирган она диёр манзаралари унинг тасвирларида шунчаки кўзгудагидай акс этиб қолмаган. Йўқ, улар бизга Ватанимизни туйишга, сезишга, танишга чақиради. Чақирибгина қолмай, бизни Ватан ҳақида дардли ва ширин ўйларга фарқ қилади. Мана, Жўра Асрон нигоҳидаги кадрдон тоғ қишлоғи - Шоҳимардон манзаралари. Виқорли тоғ чўққиларидан бошланиб, атрофни яшнатиб, айқириб, шарқираб оқаётган дарё ва сойлар.

Буюк сабот, матонат билан илдизлари метин остида ҳам ўзига йўл топган, шоҳлари эса нурга, қуёшга интилган, тоғдаги қиш кечаларининг изғирин совуқларига дош бериб, гуллаб, мева тугиб, етилиб, майсаларга тўкиладиган ўрик ва бодомлар. Тоғлиқларнинг хавфли дараларида собитлик туйғуларини уйғотувчи арча ва чинорлар...

Бу тасвирларнинг барчасида

биз табиатнинг тонгдаги, чошгоҳдаги ёки шомдаги ёруғликларини, куннинг қайси пайтлари бўлса, шунга қараб, қиёфаси ўзгараётган тоғли қишлоқ манзараларини кўрамыз. Ҳа, бу ерларнинг қиёфаси вақтга қараб ўзгарса ҳам, моҳияти аслида қолади. Ватан чиройи, Ватан осойишталиги, Ватаннинг мангу борлиги ана шу моҳиятнинг исмларидир. Фақат исмлари эмас, мазмуни, мағзидир. Ва мана шу қадим аждоқларимизни кўрган, замондошларимизни кўраётган ва биздан кейин ҳам минг-миллион йилларгача келгуси авлоқларимизни кўрадиган Ватанимизнинг соҳир бир маъвоси бизни саботли, вазмин, доно бўлишга ундайди.

Мусаввир Жўра Асрон асарлари кўргазмаси Германиянинг Лейпциг, Дюссельдорф, Дрезден шаҳарларида, Ҳиндистон, Туркия, Эроннинг йирик шаҳарларида намойиш этилиб, яхши баҳоланса-да, у ўзини доимо, санъатга янги кираётган шоғирдек, камтарин тутди. Бу кўнглининг тозаллиги, беғуборлигидан.



Ҳовли.

1993 йилда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллигини Ўзбекистон халқи, айниқса, андижонликлар катта тайёргарлик билан кутиб олдилар. Вилоят ва шаҳар ҳокимияти бу тўйга атаб, жуда катта тадбирларни амалга оширди. Бобур номли Андижон вилояти Адабиёт ва санъат музейи бутунлай қайта таъмирланди. “Арк ичи” музейи қўчанидаги Ҳунармандлар кўчасининг қиёфаси қадимий даврларни эслатадиган миллий қиёфага кирди. Тор кўчанинг ҳар икки тарафида сандиқчи, бешикчи, темирчи, заргарлар устоналари жойлашди. Музей директори Тўлқин Қўлдошев, муовини Дилшод Юсупов, музей илмий ходими, ёзувчи Убайдулло Содик ва ҳокимият ташаббуси билан “Бобурийлар ва бобуршунос алломалар” мавзуида туркум рангтасвир асарлар ижод қилишни Жўра Асронга ва андижонлик бошқа рассомларга топширдилар.

Ўша пайтлар Жўра Асрон илҳом билан, тўлиб-тошиб ишлади, бобуршунос олимлар Ҳамид Сулаймон ва Фозила Сулаймонова, Сабоҳат Азимжонова, Бўрибой Аҳмедов, Саидбек Ҳасан ва бошқа уламоларнинг ўзига хос тасвирий сиймоларини яратди. Бу асарлар Бобур таваллуди байрами кунлари ватандошларимиз ва хорижий юртлардан келган меҳмонларда яхши таассурот қолдирди.

Жўра Асрон асарлари орасида “Ҳалима Носирова”, “Фаттоҳон Мамадалиев”, “Муножот Йўлчиева”, Шоҳимардон манзаралари туркумидаги пейзажлар, “Хаёл”, “Чингиз Аҳмаров”, “Бедана”, “Сурхондарёлик она”, “Айритомлик ота” (чорвадор Нуъмон Пардаев) “Тошкентлик она” (маърифатчи Абдуллоҳ хожи Умар ўғли Кулоҳийнинг 90 ёшли онаси - М.М.) муҳлислар, меҳмонлар кўнглига ёруғлик, қувонч бахш этди.


Атоқли аллома замондошимиз, академик Бўрибой Аҳмедов мусаввир асарларига бундай баҳо беради:

“Мусаввир Равшан (Жўра) Асроннинг етук ижоди билан яқиндан танишиб чиқдим. У зўр дид билан ишловчи, инсон қалбини яхши англовчи мўйқалам соҳиби экан. У портретни ҳам, табиат манзараларини ҳам зўр маҳорат билан чизар экан... Сизга, Равшанжон, сихат-саломатлик, катта оилавий бахт ва барқ уриб, камолот даражасига кўтарилаётган ажойиб ижодингизда янги зафарлар қучишингизга тилакдошман”.

Атоқли ва ардоқли ватандошларимиз имом ал Бухорий, Аҳмад Фаргоний, ат Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳрор каби азиз-авлиёларнинг ҳаёти ва тафаккуридаги жасоратлари мусаввирни узоқ йиллардан буён ҳайрат ва ҳаяжонга солиб келади. Жўрабек бу азиз зотларнинг муборак асарларини, уларнинг ҳаёти ва фаолиятига доир Абдусодиқ Ирисов, Неъматилло Иброҳимов, Убайдулло Уватов, Абдуғани Абдулло каби шарқшунос олимлар таржима қилиб

чиқарган асл манбаларни қўл билан ўрганди.

Мусаввир ишончли манбалар асосида имом ал Бухорийнинг сиймосини чизиш, сурат фониди ислом маърифати манзараларини тасвирлаш устида бедор тунларни ўтказди. Ниҳоят, имом ал-Бухорийнинг рангбўёқдаги мухташам сиймоси бунёдга келди. Бу асар Худо хоҳласа, келгуси авлодларга ҳам бехатар етиб борса ажаб эмас. Мусаввирни эзгу ишларида Ҳақ таъоло, азизлар руҳи қўлласин!



Ҳовуз бўйидаги уйлар.



Обиновот ва гуллар.

Амир Темур ва темурийлар даври жаҳон цивилизацияси тарихининг ёрқин саҳифаларидан бўлгани учун Америка Қўшма Штатлари, Франция, Англия, Туркия ва бошқа мамлакат олимларининг бу даврга қизиқишини оширди ва бир қатор асарларнинг майдонга келишига сабаб бўлди. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асарини 1996 йилда Оксфорд университети профессори Вбелер М.Секстон амалга оширган янги инглизча таржимаси ана шундай хайрли ишлардан бири бўлди.

Мазкур таржима нодир миниатюралар, турли расм ва хариталар, Амир Темур ва темурийзодалар шажараси чизилган кўрсаткичлар билан зийнатланган. Китоб супермуқовали бўлиб, иккинчи бетида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бир киши билан суҳбатлашиб ўтирган ҳолатини тасвирловчи миниатюра берилган. Китобнинг мундарижаси куйидагича: Санъат галереяси директори Мило Клевеланд Беачнинг муқаддимаси, таржимон ва нашрга тайёрловчи профессор В.М.Секстоннинг каттагина мақоласи, шундан сўнг эса "Бобурнома"нинг инглизча таржимаси, Бобур ҳаёти ва фаолияти тарихий саналари, луғат, фойдаланилган адабиётлар, ном ва жой кўрсаткичлари берилган.

Таржима, В.М.Секстон Шарқ халқлари тарихи, хусусан Марказий Осиё тарихининг билимдонларидан бири эканидан гувоҳлик беради. В.М.Секстон ҳозирги кунда Оксфорд университетида араб ва форс тиллари ва адабиётдан дарс беради экан. Шунингдек у туркий тилларни, жумладан ўзбек тилини мукаммал билар экан. Буни В.М.Секстоннинг яқинда Америка Қўшма Штатларида бўлиб қайтган адабиётшунос ва шарқшунос Расулхон Ходизода билан форсча ва ўзбекча суҳбатлашгани ҳам тасдиқлайди. Таржимон Ходизодага ўзи инглизчага ўйрган "Бобурнома"нинг бир нусхасини туҳфа қилган. Биз ана шу нусха билан танишдик. Шуни уқтириш лозимки, В.М.Секстон бу ишдан олдин Амир Темур ва темурийлар даври тарихига оид бир неча китобларни нашр эттирган, жумладан "Асрнинг шахзодалари: Темурийлар санъати ва тарихи" (1989). "Бобурнома" туркий ва форсий нусхаларини уч жилдда нашр эттирган. (1993). Шуни кўшимча қилмоқчиманки, В.М.Секстон Бобур ва "Бобурийнома" ҳақида инглиз, немис, француз, рус, турк, форс, япон тилларидаги асарларни чуқур ўрганиб чиққан. Ана шулар қаторида ватандошларимиз С.Азимжонов, Ҳамид Сулаймон, Асомиддин Ўринбоевларнинг тадқиқотлари ҳам ўрин олган, В.М.Секстон "Бобурнома"нинг бошқалар томонидан инглиз, француз, турк, рус тилларига қилинган таржималаридан ҳам яхши хабардор эканлиги маълум бўлди. Маълумки "Бобурнома"нинг асл матни икки нусха асосида маълум:

Ботир ВАЛИХЎЖАЕВ,
ЎЗР ФА мухбир аъзоси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
фан арбоби



"БОБУРНОМА"НИНГ ЯНГИ ТАРЖИМАСИ



бири 1709 йилда Бухорода кўчирилиб, шу асосда Н.Илминский томонидан 1857 йилда Қозонда нашр этирилган нусха, иккинчиси эса 1900 йилда Ҳиндистоннинг Хайдарабод шаҳридан топилиб, унинг факсимил наشري 1905 йилда Х.Беверидх томонидан амалга оширилган. В.М.Секстон бу икки нусхани синчиклаб ўрганиб, Бухоро нусхаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаётлиги вақтида Кобул шаҳридаги Ҳожа Калонча юборган нусха асосида кўчирилган бўлиши мумкин, деган фикрни ўртага ташлайди. Агар шундай бўлса, "Бобурнома"нинг З.М.Бобур ҳаётлиги вақтида кўчирилиб, Кобулга жўнатилган нусхаси Афғонистон ва Марказий Осиё худудида анча вақт мавжуд бўлган ва ундан нусхалар кўчирилган. Кейинги вақтларда эса унинг тақдири номаълум бўлиб қолган.

"Бобурнома"нинг иккинчи – Хайдарабод нусхаси ҳақида сўз юритганда у Ҳиндистонда, бобурийлар кутубхонасида сақланган қадимий нусха асосида кўчирилган, деган мулоҳазани билдиради. Агар шундай бўлса, "Бобурнома"да 16 та турли йиллар воқеалари тасвири кўринмаслиги кўзга ташланади. Қизиғи шундаки, бу масала В.М.Секстонни қизиқтириб қўйган шекилли у асл – ўзбек тилидаги нусхаларни 1589 йилда Абдураҳим хони хонон томонидан амалга оширилган "Бобурнома"нинг форс тилидаги таржима нусхаси би-



лан ҳам солиштириб, унда ҳам шундай ҳодиса мавжудлигининг гувоҳи бўлган. Шунинг учун В.М.Секстон ўзининг бу кузатишлари натижаларини китобнинг "Хронология" қисмида алоҳида қайд қилиб, қайси йиллар воқеалари тасвирининг йўқлигини кўрсатиб ўтган.

Демак, В.М.Секстоннинг китобга ёзган мақоласи муаллифнинг "Бобурнома" устида узоқ муддат олиб борган тадқиқотлари натижаси сифатида диққатга сазовор.

В.М.Секстоннинг мақоласида "Бобурнома" фазилатлари Гулбаданбегиининг "Хумоюннома", Шоҳ Тахмоспнинг (1524-1576) "Тазкираи Шоҳ Тахмосп", Жаҳонгир Мирзонинг (1604-1627) "Тузуки Жаҳонгирий" асарларида давом эттирилгани уқтирилиб ўтилган.

"Бобурнома"нинг фазилати санъат галереяси директори Мило Клевеланд Беачнинг кириш сўзида сезилиб туради. Жумладан, "Бобурнома" исломий адабиётдаги биринчи ҳақиқий таржимаи ҳолдир, деб ёзади.

Мило Клевеланд Беач таржимон В.М.Секстоннинг хизматлариغا юксак баҳо бериб шундай дейди:

"Доктор Секстон ("Бобурнома"нинг) туркий-чигатоийдаги аслий матн ҳамда XVI асрда амалга оширилган форсий таржимаси бир-бирига пухта солиштириш асосида мазкур янги инглизча таржимани майдонга келтирди".

Шу билан бирга китобда эски қолиплар тахлитада айтилган фикрлар ҳам учрайди.

Шундай қилиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг машҳур "Бобурнома"си Фарбнинг илмий ва бадий тафаккур оламини яна бир бор ҳайратда қолдирди. Унинг янги инглизча таржимаси ҳамда унга илова асарнинг обрўсини ошириш билан бирга Бобур Ватанини жаҳоний цивилизацияга улкан ҳисса қўшган фарзандлар бешиги эканлигини ҳам намойиш этади.

МУҲДА МУРҲА

ҚАҲДАҲ

Турон замин момоннинг маҳри,
Тупроғингда ҳамон тонг захри,
Бардошларнинг тошди-ку нахри,
Мудрок элим, уйғон, кўзинг оч,
Ватан сенинг меҳрингга мухтож.
Истиклолинг бошингга гултож.

Тонглар отар биз-ла иши йўк,
Умр ўтар, вақтнинг хуши йўк,
Бебахорнинг ёзи, киши йўк,
Тупрок элим, гулла, ёй қулоқ,
Ватан сенинг меҳрингга мухтож.
Истиклолинг бошингга гултож.

Сарҳадларга сифмас имконинг,
Тулпор минсанг кишнайди жонинг,
Омон қўймас Темурий конинг,
Тезрок элим, илдам кадам бос,
Ватан сенинг меҳрингга мухтож.
Истиклолинг бошингга гултож.

Ахир шоннинг эрта-кечи йўк.
Хоинларнинг дўсти-хеши йўк,
Мудрок жонни тонгги-кечи йўк,
Тур, бок элим, яшна, топ ривож,
Ватан сенинг меҳрингга мухтож.
Истиклолинг бошингга гултож.

Абадий лол тоғлар тиллашди,
Кизил тану оқлар диллашди,
Якка-якка тоқлар сирлашди,
Таркок элим, жаъм бўл, бағринг оч,
Ватан сенинг меҳрингга мухтож.
Истиклолинг бошингга гултож.

Ўзингга бек, шох, амир ҳам сен,
Ўзинг имон, чин сабр ҳам сен,
Иншооллох, юрт кабир ҳам сен,
Мунчок элим, кўзмунчоклар соч,
Ватан сенинг меҳрингга мухтож.
Истиклолинг бошингга гултож.

Аждодларинг сомоний, барлос,
Бу муътелик юз йиллик холос,
Хур байроғинг занжирдан холос,
Чакмок элим, чакна, нуринг соч
Ватан сенинг меҳрингга мухтож,
Истиклолинг бошингга гултож!

Берк ўғлонга

Эшигингни билмай очдим,
Ичкарида кимлар бор?
Не бўлса ҳам ўздан кечдим
Сенсиз кўзга дунё тор.

Ичкарида биров бордир,
Балки сифмасмиз учов.
Мен кўзлаган тоғлар гордир,
Сен ўйлаган уй пучов.

Эшигингни билмай очдим,
Нур қуйилди бошимдан.
Не бўлса ҳам хаддан ошдим,
Ошиб ўттиз ёшимдан.

Остонагда туриб бўлмас,
Ташкарида йўк ҳаёт.
Ортга эса йўл йўк энди,
Ичкарида йўк нажот.



ЯНА ҚАЙТИБ КЕЛГУНИНГИЗЧА

Махсуда опамга

Сиз кетасиз кузатаман жим,
Опа сизнинг уйингиз бошка.
Яна қайтиб келгунингизча
Сирларимни айтаман тошга.

Эшик инграр, ёпилар ночор,
Ох тортади зулфин ҳам аста.
Яна қайтиб келгунингизча
Кўнгил кўзидир, юраклар хаста.

Мен кўркаман “дўстман” деганлар,
Хилватларда кўзим ўяди.
Яна қайтиб келгунингизча
Аждаҳолар ютиб қўяди.

Ҳар мушкулга топасиз жавоб
Улоқтириб ғамим йирокка.
Яна қайтиб келгунингизча
Айламан яна сўрокка.

Жим йиғлайман, сизга билдирмай,
Куним – сабр, тунларим – бардош.
Яна қайтиб келгунингизча
Соч оқарар, айлаб қўяр фош.

Ё, оллоҳим, бу қандай ришта,
Ҳар толаси жондан, бағирдан.
Яна қайтиб келгунингизча
Тўзим сўрай эгам-кодирдан.

Ўзим учун яшамок малол,
Пешонамни ҳаққа тутаман.
Яна қайтиб келгунингизча
Факат сиз деб яшаб тураман.

Қандай яшай, айтинг энди, эй яхшилар,
Мен суйган ёр ялмоғизнинг сочин силар,
Ўзи мени юрагимни кон йиғлатиб,
Яна ўзи менга давру даврон тилар,
Қандай яшай, айтинг, энди, эй
яхшилар?!

Тунда турна товушлари қандай тиник,
Жон қушларим энди уни кўрмай ўтар,
Кўнмай ўтар, қўнай деса шохим синик,
Ишким энди тандирдаги нондай тиник,
Тунда турна товушлари қандай тиник.

Энди армон ёрингман деб сочим силар,
Бу савдодан юрак шўрлик тилка-тилка,
Бу жон қургур бундан ортик сабил
бўлмас,

Нега осмон кулаб тушмас, ер ютмайди,
Нега дунё кулиб турар, нега жимман?!

Қандай яшай, айтинг энди, эй яхшилар?!

ТОВУШЛАРИ ТИЖИЖ...

Мен ўзим кимман
ташландик кудук,
ёмғирларнинг эсидан чиққан,
баликлари ташна, жон берган,
қамишлари най қиб чалинган,
ташландик кудук.
Сен ўзи кимсан,
сувга чўккан тош,
қояларнинг эсидан чиққан,
зилзилада тўкилган дув-дув,
чўккилардан хайдалган абад
сувга чўккан тош.

Ишк ўзи нима,
эски тегирмон,
дунёларнинг эсидан чиққан,
бойўғлилар ин қурган мангу,
шапалаклар яйраган макон,
иккимизни дондай янчиган,
эски тегирмон.

Ўғлим Наримонжонга

Болам, сенинг бахтингга,
юзга кириб берсайдим,
Соколларинг кўксингга
тушар эди, ўшанда.
Сен келардинг белбоғинг
катига новвот туғиб,
“Мушкулкушод” ўкиган
ширмон, майиз ўртада.

Келмаса ҳам кўлимдан
юмушингга бакорлик,
Гарчи ношуд, бедармон,
муштдеккина яримжон.
Бўлсам ҳамки, тилимдан дуом -
килич ҳам калкон,
Теккан фойдам ўлмасдан
юрсам бўлди, боламжон.

Мен тирик юрсам магар,
бошингдан офтоб ўтмас.

Чанг тегмас имонингга,
чироғли юрган йўлинг.
Молинг талон-торожмас,
мисколингга барака,
Осмондаги ойга ҳам
етар бемалол кўлинг.

Ўшанда ҳеч бир нокас
кесолмагай кўкайинг,
Мавсумий жўралар ҳам,
шимиб кетмас суруринг.
Онангни яхши кўрсанг,
кафтингга кўнгай жаҳон,
Хар қандай ёсуманки
поймол этмас ғуруринг.

Якинингга йўлломас бобонгни
енган девлар,
Кирчинида кийганлар,
давронини сурганлар.
Журъат килломас болам, нафс
дегани - балолар,
Қани, ёнлаб кўрсинчи
килич кайраб турганлар.

Болам сенинг бахтингга юзга
кириб берсайдим,
Бош оқариб турса бас, қуриса
хам илигим.
Онангни яхши кўрсанг, ўзим
ўргилай сендан
Кўзингга караб туриб сира
келмайди ўлгим.

Чарчадим, яшириб оғриқларимни
Ичимга сиғмайди энди бу дарахт.
Кўпориб бўлмайди томирларини
Жон эса безабон, жон савил, қарахт.

Чарчадим, ўзим-ла тиллашавериб,
Тўзимлар тиладим худа-беҳуда.
Тош келса кемирдим, дарё симириб
Қаноат сендан ҳам зерикдим жуда.

Чарчадим, сиполик султонлигингдан,
Қайдасан кишанбон кўлларим бўшат.
Сочларим гуллади

зиндонларингга
Ёлғизлик жаханнам, ёлғизлик дахшат.



Чарчадим, ситамлар бағримни тилди,
На арзир муҳаббат куйганларимга.
На биров ишонди, на биров билди,
Тушларим висолга йўйганларимга.

Чарчадим, яшашни билмадим балки,
Хижрон сенинг кундан кунларинг
кўркам,
На ойга ёлчидим ва на куёшга
На сўлдим куз билан, на
келди кўклам.

Туни билан эртак айтди куз,
Туни билан тинглади ёмғир,
Тун тугади, тугамади сўз,
Хасратни кўй, тонг отди ахир.

Ахир кара, олмазор боғлар
Солланади, нақадар гўзал
Ювилади юракдан доғлар
Ошуфталик - такдири азал.

Шамоллар ҳам охиста тинар,
Сархуш барглар... Қамашади кўз
Ором олар, аста хўрсинар,
Жўжасини санаб бўлган куз.

Кеч куз. Дўрмон уйкуга инган,
Жон кўшади жонингга хўрлик,
Томирингга тоза қон куйган
Овозингдан ўргилай жимлик.



КИНО

Ханжара Абулқосимова

КОРАБОТИР БИЛАН ГУЛЧЕХРА ДАРДИ

ёхуд Ўзбекистон
бадий кино ва
театр алоқалари



"Оловли йўллар" фильмидан
бир лавҳа.

Миллий бадий кино тараққиёти бевосита миллий театр билан боғлиқдир. Бадий кино ва театр санъат турлари сифатида фильм ва спектакль яратишда ўзига хос хусусиятларга ва ифода воситаларига эгадир. Инсон тақдири тарихини кўрсатиш бу икки санъатни ўзаро боғлаб туради. Бу тарих актёрлар ижроси, режиссура, тасвир ва мусиқа орқали намоён бўлади.

Ҳар икки санъат орасидаги муносабатлар бир-бирига ижобий таъсир этиш ҳамда бойитиш характерига эга. Театр ўзининг бой тарихи, тажрибаси билан ёш санъат бўлган кинога турли йўллар билан таъсир ўтказиб келди. Бадий кино драматургия масаласида қийналиб қолганда театр унга ёрдам берди. Киночилар бундай пайтда у ёки бу спектаклга, пьесага мурожаат қилиб, улар асосида сценарий ёзишгани барчага маълум. "Ганг дарёсининг қизи", "Улуғбек юлдузи", "Келинлар кўзғолони", "Олтин девор", "Темир хотин" каби кўпгина шухрат қозонган спектакллар заминдаги фильмлар шу тариқа вужудга келди. Булар спектакль ёки пьесаларнинг экранга айнан кўчирилган нусхаси эмас, балки киночилар улардан илҳомланиб яратган янгича киноталқинлардир.

Театрдан олинган тажриба кинони янги мавзулар ва қаҳрамонлар билан бойитди. Аммо театрнинг кинога таъсири театрнинг ноёб бойлиги – артистлар ижоди орқали амалга оширилди.

Ўзбек бадий киноси овозсиз (1925-1935) бўлган пайтларда миллий малакали театр ижодий чўққига кўтарилган давр эди. Кинога актёр воситасида таъсир кўрсатишга экраннинг соқовлиги ҳалақат берарди. Аммо экран "тилга кирганда" бу санъатларнинг ўзаро ҳамкорлигига кенг йўл очилди.

Овозли кинофильм яратиш учун юсак малакали актёрлар талаб қилинади. Ўзбек театрнинг артистлари ана шундай актёрлар эдилар. Катта сахна маҳоратига эга бўлган театр актёрлари бадий кино тараққиётига салмоқли улуш қўшдилар.

Гарчи кино актёрларининг ижро табиати бошқачароқ бўлса-да, аммо ҳар икки санъатда қаҳрамон тимсолини баркамол яратиш бир масаладир. Кинода актёр театр актёри каби сўз, унинг оҳанг бойликлари, мимика, пластика сингари ифода воситаларидан фойдаланади. Бироқ у ифода қуролларини кино қонунлари талабига мослайди. Жумладан, театрда ривожлантирилган, ижодий бойитилган ўзбек халқ нутқ маданияти бадий кинонинг ифода воситаларидан бирига айланди.

Ўзбек театрнинг барча авлод вакиллари кинода кўплаб роль ўйнашган. Уларни тақлиф этилган

тимсол кўлами унчалик қизиқтирмаган. Театр артисти учун кинодаги ижро уларнинг ижодий қиёфасини сақлаб қолишга ёрдам берадими, сахнадаги изланишларини теранроқ бўлишига, ижодий диапазонларини кенгайтиришга кўмаклаша оладими, театр кашф этишга улгурмаган ижодий хусусиятларни кўрсата биладими, деган мулоҳаза муҳимроқ эди.

Кино тарихи саҳифасига талайгина театр актёрларининг номлари битилган. Ахир миллий кинони Ш.Бурҳонов, Н.Раҳимов, О.Хўжаев, Р.Ҳамроев, Х. Латипов, С.Хўжаев, Ҳ. Умаров, Л.Саримсоқова, О.Жалилов, С.Эшонтўраева, Л.Бадалова, Ф.Аъзамов, Б.Ихтиёр, Я.Абдуллаева ва бошқаларсиз тасаввур қилиш мумкинми?!

Шукур Бурҳонов фақат театрнинг эмас, балки кинонинг ҳам буюк актёридир. Н.Фаниевнинг "Тоҳир ва Зуҳра" фильмидаги Қоработир, К.Ёрматовнинг "Осиё устида бўрон", Л.Файзиёвнинг "Улуғбек юлдузи" ленталаридаги Ялангтўш, Улуғбек образлари Ш.Бурҳонов театр сахнасида яратган улкан тимсолларидан сира қолишмайди.

Унутилмас санъаткорнинг Қоработири ёрқин, бетакрор сажияга эгадир. Унинг баҳодирона куч-қуввати, довюраклиги, заковати ҳокимиятга эришмоқ учун қаратилган. Актёр образни икки драматургик кўринишда ифодалайди. У зоҳиран Бобоҳонга тўлиқ тобеъ бўлса-да, аммо ботинан унинг қалбида ҳокимиятни тезроқ эгаллаш жавлон уради. Қаҳрамон хулқ, сажиясининг бу хусусияти актёрни салбий тимсолни дангал кўрсатишдан асрайди.

Қоработир актёр "Муқанна" спектаклида яратган Баттолдан кейинги иккинчи салбий образ эди. Ушбу икки образнинг ички дунёсида ўхшашлик қирралари бор. Уларнинг иккови ҳам чекланмаган ҳокимиятга интилади. Агар актёр Баттол образини яратишда унинг табиатидаги қарама-қаршиликдан фойдаланган бўлса, Қоработир шахси унинг моҳиятини, олий мақсадини белгиларди. Шу боис актёр бу тимсолни яйраб ижро этган. Актёр талқинидаги Қоработирнинг ҳаракатлари, ғайрати, қарашлари, хуллас, бутун вужуди Тоҳирга нисбатан адоват ва нафратга тўла. "Мана энди, уни тамоман йўқ қиламан", деган фикр, туйғу унинг барча хатти-ҳаракатларида яққол кўринади. Танасининг илондек тўлғониши, маънодор қарши, истехзоли жилмайши, кўзидаги ёввойиёна ўт томошабинни ҳайратга солади. Шукур Бурҳонов яратаётган тимсолни ёвузлик ва қабоҳат рамзига айлантира олди. Қора атласдан тикилган либоси актёрнинг ажойиб пластикаси туфайли илон вужудидек товланади.

Ана шу лаҳзада "Муқанна"даги Баттол – Бурҳоновнинг ёввойи ракси беихтиёр киши кўз олдида гавдаланади. Актёр ўз қахрамонининг рақибига нисбатан нафратини ўзига хос бетакрор истеъдод билан очиб берган эди. Шу боис Баттол образи унга унутилмас Қоработир образини яратишга замин бўлганини таъкидлаш ўринлидир.

Улкан санъаткор экранда ҳам сахнада эришган натижаларни кўлга киритишга интилади. У янги фильмда янги ролни ўйнар экан, истеъдоди талаби ва театрда орттирган тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ўз таклифларини киритишга интиларди, баъзан фильмни бойитиб юборадиган нарсаларни кўра оларди. Ялангтўш образи ана шундай яратилди. Айнан Ш.Бурҳонов бу образнинг янги талқинини таклиф этгани туфайли у фильмнинг бош қахрамони даражасига кўтарилди. Актёр ушбу образни яратишда сахнада қахрамонона-романтик тимсолларни ижро этиш тажрибасига суянди ва Ялангтўшни шу йўлда ижро этди. Театр артистлари ижодидаги кино ва сахнанинг яқин ижодий алоқаси уларнинг ботиний оламида, бадий тафаккуротида сақланади ва жамланади. Бу хусусият актёр театр ёки кинода зеҳниятига яқин рол ўйнагандагина ўзини намён этади.

1961 йили Ҳамза номидаги театрда "Мирзо Улуғбек" спектакли кўйилди. 1964 йилда эса экранга "Улуғбек юлдузи" фильми чиқарилди. Хар икки асарни Ш. Бурҳонов ижоди боғлаб туради. Агар спектаклда Улуғбек образи қахрамонона-романтик анъанада тажассум этилган бўлса, фильмда аввалгидан фарқли ўлароқ тарзда ижро этилди. У ўз қахрамонини ортиқча ташқи кескин ҳаракатларсиз ўйнади. Фикр, ҳиссиёт, қахрамоннинг ички кечинмалари айрича бир қувват олган ҳолда ифодаланди.

Янги драматургия ва кинонинг шарофати билан 60-йилларда Ш.Бурҳонов ва Ҳамза номидаги театрнинг бошқа актёрлари ижро санъатида сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Ш.Бурҳонов картинада Улуғбек образини хотиржам, сахнада яратилган бош қахрамон фаолияти моҳиятидан чекинмаган ҳолда талқин этди. Шунингдек у кинодраматургия ҳисобига образ кўламини яна кенгайтди. Улуғбекни олим ва подшоҳ сингари қирраларини кенгроқ очиш билан бирга унинг оддий инсоний ҳолатларини ҳам кўрсата билди. Бинобарин образ ҳар жиҳатдан бойитилган ҳолда фильмга кўчди.

Биз юқорида фикр юритган Ш.Бурҳоновнинг Қоработир, Ялангтўш, Улуғбек роллари ўзбек

киносининг олтин захирасидан ўрин олди.

Театр ва кино, хусусан актёрлар ҳамкорлиги масаласида гап кетар экан, улкан ижодкорлардан Асад Исмаиловнинг "Тоҳир ва Зухра"даги Бобоҳон, "Алишер Навоий"даги Ҳусайн Бойқаро, Ҳамза Умаровнинг "Маҳаллада дув-дув гап", "Шум бола", "Ўткан кунлар", "Фавкулудда комиссар", "Еттинчи ўқ" фильмларидаги бир-бирига сира ўхшамайдиган ролларни, А. Ҳидоятлов номидаги театрнинг актрисаси Г.Раҳимованинг "Армон" фильмидаги Гулчехра, ажойиб санъаткор Наби Раҳимовнинг "41-йил олмалари" картинасидаги чол образларини тилга олмасдан ўтиб бўлмайди.

Балки баъзи томошабинлар Г.Раҳимовани яхши танишмас, аммо унинг "Армон" фильмидаги Гулчехраси томошабинлар онгида, қалбида муҳрлашиб қолган десак муболаға бўлмайди.

Актрисанинг ана шу илк роли унинг ижро кўлами кенг, маҳорати кучли санъаткор эканини намойиш этди. Сўзсиз у бу маҳоратга театрда турли жанрдаги ролларни ижро этиш жараёнида эришган. Шу боис актриса "Гангиш" ("Шок") фильмдаги драматик роль билан "Армон" картинасидаги ўткир характери тимсолни бирдай муваффақият билан ижро этди.

Ўта ҳазилкаш қувноқ, қув Гулчехранинг ("Армон") даладаги ҳолати томошабин кўз олдида сира кетмайди. Ушбу роль актриса томонидан бир нафасда ўйналгандек таассурот қолдиради. Гўё сахнада томошабин қаршисида роль ўйнаётгандек туюлади. Кўла жижатидан унчалик катта бўлмаган Гулчехра образи томошабинларга манзур бўлишининг асосий сабаби шундаки, у уруш, қариндош-уруғ, ака-укалари, умр йўлдошлари-ю, севимли ёрни жанггоҳга жўнатиб, оғир меҳнат, қорахат ва бошқа нарсалар туфайли ҳам жисмоний, ҳам маънавий эзилган аёлларни ўзининг шўхликлари билан кулдириб бир оз бўлсада юпатиб, ғам-ташвиш чангалдан қутқаради. Дала бағрида ўзи каби аёлларнинг чўккан, аммо умидвор кўнгилларини кўтаради. Лўли аёл келиб, фол очиб Гулчехранинг эри соғ-саломат юганини айтиши Раҳимова қахрамонига айрича қувват бағишлайди. Унинг очик дала бағрида синиқ кўзгуга қараб, ўзига оро бериши, нозланиши, кўнгил хуморлари-ю, қувончлари актриса томонидан басит кўрсатилган бўлса-да, томошабин ўша онларни бошдан кечириётган инсон гўзаллигини кўришга мушарраф бўлади. Лекин Гулчехра - Г.Раҳимова бу бахтли дақиқаларни бир зумда унутади, кўлига теккан

дахшатли мактуб-қорахат унинг сеҳрли сонияларини остин-устин қилиб ташлайди. Бир онда бутун дунёси зулматга ботгандай ҳолатга киради. Актрисанинг ижро услуби тез ўзгаради: бошига тушган қайғу, алам, дардни қахрамони бардош ва сабр билан қаршилашдай кўтаринки ҳиссий ҳолатда ифодалайди. Ушбу роль кайфиятни сингдириш асосига қурилган бўлиб, актрисадан катта маҳорат талаб қилади. Бунда унинг театрда орттирган улкан тажрибаси ёрдам беради.

Катта ижодкор Ҳ.Умаров яратган ишчи, ўқитувчи, шифокор, чапани, бой тимсолларида ташқи қиёфада кескин ўзгаришлар бўлмаса-да, аммо ички ишонтириш қуввати билан ажралиб туради. Томошабин доимо унинг қахрамонларига ишониб қарайди. У қахрамони сажиясини бир-икки чизгиларда маъқул ва мақбул ҳолатда ифодалай олгани учун ҳам режиссёрлар уни астойдил ҳурмат қилишар эди. У ички тажассумни олий маҳорат билан амалга оширар эди.

Шундай қилиб, театр артистлари сахна тажрибалари билан бадий кинонинг ривожига кўмаклашганлар. Лекин кино ва театр ўртасида акс алоқа, яъни театрга, унинг актёрлари маҳоратига кино ижодий таъсир кўрсатган жиҳатлар ҳам бор.

60-йилларда Ҳамза номидаги театрда ижро услубини ўзгартириш – қахрамонлар тақдирини фалсафий идрок этиш учун ижроти табиийроқ, турмушга яқинроқ тарзда олиб бориш масаласида сахна санъатини янгилаш жараёни каби эстетик муаммо пайдо бўлганда, кинода қатнашган актёрлар бу масалада тайёр эканликлари маълум бўлди. Фикримизнинг тасдиғи учун биргина мисол келтириш билан чекланамиз. Наби Раҳимовнинг "41-йил олмалари" фильми ва "Бу ернинг тонглари сокин" спектаклидаги ролларини эслайлик. Фильмдаги чол ва спектаклдаги ота драматургия жиҳатдан фарқли бўлса-да, аммо Н.Раҳимов талқинига кўра моҳиятан бир эди. Санъаткор чол ролни ижро этганда қарилликка хос бўлган дидактизм ва кайвониликдан чекинади. Унинг ижроси нозик ва теран психологизм билан ажралиб туради.

Кино сахнани безаш санъатига ҳам янгиликлар киритди. Сахнадан маиший безаклар, тафсилот-навислик йўқолди. Натижада, шартлилик, ҳаққоният, спектакль ва тимсол моҳиятини теранроқ очиш кучайди.

Кўриниб турибдики, кино ва театр ўзаро боғлиқ ва уйғун санъатлардир. Бинобарин, уларнинг ижодий алоқалари давомли бўлсагина муваффақиятли ривожланадилар.

БЕДОРЛИК

УЙНИНГ ФАРИШТАСИ



(Шоира
Турсуной СОДИҚОВА
билан суҳбат)

- *Турсуной опа, суҳбатимизни анъанавий савол билан бошлаймиз. Бедорлик сизнингча, нима?*

- Мен жисму жонимда икки тур бедорлик борлигини биламан. Худо берган қалам туфайли келадигани шундай кечади: кези-кези билан “жазз” этиб дилингизга войибдан нур тушади. Мен буни илохий нур дегим келади. У тушар экан сизни симобдай эрита боради. Хайратгами, иштиёқгами айлана-сизу вужудингиз билан шу тафтга тирмашиб оласиз. Нима қилсам ҳам, шу ҳолатни қоғозга кўчира олсам, дея бетоқат бўласиз. Бедорликнинг бошланиши мана шу.

Дилингизга тинмай қуюлиб турган ёки миянгизга кетма-кет урилиб турган ўша сирли ҳодисага шоша-пиша ҳали у, ҳали бу шакл тўнларини кийдириб кўрасиз, бўлмайди, бўлавермайди. Ўтирасиз, турасиз. Ховлига чиқасиз, уйга кирасиз, шаклнинг янги-янги-ларини топасиз-дилингиз тўкмайди ўзини! Ана бетоқатлигу, мана бедорлик! Ўшандай пайтлар кў-зингиз очик туради, аммо кўрмайди, қулоғингиз эшитмайди, жами шовкин-тўполон сизга тегмай ўтиб кетаверади. Ниҳоят, дилингиз мисрага кўча бошлар экан, қулфи дилингиз ечила боради, томирларингизга тиқилиб, ботиб турган қадоқлар сатрларда атиргулдай очила бошлайди, ифоридан ўзингиз биринчи маст бўласиз. Ёзаверасиз, назарингизда айни шу дақиқада бағрингизга гул билан дур тўлгандай - олиб қолганингиз фанимат, сал ғофил қолсангиз, чарс-чурс этиб чатнаб турган бу ўт ўчади-қолади. Худди Эркин Воҳидов айтганидай “шеър ипи ногоҳ қаламнинг игнасидан қочадур”.

Ана шу мутлақо заминий бўлмаган оташин ҳолат ижодий бедорликдир.

Аёлликнингми, оналикнингми дастидан воқеъ бўладиган яна бир бедорлик бордир. У муҳаббатнинг, меҳрнинг ҳосиласими ёки жонсарақликнинг, ҳеч билолмадим.

Кўл-оёғингиз ҳаракатда, ақлингиз банд, сўзингиз, кўзингиз, банд аммо дилингизнинг тагида зиркираган бир туйғу бутун бадингизга тинмай санчилиб, безовта қилаверади: болам кўчадан эсон-омон қайтармикан, ота-онам кечагидан бугун сўлғинроқ кўринаяпти-ёв, гуноҳларим мунча кўпаймаса, хатоларим бунча кўп,

оналикни ўхшатайманми, қай баҳоли жуфт бўлдим, жигарларимга эркалигим чизикдан чиқиб кетмадими, уларнинг дилида мен билмаган қандай ташвишлари бор, одамларнинг менга қилган муруватини санаб улгурай, қарздорлигим эсимда турсин-да... каби ғужғон фикрлар юрагингизни тин олгани қўймайди.

Ижод бедорлиги даврий – кези-кези билан содир бўлади. Аммо анови бедорлик! Тобора каттайиб, кучайиб, сизни забт этаётганини устайонларингиз билан туйиб борасиз.

- *Сиз Республика маънавият ва маърифат марказида масъул вазифада ишляясиз. Инсон маънавиятининг, ақлзаковатининг қай даражада бой ёки саёз бўлиши кўп ўқиш ва мутолаа қилишга боғлиқ дейишади. Ҳар бир инсон ўзига хос тафаккур ва туйғулар воситасида оламни идрок этади. Менимча кўп ўқиган ва кўп билган ҳамма одамни ҳам маънавияти юксак деб бўлмайди. Бундай дейишимга сабаб ҳаётда баъзан шундай одамларни учратиб қоламизки, уларнинг мияси жуда кўп билимларни ахборот тарзида қабул қилиб олади-ю, аммо турмуш ҳақида гап кетганда бундай кишиларнинг мулоҳазаларидан ҳам, суҳбатидан ҳам асло қониқмайсиз. Инсоннинг маънавияти унинг табиатиға ато этилган илохий инъоммикин?*

- Энг мураккаб хилқат инсон экан. Унинг иқлими шундай ажойибки, қузатганинг сари ҳайратинг ортади.

Илм асли мисоли нур, дунё неъматларини ёритиб, халққа кўрсатувчи, унинг яхши-ёмон томонларидан огоҳ этиб, юксалишга даъват этгувчидир. Илм булоқларнинг кўзини очади, хазиналарнинг йўлини. Яхшиликлар яратгани сари илмнинг ўзи ҳам чархланиб, ўтқирлашиб боради.

Аммо минг таассуфки, бошқа ҳолат ҳам мавжуд: ҳаётини исбот шуки, олий даргоҳларда сабоқ олиш, чексиз мутолаа, ихтиро илинжида бўладиган саъй-ҳаракатларнинг ҳаммаси зохирий амаллардир. Ҳақиқий олим бўлиш учун аввало кишининг ботиний ҳозирлиги бўлиши керак экан. Худо унга юқтирган маънавий

захира даркор экан. Билимларнинг онаси экан маънавият, имон. Кишининг иклимида авлоду аждодидан оқиб келаётган тозалик бўлсагина, ундаги илм хосият касб этаркан. Жуда кўп билимларни одам йўл-йўлакай йиғиб-теради. Аммо дунёга сен билан бирга келадиган яна бир нима бор-ки бамисоли уруф. Дунёвий илмлар унга сув беради, дарахтга айланасан, аммо маънинг - таъмингни авлоду аждодингдан ўтиб келаётган ўша уруф таъминлайди.

Хазрат Навоий айтгани каби: нега қуёш нури бор, сув бир хил, тупроқ бир хил, лек бир жойдан гул унади, ёнидан тикан? Аслига тортиш шудир балки, Аллоҳнинг юктиришидир.

Хўш, асли тоза бўлса ҳам шарофатсиз қоладиган борми? Жуда бор-да деб юборасан дилингда. Биз бу ўринда тиш-тирноғи билан олимлик даъвосини қилувчи, дунё назариётчиларининг айтмиш-ёзмишларини жилд-жилдларга тўплаб, китоблардан китоб ясаб, олган қат-қат унвоиларини туфук сачратиб пеш қилаверадиган, аслида жамиятга бир гугурт чўши ёниб-ўчганчалик тафти тегмайдиган “олимлар” хақида гапирмаймиз.

Разм солганмисиз, шундайлар бор: худо катта истеъдод берган. Қатор ихтиролар қилиб, китоблар чиқарган. Ўша соҳа мутасаддилари уни тая олганлар, ҳатто унвоиларга-да сазовор бўлган. Лекин бир ёниб ўчган каби, кўп ўтмай овози бошқа шовқинлар ичида эшитилмай қолди. Кузатиб, шунга амин бўлдимки, кишида ё харом, ё ёлғон, ё ҳасад ёки нафсга мойиллик бўлса, унинг истеъдодига соя тушаркан, равнақ топмас экан.

Олимлик, ижод, йўқдан яратиш ниҳоятда оз кишиларга насиб бўлади. У - илоҳий ҳада. Аллоҳнинг бу меҳрибончилиги, бу мукофоти ижодкорни ларзага келтириши, у ўзидан қусурларни силкитиб ташлаши жоиз. Бир қўлида илму бир қўлида гуноҳлар бўлса, уни истеъдоднинг ўзи уриб қўя қолади: ихтиролар қилаверади, аммо йўли очилмайди, атрофга ёйилмайди, уни йўқламайдилар, интилмай қўядилар. Яна бир гапки, илм эгаси яхши авлоддан бўлиб, ёмон хулқни одат қилса, аввало уни аждодларнинг норозилиги жазолайди - унмайди, ўсмайди.

Юрагим оғриб дейман: истеъдод

хамшиша имонли одамларга йўлиққанда эди, қанча макон ва жон нур олган бўларди! Ўйлаб қарасам, кишидаги шахсият ўзига берилган иқтидорни кўтаришга қодир бўлсин экан. Шахсият бу маънавиятдир. Кичик иқтидорни тоза шахсият билан камолга етказмоқ, аммо катта истеъдодни ушоқ маънавият билан кунпаяқун қилиш мумкин экан.

- Сезишимча, сизнинг диққат-марказингизда кўпроқ оила-ва аёл мавзуси туради. Ҳозирги пайтда замон талаби билан аёлнинг кўпроқ вақти оилага эмас, жамоатчилик ишларига сарфланапти. Ҳатто қишлоқ муҳитида ҳам экин-тикин, дала ишлари дегандек... Буёғи ўзингизга маълум. Сиз кўпроқ аёлнинг нима билан машғул бўлишини истардингиз? Аёлларимиз оиладан узоқлашиб кетмаяптимики?

- Аёл-ку оиланинг ичида, аммо оила деган уюшма ўз муқаддаслигини йўқотди, беқадр бўлди. Ўрислар ҳукмронлиги панд берди, оила маънавияти мувозанатдан чиқди.

Айтганингиз ҳақ, аёл кўпроқ уйда эмас, кўча-жамоат иши билан машғул бўлиб қолди. Аммо замоннинг рангига, ҳолига қараб иш кўриш ҳам бурчимиздир. Юз йиллар алаимизни ичга ютиб етишган Озодлигимиз энди 7 га кирди. Унинг камолини кўриш ҳаммадан ҳам оналар учун, аёллар учун керакдир! Бугунги кунлар сабрдай оғир, аммо тикланишдай табаррук кунлар! Бугунги қийинчиликни малол олиш гуноҳи азимки, бугунги меҳнатим эртанги ўз болам учундир. Либосимиз Шукрона, ширимиз Сабр бўлмоғи, эркакдир, аёлдир еттигагина кирган бола - Мустақилликни елкамизда опичлаб, мушкулотлардан омон олиб чиқишимиз шарт!

Мустақилликни боламадай асрай деб турган Турон аёллари бугун бўй баравар орзу-ҳавас гадоси эмаслар. Улар ўз яқинларидан бир нарса сўрайдилар: жиндек эътибор, чимдим кайфият холос! Унга муҳаббат керак, кўнглига монанд биргина сўз керак. Шўро оила мувозанатини издан чиқарди дедим. Қўштирноқ ичидаги “тенг ҳуқуқчилик” эркак-аёлни бири-бирдан кўнглини қолдирди. Рўзгорда сендан мен зўр қабилида шарманда рақобат юз берди. Назоқат, кўнгили олиш, бир-бирига маъ-

қул келиш учун ҳаракатлар, илиниш, ота-оналик салтанатини биргалликда шарқона бошқариш тобора сусайди. Ота ҳам, она ҳам, бола ҳам кўчада силлиқ, илғор, уйга келгач, ёввойи манзара: тил хоҳлаганини гапиради, оёқлар - бош, бошлар - оёк! Ичиб келиб маҳлуқдай бўқиришлар, идиш синдиришлар, аёлини болалари олдида калтаклаш, сўкиш, ўғилларнинг ҳам шу йўлдан кетишлари... маънавий инкирозимиз бўлди. Шўрога шу керак эди... Оилавий муносабатларнинг пароканда холати ичида туриб, эркагу аёл жами миллий афзалликларимизни ўзида жамлаган оила учун курашмас эканмиз, кўчада бошқа, уйда бошқа гапирадиган, бетайин, икки бетдилар бўлиб қолаверамиз.

Эркакларга мурожаатим шуки, йил - ўн икки ой сиз ҳам ишлаб келасиз, аёлингиз ҳам. Сиз остонадан кирибоқ тинасиз, аммо аёлингиз меҳнатнинг-авжига энди киришади: кир-чир, овқат, дазмол, уй хизмати, бола ташвиши, сигир-бузук, хатто ҳовлидаги гулу райҳонга ишлов ҳам унга. Яна тезда-тезда ундан шикоят қилиб ҳам турасиз! Энди унинг юмуши билан ўзингизнинг жисмоний ҳаракатларингизни тарозуга солиб кўринг. Қилча жони билан филни тортмаяптими у? Яна индамай тортади, шикоят ҳам қилмайди. Нера у ўз ёшидан катта кўринади?

Нега юзларига доғ тушган, нега у ориқ? Фельдаги тарангликлар ҳам зўриқидан эмасми? Аёл - дарё, аёл - тоғ, аёл - нима ясага бўлаверадиган қулолнинг лойи. Аёл меҳнатга ўлмайди, жонининг мингдан бири қолса ҳам уйи, боласи, жуфти учун қайта жонланаверади, ўлолмайди.

Аммо эътибор кўрмаган аёл, меҳр туймаган она, аялмаган сингил Аллоҳнинг суюб-суюб яратган неъматларидир. Унинг дахшатли ҳисоб-китоби бордир! Рўзгорли эркакнинг аёлига хиёнат қилиши оилага фалокат келтиради, эркаги ичадиган аёлнинг афти одам холос, ичи тўкилиб бўлади. Унинг шу синиб туриши эркакнинг бошидан қуйилаётган лаънатдир. Қўли, тили югурик эрнинг аёли титраб турган барг - салга чирт узилади, худо буни жавобсиз қолдиради дейсизми?

Аёлини аяган эркак, аввало билимли, тадбиркордир. У бирламчи миллатпарвардир. Чунки аёл миллатнинг сифат белгисини белгилайди. Кенг аёлдан кенг, тор аёл-

дан тор фарзанд дунёга келади. Ўз оиласига куюмли эркак, билинги, ватанпарвардир. Оиласини асраётими, демак Ватанни ҳам шундай орият билан асрайди.

Авиджонда Абдугуни ака исмди одамни биламан. Ёшлари етмишдан ошиб борапти. Кўп нуфузли ўринларда ишлаганлар. Лекин ҳеч қачон бурулари қонамаган, элнинг назаридан тушмаганлар. Яқинда шу одамнинг оналари 111 ёшида вафот этдилар. Эшитиб юардим, Абдугуни ака хамиша, қаерда, қайси вазиятда бўлса ҳам етиб келиб тушликни оналари билан бирга қиларканлар. Худо берган ҳар бир куни волидаларини оёқ-қўлларини уқалар, суҳбатларига қулоқ солар экан. Қўллариди кўтариб, елкаларига ортиб, сайргоҳ ерларга тинмай олиб борар экан.

Мен ўйлаб айтаманки, аввали Аллоҳ-куя, аммо бу аёл меҳр, эътибор ичида бўлгани учун ҳам узоқ яшаганмикни? Онасини рози қилгани учун ўғиллари ҳам назардан қолмай келаяптими? Сен қобил фарзанд бўлдинг, шунинг учун то мўйсафид бўлганинча онангни ёнингдан олмайман дедими Аллоҳ?!.

Аёл ҳеч қачон тил келиб меҳр сўрамайди, мени аянг демайди. Сўрамагани учун ҳам асрайлик. Унинг томирида эртанги миллат етилаётир, жон-жаҳдимиз билан уни авайлайлик.

– Дунё миқёсида олиб қараганимизда кўпгина мамлакатларда ҳар бир оиланинг мустақил турмуш кечирishi одат саналади. Уларда ҳаёт тарзи шундай давом этади. Болалар ҳам вояга етгач, ўз ҳаётларини мустақил давом эттирадилар. Бизда эса халқимизнинг табиатидан, тарбиясидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, оила мустақиллигига кўпгина урф-одатларимиз имкон бермайдигандек. Келин қайнона-қайнонадан ташқари, аксарият ҳолларда куёвнинг ака-сингилларига ҳам хизмат қилиши керак. Кўпгина ёшлар мустақил яшашни орзу қилиб, ҳатто ота-онаси билан ҳам зиддиятга боришади. Оила мустақиллиги хусусидаги фикрингизни билишни истардик.

– Дунё миқёсидаги мисолларни четга қўйайлик-да, миллий феъл-мизининг юрагига қулоқ тутайлик.

Илоҳо, келиннинг қўлидан чой ичиб, набираларнинг ўровида қариб, ўғлининг уйи тўрисида яйраб ўтириш ҳар бир ўғил боққанга насиб этсин.

Қани менга қаранг-чи, ойим синглим! Ўғил тилаган, ўғил боққан - мен билан отаси бу ёқда қолиб, ўғлимни олдингизга солиб, етим қозонингизни қўлтиқлаб чиқиб кетсангиз, рўзгорингизда барака бўлади деб ўйлайсизми? Қайнона-қайнонасиз уйга келин бўлган мен эдим: яхши-ёмон кунларда дуо бергучим йўқ, жуфтимдан овринсам, юпатгучим йўқ. Юкли бўлсам, мана бундоқ кийиниб, мана бундоқ аялинг дейдиган йўқ. Биринчи фарзандимда ортирган оёқ овригидан хануз қутилолмайман. Хали боламга, хали қозон, хали кирга югураверибман. Бола чириллашга тушди-ку. Ебичиб, сўнг югургин, бўлмаса болангни оч қолдирасан дейдиганим бўлмади. Меҳмон келса, қайнонам бўлса, ҳеч йўқ бешик тебратиб турарди деб, ичим зил кетарди.

Каттаси бор уйнинг фариштаси бор. Лекин сизни ҳам тушунаман, юрагингиздаги қадоқни сезиб турибман. Ҳозирги ажримларнинг олтинш-етмиш фойизига қайнона-қайинсингиллар сабаб бўлмоқда. Аммо айбни тамоман уларга ҳам қўйиб бўлмайди. Биз шу кунгача элга рўзгор сирлари ҳақида билим бердикми? Ўқув маканларида она-бола бўлиш, келин, куёв бўлиш, қайнона-қайнота ва қайинсингил ҳамда ака-ука бўлиш илми, санъати ҳақида рисола ёзиб, дарс ўтдикми? Буюк Шарқнинг рўзгор тутумлари ҳақида таҳсил бердикми? Бериб қўйган қайси билимимизнинг ижросини сўраймиз?

Мухбир синглим, Аллоҳдан сўрайлик, миллатимиз маънавияти аслига қайтсин. “Бу даргоҳдан ҳеч ким норизо кетмаслиги керак” дейдиган Юсуфбек хожилар биздан. “Марғилонда шундоқ келинимиз бор экану...” дейишни биладиган гўзал лутфлилар биздан. Қизини “болам” деб, келинни “жоним болам” деб чақирадиган назокатли аёллар биздан!

Оламда ўғил тилаганлар қанча! Оллоҳ менга ўғил бердими, бу мукофот! Унинг кетидан гулдай келин кириб келди, бу олий мукофот! Шу тухфаларни олиб туриб, менда шукрона бўлмаса, бағримдаги гунча оила - келин-куёв мендан сув ичиб ширғил боққа айланмаса, менинг тириклигимдан не

хожат?! Икки ёш гул бўлиб кириб келиб, менинг қўлимда сўладиган бўлса, отим Қирғин бўлмайдами? Худо уриб қўймайдами мени?..

Оналикка, оталикка, жигарбандликка ўз навбатида фарзандликка ҳам муносиб бўлишимизни Аллоҳдан ёлвориб сўрайлик.

– Ҳамма билан бир хилда тил топишиб яшаш, одамларга ёқиб учун ҳам инсон бирор тажрибага эга бўлиши керакми? Муомала ва муносабат ҳам санъаткорликни талаб қиладими?

– Одамларга ёқиб учун хамиша тафаккуринг чархлоглик туриши керак. Бу ёруғ дунёни кўзимга торайтирадиган ҳам, кенгайтирадиган ҳам одамлар. Менинг ҳамма ишим шуларга тушади. Улар билан ҳисоблашиб муомала қилсам, ўзимнинг йўлим очилади. Қайфиятим ҳам расо юради. Санъатдан одамлар завқлансалар, унга эргашсалар, у боис ўзларида ўзгаришлар яасалар-да, демак муомалани яхши биладиган одам энг катта санъаткор. У синдирмайди, бузмайди-уюштиради, юпатади, ўйлантиради. Бу санъатни эгаллаш астойдил ният қилган кишига осон: бировга ботмайдиган иш қил - гаинг, овозинг, кийинишинг, ҳаракатинг, ҳаттоки юз ишораларингни-да назорат қил, бировга малол келмайдиган бўлсин. Кишининг ҳолига айланиш, яхшилик илиниш, кечириниш ҳам бировга ёқиб йўлидир. Ҳеч қачон ҳеч кимни ўзингга чидашга мажбур этма, бировнинг қазаби ичида яшаш бу - заволга учраш экан.

Тафаккуринг билан атрофингиздагиларнинг кўтаришига қараб муносабат топ.

Расуллуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтган эканлар: “Биз пайғамбарлар, халойиқ ақлига яраша гапирмоққа буюрилдик”. Пайғамбарларки ўзларини шундоқ тутган бўлса, биз ўзимизни билайлик экан.

– Турсуной опа, мазмунли ва самимий суҳбатингиз учун катта раҳмат. Ҳамма мухлисларингиз муҳаббатига сазовор бўлиб, соғ-саломат юришингизни устаб қоламиз.

**Суҳбатдош:
Сайёра ШОДИЕВА.**

ЯХШИЛИК ИЛМИ

Улуғ мутафаккир Сайид Пошшохожа бин Абдулваҳҳоб Хожа ўз асарларида таълим-тарбия масаларида ўтмиш мутафаккирлари, айниқса, Алишер Навоийнинг энг яхши анъаналарини давом эттирди.

Хожа 1480 йили Нисо шаҳрида дунёга келган. У дастлаб отаси кўлида, сўнгра Нисо ва Марв мадрасаларида муфассал таълим олган. Хожанинг бизгача "Мифтохул-адл" (1508-1510 йиллар) номли (Темур Султонга аталган), "Гулзор" (1538 й.) фалсафий-ахлоқий асарлари ва Жонибек Султонга аталган "Мақсадул-атвор" (1514-1520 йиллар) ахлоқий-дидактик достони ҳамда бир неча ғазаллари етиб келган. Низорийнинг "Музақкири аҳбоб" асарида келтирилишича, Хожа "Лайли ва Мажнун" номли асар ҳам ёзган, ammo бу асар ҳалигача топилгани йўқ. Хожа буюк мутафаккир - устоз Алишер Навоийга эргашиб, "Хамса" яратиш орзусида бўлган бўлиши мумкин.

Хожа ўзининг ахлоқий-таълимий асари "Мақсадул-атвор"да даврнинг энг муҳим ижтимоий-ахлоқий масалаларидан бўлган оила ва фарзанд тарбияси ҳақидаги фикрларини билдириб, оила ҳаёти жамият ҳаётининг ажралмас қисми эканлигини, шу сабабли фарзандлар тарбияси доимо эътиборда бўлиши лозимлигини тушунтиради. Хожанинг фикрича, одам ўз фарзандига юзаки муҳаббат қўймасдан, унинг айбларини яширмасдан, талтайтирмасдан, қийинчилик ва машаққатларга кўникириб, тарбия қилмоғи лозим. Боланинг тилаган нарсасини дарров муҳайё этиш уни бемехр, саркаш, худбин, баднафс, ўзбошимча, нодон, ота-онага ва катталарга беҳурмат қилиб қўяди. Бундай фарзандлар вояга етгач, ҳаётда меҳнат қилишдан кўра талаб қилишни, кўнгиллари тусаган нарсага осонликча эришишни кўзлайдилар.

Мутафаккир эътирофича, яхши тарбия кўрмаган фарзандлар илм-хунар, касб-кор эгаллашга меҳр қўймай, ҳаётда ўз ўринларини тополмасдан сарсон-саргардон бўладилар. Инсон ўз хулқ-одоби билангина

гўзал. Агар киши фарзандига ёшлиқдан касб-хунар ўргатиб, яшашнинг қадрига етадиган қилиб тарбияласа, бола ўз дунёқараши, юриш-туриши, одоб-ахлоқи, феъл-атвори билан онасининг жонига оро кирадиган, уларнинг хурмат-эътиборини жойига қўядиган инсон бўлиб етишади:

Улки санинг феълинг

ила тирилуру,

Ҳар не десанг жон ила

хизмат қилуру.

Олам аро маҳрам жондур санга,

Жисминг аро руҳи равондур санга.

Хожа "Мақсадул-атвор" асарида дилбанди мир Абдусаломга насиҳат бобида ёшларга зарур бўлган бир қатор ахлоқий қоидалар ҳақида фикр юритиб, ёшларни тўғри йўлдан бориши, ҳақиқий бахт-саодатга эришиши учун ақлий камолотга интилиши, ўзларида миллий ва умуминсоний фазилатларни мужассамлаштиришга ҳаракат қилиши лозимлигини уқтиради. Ёшлар, аввало, илмга интилиши, оқилу фозилларга шоғирд бўлиши зарурлигини айтади.

Илм ўрганиш инсонни камолот сари етаклайди. У "Мифтохул-адл"да илмнинг инсон учун, унинг икки дунёси учун энг яхши неъмат эканлигини изоҳлаш мақсадида бир ҳадис келтиради: "Ҳар кимарса дунёлик тиласа, савдогарлик этсун ва агар кимарса охират тиласа зуҳд қилсун. Ва агар икки дунё тиласа, илм таҳсил қилсун," дейди.

Хожа ўз салафлари Форобий, Ибн Сино, Навоий ва бошқа мутафаккирлар сингари, инсонни маънавий камолотга етказувчи восита бу - илм деб билади ва унга ахлоқий тус беради. Фақат инсонда юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялаш орқали, уларни бойлик, шон-шухрат каби дунёпараст ишларга бутунлай берилиб кетишининг

олдини олиш мумкин деб билади. Шу сабабли у мол-дунё йиғмоқ дардида ранжу маломат чекаётган кишига, бу ишнинг мазмун ва моҳиятини тушунтириб беришга ҳаракат қилади.

Хожа инсонни ҳалол ва ҳақгўй бўлиши кераклигини бош мавзу этиб, ростгўйликни энг юксак ахлоқий фазилатлардан деб билади. Ростгўй одам бировлар олдида ҳеч қачон мулзам бўлиб, боши эгилмай-ди, кўнгли осуда, ишлари маромида бўлади.

Инсоннинг илм орқали яхшилик қилишни ўрганиши, катта ҳаёт тажрибалари орқали орттирган малакаси ва ақл маҳсулидан давр муаммолари ечимини тўғри топишда фойдалана билиши барча даврларда юксак фазилат деб қаралган.

Мутафаккир "Мақсадул-атвор"да хулқ-одоб ва таълим-тарбия ҳақида фикр юритиб, инсондаги хилм (ҳалимлик, майинлик) ва сабр-қаноатлилик юксак маънавий фазилат эканлигини таъкидлайди, одамларни кечиримли, юмшоқ феълли бўлишга ундайди:

*Ҳилми ўз тавринга ёр айлагил,
Сабру таҳаммулни шор айлагил,
Ҳар кишиким сабр ила бўлса мудом,
Тангри анинг бирла бўлур субҳу шом.*

Хожанинг маънавий-ахлоқий ва таълим-тарбия тўғрисидаги фикрлари чуқур халқпарварлик, адолатпарварлик, инсонпарварлик руҳи билан суғорилган, кенг халқ оммасига яқин ва тушунарлилиги билан ажралиб туради.

Сирожиддин ҲОЗИЕВ,
Жиззах давлат педагогика
институтини, фалсафа фанлари
номзоди.



Жамила ЭРГАШЕВА

Хаммадан кўп - бола суюнди. Унга ҳеч ким ҳеч нарса демаган бўлса ҳам, онасини олиб кетгани келган киши кўзларига бир яхши кўринди-ки... Энди унинг ҳам дадаси бўлади! У ҳам энди болаларга “Буни дадам олиб келди” деб мақтанади. Кўчага чиқишганида бир қўли билан онасининг, иккинчиси билан дадасининг қўлини маҳкам ушлаб олиб, ўртада юради.

Фақат онасининг ишхонасидан ваъда қилишган уйни тезроқ бера қолишсади. Уни ҳам олиб кетишар эди. Ана шунда янги кўшникилар унинг дадаси бегона дада эканликларини сира билмас эди. У бўлса, оғзини тўлдириб “Дада! Дадам!”, деб юраверар эди.

Онаси кетаётган куни роса катта қилиб дастурхон безатишди. Момоси “Кизим, бечора, дунёга келиб нима кўрди? Ҳеч ками бўлмасин,

ҳамма нарса пиширинглар”, деб роса кўп пул берди.

Келган меҳмонлар унга ачиниба-ачиниб қарашди. Қўшнининг бақалоқ ўғли ошна бўла туриб, уни масхара қилиб қочди: “Ўҳ-ҳу, ота кулли бўлсин!” У оёқлари остидаги тошни олиб, ошнасига отди.

Ошна кулиб-кулиб, тошдан олдин дарвозаларига кириб кетди. Бола хафа бўлди. Қумдан энди ясаб бўлган томини бир ноинсоф бузиб кетгандай эзилди. Бир муддат синиқиб ўтирди-да, ҳовли ичкари-сидаги кулги, мусиқа овозларини эшитиб чалғиди. Тиззаларини қучиб олганча, яна ширин хаёлларга берилди. Ҳалиги оғизларидан сўлагги оқиб юрадиган пиёниста киши яна “мен сенинг отангман”, деб йўлини тўсадиган бўлса, “Бекоргинани айтибсиз, менинг дадам шаҳарда. Ҳали уй олишса, мени ҳам олиб кетади”, деб айтади.

Лекин, уни олиб кетишлари кўп қийин бўлди. Уй олишсаям, олиб кетишмади. Охири тоғалари онасига “Эрингиз қандай одам ўзи? Болангиз борлигини билиб уйланганмиди? Бизга-ку, барибир, қишлоқда юрса-юраверсин, еса бир тишлам нон ейди. Фақат ота-онаси тирик боланинг қип-қизил етим бўлиб юриши - ўзига жуда алам қилади, ахир!”, дейишди. Онаси негадир кўзларига ёш олди. Лекин, бир сўз демай, унинг кийим-бошларини йиғди-да, шаҳарга олиб кетди.

Шаҳардаги уйлари мазза экан. Хожатхонаси ҳам ичкарида. Деворига бир ўрам юмшоққина қоғоз осиб қўйибди. У бўлса билмасдан бир учидан тортган эди, бир қулоч қоғоз бўшаб чиқди. Изидан кирган дадаси танбех берди:

- Оғайни, бу пулга келган. Бу аҳволда бир ўрамини бир ҳафтага етказмайсан. Камроқ ишлат.

Сувини айтмайсизми. Иссиқ-совуқ сув. Роса мириқиб чўмилиб олди, сочини онаси кўрсатган совунга ювган эди... У дадасининг юз-қўл ювадиган совуни экан, онасининг ҳам эсидан чиққанми, дада бўлмиш аччиқ қилиб, “Бунга ёпишган сочларни териб ташла!” деб онасига ҳам гапирди.

Кечқурун онаси унинг энг яхши кўрган овқати - димлама пиширди. У икки бўлак карам, биттагина сабзи еди-ю, бошқа ея олмади. Онаси унинг олдидаги думбаларни дадаси томонга суриб, унга лаҳм гўштардан қўйди. “Ол, болам, е!”. “Йўқ, онажон, - қорнини силади у, - ёрилгудай бўлдим”.

ТОБОЛА



Расми Л.Салимжонова чизган.

Онаси телевизор кўриб ўтирган дада бўлмишга мурожаат қилди: “Олинг, дадаси сиз нега қўл тортдингиз?”. Дада бўлмиш индамади.

Йўл юриб, чўмилиб чарчаганиданми, момосининг уйида эркин ўсган бола қўлини арта солиб, дастурхон бошига чўзила қолди, телевизорга қараб ётиб-ётиб кўзи илинди. Бир пайт қаттиқ-қаттиқ овоздан уйғониб кетди.

— Боламнинг келишини ёқтирмаслигингизни билардим. Аммо биринчи кундан шундай қовоқ-тумшуқ қилиб оласиз, деб ўйламаган эдим. Ахир, саккиз ойда энди остонамни бир босди-ку шу бола, — онаси йиғламсирарди.

Дада бўлмиш тиззаларига қўйиб, тирсақлаб ўтирган ёстиқни бир четга улоқтириб юборди:

— Босмай кетсин илоҳ! Ҳожатхонага бир киришда икки қулоч қоғоз йиртган. Юз ювадиган совунишни расво қилган, сочиғимга артинган. Энди мен бу сочиқни ишлатмайман. Ҳамма томон расвои-радди.

— Унақа деманг, ўзим артиб олдим-ку, сизнинг сочиғингизни ишлатганимиз йўқ.

— Ҳали мени ёлғончига чиқармоқчисиз? Ана бориб кўринг, нам бўлиб ётибди. Болангизнинг олдидаги сарқитларни менинг олдимга суриб қўйиб, менинг олдимдаги гўштларни у кишига берасиз? Нима, у киши одам-у, биз сарқитхўр ит бўлдимки?

— Вой, анави кишини! Ёш бола думба ея олмайди, есаям оғирлик қилади деб, сизга илинганимни шундай тушундингизми? Кўйинг-е, дадаси, ҳеч гапдан, ҳеч гап йўқ бир-биримизнинг кўнглимизни қоп-қора қилмайлик, — онаси ялингандай бўлиб, дастурхон оша узалиб дада бўлмишнинг қўлларини қафтлари орасига олди.

— Ёлғизгина болам, — қандай ҳайдаб юборай, индаманг, юраверсин.

Дада бўлмиш унинг қўлини силтаб ташлади.

— Сиз бизнинг кўнглимизни қоп-қора қилсангиз майлими? Менга қаранг. Бундан кейин овқатни унга алоҳида идишга сузиб беринг. Кейин, ёш бола жойини билиб ўтирсин. Яна бир марта мендан юқорига чиқиб ўтирадиган бўлса, ўзингиздан ўпканалг!

Онаси пастки лабини тишлаганча бир дада бўлмишга, бир болага қарар, боланинг уйғониб қолганини эрига қандай билдириб, мунозарани тўхтатиш йўлини тополмай ҳайрон эди.

— Бу боланинг шундай катта ҳовлига сиғмаганлиги мана шу тарбиясизлигидан экан-да. Мен...

Онаси титраб-қақшаб гапни бўлди:

— Бор, болам, қўлингни ювиб келиб ёт. Ёғли қўл билан ухласанг, босинқираб чиқасан.

Дада бўлмиш ялт этиб, унга томон қаради. Бири ҳайратдан, бири нафратдан катта-катта очилган кўзлар бир нафас тўқнашди.

Бола қўл ювиш учун ташқарига чиқди, изидан идиш-товоқларни олиб онаси чиқди. Ошхонанинг остонасида бола онасининг оёқларидан маҳкам кучди:

— Онажон, юринг, момомникига кетайлик.

Аёлнинг кўзларидан томган ёш боланинг яланғоч билакларини куйдириди.

1993 йил.

ҲАЙРАТНИНГ ЎЛИМИ

(Ҳикоя)

У ўзининг энг сўнгги дўстидан ҳам Мосуво бўлди. Сал нарсага гулгул ёниб, арзимаган сабаб билан зимистон бўлаверадиган кўнгли ёв босган қишлоқдек ҳувуллаб қолди. Илдиз-пилдизи билан кўпорилган дарахтларнинг ўрни, пойдевордаги битта нақшинкор ғишт учун йиқитилган деворлар, бор-йўғи кўркам, бахтга, қувончга тўла бўлгани учун ўт қўйиб юборилган уйларнинг ҳамон қора тутун бурқсиб турган деразалари бутун аъзойи баданига сим-сим оғриқ солар эди.

У бир амаллаб уйига етиб келди. Уйи ҳам кўнглидек ҳувуллаб ётар эди. Аммо бу кимсазилик айни дамда унга жуда маъзул келди. Устки либосларини ечиб дуч келган томонга отди. “Носаришта дунёга саришталик не учун?!” Сўнг ўзини тўшакка ташлаб, кўзларини юмди. Ўзича ташқи олам билан алоқасини батамом узди. Аммо бир дақиқа ўтар-ўтмас, баданига тегиб турган тўшакдан таралаётган беҳаловат ҳовур, бир маромда чиқиллаётган соат ва... ҳаёл кўзгусида пайдо бўлган таниш манзаралар уни ҳамон шу дунёга банди эканлигини, ундан ўз ихтиёри билан қочиб қутила олмаслигини аён этди. Қайсарлик билан кўзларини қаттиқроқ юмди.

“Ўзимники” дея бағрига олган илдизлардан айрилган жойлар оғриди, нураган деворлар остида

қолган ерлар оғриди, бор-йўқ дунёси “лов” этиб ёнди-кетди. Фақат ишонч деганлари ёниб битгунча... Йўқ, у ёнмади, оловга ҳеч бўй бермади, булоқнинг ёнида ўсган дарахтнинг кундасидек хўмрайиб тура берди. Олов гоҳ у ёнидан, гоҳ бу ёнидан ялаб ўтади, у бўлса, илдизлари тегиб турган оби ҳаётни олиб, оловнинг юзига пуркашнинг имкони топилмаганидан аламланиб, тутайди. Тутуни бир аччиқ эди-ей... Нафасини бўғди, кўзлардан аччиқ-аччиқ ёш бўлиб чиқди.

Ниҳоят у на тўшакнинг ҳоврини, на девордаги соатнинг чиқиллашини, на юрагини лоҳас қилаётган аччиқ тутунни ҳис этмай қўйди. Ҳаёл кўзгусидаги нохуш манзаралар ҳам бир-бир чекиниб, тутун борлиқ, оппоқ туман қўйнига чўмди. Бир пайт туман ичидан тўрт одамнинг шарпаси чиқиб келиб, унинг атрофига тўпландилар.

— Бечора, жуда қийналиб кетибди, — деди бош томондагиси таассуф билан.

— Унга ёрдам бермасак, ўлиб қолиши мумкин, — деди яна бирови.

— Унда ўлим аллақачон бошланган, жуда эрта бошланган. Биз ўлган аъзоларни ҳам, туйғуларни ҳам тиклай олмаймиз. Фақат омон қолганларининг барҳаётлигини муҳофазалашимиз мумкин, холос.

— Ҳеч бўлмаса шунга қилайлик. Бу шўрлик дунёга келиб нима кўрди? На оила, на фарзанд қувончи...

— Тўғри, бизнинг кўмагимиз билан оила, фарзанд қувончига етишиши мумкин. Аммо дунёни кўрмайди.

— Бу нима деганингиз? Наҳотки ҳамма иллат унинг кўзида бўлса? Сиз... унинг кўзларини олиб ташламоқчимисиз?

— Йў-ўқ, сенинг бу қадар соддалигингни билганимда ўзимга шогирдликка олманг бўлар эдим. Ахир, очиқ кўз билан ҳам дунёни кўрмасдан ўтиш мумкин эмасми? Қани, ишни бошлайлик.

У жон-жаҳди билан уриниб, кўзларини очмоқчи бўлар, аммо бунинг уддасидан чиқа олмас эди. Туманда муаллақ турган пажмурда гавдаси узра гимириётган одамларнинг муздек қўлларини ҳис этиб ётар, гап-сўзларини эшитар, аммо юмуқ кўзлари билан бу галати халоскорларнинг ранг-рўйини кўра олмас эди. Яна мақсадлари ҳам галати: “Ҳаётини сақлаб қолишмоқчи. Очиқ кўз билан дунёни кўриш имконидан маҳрум этилса, унга бундай ҳаётнинг нима кераги бор?”. Бирдан ҳаёлига бугун

ишхонасида бўлган гап-сўзлар келиб кетди: Уни сотиб, дўсти нимага эришди? Уни кўмиб, қабри устида рақс тушса ҳам, “катта” “ўзиники”лар рўйхатиغا кири-тилмаслигини дўсти наҳотки тушу-нмади? Эришган нарчаси унинг кўнглига етказилган озор бўлди!.. Балки “дўсти”га шу озор керак бўл-гандир? Уни озорлаб, азоб-данишидан ҳузур-ҳаловат олар? Йўқ, дўсти “катта”нинг марҳаматига эришиш учун шундай қилди. Ўтган сафар қўшни бўлима ишлайдиган қариндошини картага тиккан эди. Муттасил томаверса, арзимас томчи ҳам тошни тегади. Жонидан кеч-гандек жондек дўстларини битта-битта тикаверса, “катта” ҳам бир кун инobatга олади-да. Ҳеч бўлмаса, “ўзиники”лар билан базми-жамшид қилаётганда идиш-товоқ ташув-чиликни топшира!..

У нафрат билан қўл силтади: “Бу дунёда кўришга арзиғулик нима бор?”

У беихтиёр юраги беҳаловат бўлиб кетаётганини ҳис қилди. Боши узра гимир-гимир қилаётган-ларнинг ҳаракатлари асабларини чарчатиб юборди. Бор кучини тўп-лаб “Мени ўз ҳолима қўйинглар. Уладиган бўлсам, тинчгина ўла қолай!” деб қичқирмоқчи бўлди. Аммо ҳарчанд уринмасин, товуш чиқмади.

Шунда... Негадир кўз олдига соя-сидан суюниб юрадиган муштипар онаси, ёлғизгина синглиси келди: “Ҳа майли, мен кўрмасам ҳам, улар мени кўриб юришади-ку. Онам боя-қиш “болаларингни кўриб ўлсам армоним йўқ” дейди доим. Агар у ўлиб кетса, онаси ер юзида чирийди. Булар эҳтимол онамнинг дуо-илтижолари учун худо томонидан юборилган фаришталардир”.

У ҳақиқатан ҳам жуда чарчаган эди. Атрофдагиларнинг арзимаган манфаати учун ор-номусни, инсо-нийлик қиёфасини тикишларидан, итдек ялтоқлик қилишларидан чарчаган эди. Энди иш бошлаган кезлари бир кун жавоб олиш ёки “катта”га бир бор яхши кўриниш учун кап-катта одамлар бир-бир-ларини сотганини кўриб, ҳайратдан кўзлари пиёласидан чиқиб кетгудек бўлар эди. Бора-бора ҳайратлари билан ҳеч нарсаи ўзгартира олмас-лиги амин бўлгач, бироз кўник-кандек бўлди: “Бу уларнинг турмуш тарзига айланиб қолган экан-да.”

Яқинда бир жувонни ишга олди-лар. Турмуш ўртоғи катта бир таш-килотга раҳбар бўлиб келибди. Эри эгаллаб турган лавозимнинг обрўси эмас, аёлнинг ўзини туттиш, ҳусни латофати ҳам кишини неча ўйлаб, кейин сўзлашишга мажбур қилади. Шунча сулув, шунча бообўр бўли-шига қарамасдан, сўзлашганда кўз-ларини ердан олмайди - жуда ибоби, ҳар сўзига Қуръон оятларидан, ҳадислардан мисол келтиради-тақводор.

Шу сулув мавжудотни у кун “катта”нинг ҳузурда... Ўз кўзи билан!.. Неча кун ўзига кела олмай юрди. Бир мазаси қочди-ей... Худди ҳасми ҳалолодаги аёлни бегона эркакнинг қўйнида

кўргандек. “Сенга нима? Уям яшаси керак-да. Балки, ўша амалдор эри ҳам унга хиёнат қилгандир? Балки, умуман кўнги-л қўймасдан турмуш қургандир. Кўнглига ёққан одамни шу ерда учратгандир?” дея олмади ўз-ўзига. Куйиб-ёниб, юрагида ўрлаётган тутуннинг ачиқ ҳидидан бўғилиб юра берди. Бугун... дўстининг хиёнати ўлганнинг устига қичиб тепган бўлди.

...Унинг танасини мучаларга аж-ратиб, обдон текширишди. Ниҳоят қарсиллатиб миясининг қопқоғини очиди.

— Мен сизларга нима деган эдим?! — жарроҳлик давомида ҳаммани бошқариб турган хастароқ овозли киши қичқириб юборди.

— Ҳамма илат миясида, демаб-мидим? Мана уни азоблаётган нар-са, — у нимандир “қирт” эткизиб, кесиб олди. — Бунинг номини “ҳай-рат” дейдилар, ухх-ху, атрофини мадда бойлаб, роса илдиз отиб кетибди-ку! Бир илдизи юракка, бир илдизи кўзга етиб борибди. Юрак-дагисини ҳам сугуриб ташламасак, яна беҳаловат қилаверади. Ихм... Мана! Ҳайратсиз ҳам яшаш мумкин дунёда. Яшаганда ҳам жуда яхши яшаш мумкин! Хўш, кўздаги томир-ни нима қилсак экан? Қаранглар, нақ қорачўғда турибди! Салгина эҳтиётсизлик билан буткул кўр қилиб қўйишимиз мумкин. Ҳа, майли! Мия билан юрак тинч бўлса, бўлди-да! Кўз... Кўзнинг ҳайрати нима бўлар эди? Қани, тезроқ қимирланглар, ҳамма аъзоларни жой-жойига қўйиб, этларни елим-лаймиз. Ҳой, нима қилаяпсан, виж-доннинг ўрнига жиғилдонни қўя-япсанми? Ундай қила кўрма! Бу йигит ундай азобни кўтара олмайди. Ичкарни эҳтиёт бўлиб жойлаш-тиринглар. Ичак деганлари ҳам шунчалар чувалашиб ётадим, бу-нинг овқат емаганига неча кунлар бўлган экан?

— Ҳеч қиси йўқ, энди иштаҳаси очилади.

— Ҳа-а, шундай бўлади.

— Мана, бўлди, — енгил тин олди бош халоскор.

— Бечора, — таассуф билдирди боя танбех эшитган йигит.

— Унга ачинмаслик керак. Энди, яхшироқ, осонроқ яшайди.

— Йўқ, унга ачинаётганим йўқ. Ахир биз уни ўлимдан қутқардик. Фақат, ўзини эмас, онаси билан синглисини ҳам кўп фожиалардан сақлаб қолдик. Аммо, шу топда қандайдир ғалати бўлиб кетаяпман. Дунё ҳайратлансиз бўм-бўш, ҳувил-лаб қолгандай, юрагим увишиб борапти...

— Бу бевафо дунёга садқаи ҳайрат! Қани, лаш-лушингни йиғиш-тирдингларми, кетдик. Э-э, мана бу ерга қон тегибди-ку. Сенинг қўл-ларинг кўп қалтирайди-да. Мана, оқибат! Дарҳол ювиб ташлаш керак. Сув тугадими? Ҳа, майли, ўзи ювиб олар. Бизга ажратилган вақт соб бўлди. Кетдик.

Хонага сукунат чўмди. У зилдай оғир қобқларини кўтариб, атрофга разм солди: рутубат ҳиди анқиб ётган хона ҳақиқатан ҳам бўм-бўш

эди. Ёнбошига ағдарилаётганда сар-гимтир чойшабда ҳам яққол кўзга ташланиб турган тангадек қонли доғга кўзи тушди. Қўрқа-писа бада-нига қўл югуртирди. Ҳеч қандай чандиқ, жароҳат изини топмади. Қўллари ҳам куп-куруқ қайтди. Узоқ давом этган қасалликдан кейин бўладиган бемадорликдай бир ҳолатни айтмаса, руҳи ҳийла тетик эди. Девордаги соатга қараб, қанча... ухлаганини ҳисоблади: “Дўконга чиқиб келиши керак”.

Туйқус эшик тақиллади. У чўчиб тушди. Нима қилишини билмай, хона ўртасида туриб қолди. “Ҳали-гилар бўлса-я!”

Ҳаёлига келган биринчи гап шу бўлди.

Эшик қаттиқроқ тақиллади. Энди очмаса бўлмаслигини билди. Калитни бураётди, ўзининг гўл-лигидан кулди: “Боя сендан изн сўраб кирганмиди улар?”

Худди ўйлаганидай чиқди. Эшик ортида бутунлай бошқа одам — ҳамкасби, илжайиб турарди:

— Куппа-кундузи ҳам шундай қат-тиқ ухлайдими одам? Бир соатдан бери эшигингизни ураман. Ҳаёлим қаёқларга бориб келди денг. Ўзини осиб-посиб қўймадимикан, деб ўй-ладим. Ўзи бир таъсирчан одамсиз, вос-вос босиб, а? Яна икки минут очмаганингизда, милисага хабар бермоқчи эдим.

Уям изн сўраб ўтирмади.

Гапира-гапира остона ҳатлаб, ичкарига кирди-да, оромкурсига ястаниб ўтириб олди.

— Мен қон ютиб ётган бўлса, бир-ир ҳамдардик билдириб, юлатиб келай деб, ишдан чиқиб, уйга ҳам бормасдан, тўғри сизникига жўнаб-ман. Лекин, биродар, бопладингиз! Кўнглингиздагини шартта-шартта айтиб, йиғилишни бир тийин қи-либ, чиқиб кетдингиз. Сиз кетган-дан кейин ҳаммаси музлагандай бўлиб қолди. “Катта” ҳам кўрқиб қолди. Дўстингиз ҳам... ўзи, ишон-магин дўстингга, сомон тикар пўс-тингга, деб бекорга айтишмаган. Ҳу-у, анави сафар ҳам сиз сездингизми-йўқми...

У ҳамкасбига қараб туриб, сира ҳам юпатиш, ҳамдардик билдириш учун эмас, ҳангома излаб келганини аниқ-равшан кўриб турарди. Аммо бу иккиюзламачилик унга на малол келди, на ҳайратга солди.

У чойшабдаги қон доғини ювишга улгурмаган эди. Ҳамкас-бини тинглаш давомида сездирмай-гина қаравот ёнига ўтди-да, доғнинг устига ёстиқни тортиб қўйди. Сўнг, меҳмон нафас ростлаб олиш учун гапдан тўхтаган дам, тарадуд-ланганнамо унга савол берди:

— Узр мен би-ир дўконга чиқиб келишим керак эди. Узоқ ухлаб қолибман, ҳали зомон дўконлар бер-килиб қолади. Қорин бўлса, очиб кетди. Сиз... ўтириб турасизми, ё мен билан бирга айланиб келасиз-ми?

Ҳамкасби уни бугунлар овқат ея олмаса керак, деб ўйлаганини, овқат тарадудда ҳайдалатганига ишо-ниб-ишонмай ўрнидан турди.

Термиз, 1996 й.

XX аср охири XX аср бошларида собиқ чор Россиянинг халқлари ўзларининг мустамлака ҳаётлари билан чиқиша олмай қолдилар. Улар турли минтақавий ва диний ғоялар остида бирлашиб, истибдоддан қутулмоқчи бўлдилар. Миср, Туркия, Эрон, Ҳиндистондаги ёшлар ҳаракати ҳақидаги маълумотлар Туркистонга етиб кела бошлади. Маҳаллий зиёлилар ана шу воқеалар билан танишиб, истибдоддан қутулиш йўлларини кўрсатувга раҳнамо изладилар. Ана шундай кишилардан бири сўзсиз Исмоилбек Ғаспдали (1851-1914) эди. У Қримнинг гўзал гўшаси Ялта яқинидаги Авжик қишлоғида, "Дворян" унвонини олишга сазовор бўлган Мустафо Али оиласида дунёга келди. Аввал Воронежда сўнг Москвада таҳсил олди. Илмга чанқоқлик уни Истанбулга, кейин Париждаги Сорбонна университетига етаклади.

Парижда машҳур рус ёзувчиси И.С.Тургенев билан танишиб, унга адабий котиб бўлди. Исмоилбек бу даврда мутолаага қаттиқ берилди, чин маънодаги қомусий билимга эга бўлди. 1876 йилда Тунис, Миср, Юнонистон, Туркияда бўлиб, дунё ижтимоий-сиёсий воқеалари билан танишди. Жаҳон афкор оммаси буюқ давлатларнинг фитнаси туфайли қанчалик фожиаларни бошдан кечираётганини кўрди ва тегишли хулосаларни чиқарди. Ғарбнинг ютуғи фанга, маърифатга қаттиқ эътибор берганини ва унинг амалий натижаларини пайқади.

Исмоилбек ўз ватандошларини қоқоқлик ва асорат, истибдод ва жаҳолатдан қутқариш ҳақида ўйлайди. Тараққиётдан тўхтаган маориф тизимини ислоҳ қилиш масаласини муваффақиятли ҳал қилади. Усули ҳадиш, яъни янги усулдаги ўқиш ва ўқитиш методологиясини ишлаб чиқади. Савтия - овоз чиқариб ўқитишга асосланган бу метод Ғаспдали номи билан атала бошлади. Қрим ва Марказий Россия туркий халқлари орасида кенг ёйилди ва тез фурсатда самарасини берди. 1884 йилда Боғчасаройда очилган биринчи савтия мактабининг биринчи дарслиги "Хўжаи субён" ("Устоди аввал") дарслиги кейинчалик яратилган бошланғич синфлар дарслиги учун намуна бўлди. Бу мактаб ва дарслик овозсиз чор ҳукуматининг қулоғига бориб етди.

1891 йилда чор ҳукумати Ички ишлар министрлигининг махсус топшириқлар бўйича чиновниги

Вашкевич деган кимсани Қримга мактаб ишлари аҳволини ўрганиш учун юборади. Бу кимса Исмоил Ғаспдалига Қримдаги мусулмон мактабларининг аҳволи ва уларни дарҳол ислоҳ қилиш ҳақида маълумот ёзиб беришни тайинлайди. Ғаспдали ушбу хатнинг бир нусхасини Туркистон Генерал-Губернатори Розенбахга юборади.

Розенбах ўз навбатида Исмоилбек Ғаспдалига "Мақтуб йўллагани учун ташаккур" билдиришни сўраб, Туркистон ўқитувчилар семинариясининг директори Н.П.Остроумов, Туркистон ўлкасининг билимдони В.П.Наливкинга ушбу масала юзасидан фикр-мулоҳазаларини баён этишни буюрди. Уларнинг ҳар иккови ҳам бу таклифга ниҳоятда салбий

монлар орасида маҳаллий мактабларда рус ўқитувчиси бўлмасдан туриб, кенг ёйиш мумкин эмас, жаноб Ғаспринскийнинг мусулмонларнинг руслардан бегоналаштирувчи истаги ҳам кўриниб турибди-ку", - дейди. Уни қўрқувга солган яна бир нарса: "Ҳозирги пайтда бизлар ғайрирусларнинг бутунлай бошқача интилишини, яъни рус маданиятининг барча афзалликларидан фойдаланиб қолиш ва унинг ёрдамида ўзларининг миллийликларини бутун хусусиятлари билан қатъий ҳимоя қилишга интилишлари".

Кўриниб турибдики, Остроумов ўз подшоси Николай-ю, Туркистон босқинчиларининг етакчиси манфур Кауфмандан ҳам ашаддийроқ

МАЪРИФАТ ДАВРИНИНГ СОҲИБҚИРОНИ

(Исмоилбек Ғаспдали ва Туркистон:
чизгилар)

жавоб қайтардилар. Айниқса, Остроумовга Исмоилбекнинг мусулмон мактабларида рус тилини ўқитиш баҳонасида мактаб ва мадрасалар ўқув тизимини ислоҳ қилиб, уларни билим юрти ёки махсус курсларга тенглаштириш ҳақидаги фикрлари ёқмайди. У Розенбахга ёзиб берган хулосасида: "... мен аввало жаноб Ғаспринскийнинг журъатига ҳайрон қолдим. Зеро, Русия чет ўлкаси - Туркистонга мутлақо алоқаси бўлмаган жаноб Ғаспринскийнинг бундай муҳим, рус давлатчилиги маъносида аҳамиятга молик масалани сиз зоти олийнинг диққатингизга ҳавола қилиши ҳайратлидир, - дейди ғижиниб. - Бу масаланинг Туркистоннинг туб аҳолисига бевосита алоқаси йўқ, номаъмурий шахс томонидан муҳокама қилиниши йўл қўйиб бўлмайдиган ишдир.

Остроумовни маҳаллий халқни руслардан узоқлашиши хавфга солади, шу боис у: "Ишончим комилки, давлат тилини мусул-

мустамлакачидир. Шу боис Туркистонни узлатда ва маърифий зулматда яшашини истайди. Исмоилбекнинг туркий халқлар тақдирини ўйлаши унга маъқул келмайди. Шунинг учун Остроумов "Миллат ходими" (Беҳбудий сўзи) Исмоилбек Ғаспдалини Розенбахга ёмон кўрсатиш учун: "Мен учун ҳеч шубҳасиз айтиш мумкин, у Россиядаги "Ёш татарлар" фирқасининг йўлбошчиси сифатида ўз таъсирини ҳатто Туркистон аҳолисига ҳам ўтказмоқчи, шуни афсус билан қўшимча қилишим мумкинми, бунда кўп нарсага улгурди, Тошкентда ҳам унинг ҳамфикрлари бор", - дейди.

Ушбу васвасали хулосалар асосида Розенбах Исмоилбекнинг мактубига "Эътиборсиз қолдирилсин" деб имзо чекилади.

Исмоилбек Ғаспдали 1893 йилда Туркистонга келади. У Тошкент, Самарқанд ва Бухорода бўлади, Мунавварқори Абдура-

шидхонов, Маҳмудхўжа Беҳбудий каби миллатпарварлар билан учрашади. Амир билан кўришиб, усули савтия мактабларини очишга розилигини олади. Аммо амир ваъдасини бажармайди.

Исмоилбекнинг сафари самараси ўлароқ Самарқандда (1893) ва Тошкентда (1901) усули савтия мактаблари очилади. 1905 йилдан эътиборан бу мактаб кенг кулоч ёзади. Беҳбудий, Мунавварқори, Авлоний, Н.Хўжаев, С.Расулий, Усмон домла Абдуҳолиқ ўгли ва бошқалар ибтидоий синфларга дарсликлар ёзиб, нашр этадилар.

Туркияда 1876 йилда ёш туркларнинг давлат йўналишидан сўнг "Мидхат конституцияси" эълон қилинади. Шундан кейин И.Фаспрати "Русия мусулмонлиги" асарини ёзиб, тараққийпарварлик ҳаракатига асос солди. У ушбу асарда Русиянинг Шарққа нисбатан прогрессив роль ўйнашини инкор этди. Шундан сўнг Д.Келдиевнинг "Муҳаммад пайғамбардир" (Петербург, 1881 й.), Боязитовнинг "Ислоннинг фан ва ғайридинларга муносабати" (Петербург, 1887) сингари асарлари пайдо бўлди. Бу асарларда пайғамбаримиз ва саҳобаларнинг шахслари ҳимоя қилинди, ислом жаҳон тараққийоти билан ҳамфикрлик қила олиши, ҳатто илм-фанни тараққий эттириш мумкинлиги тўғрисидаги фикрлар билдирилди. Бу ғоя ва фикрлар Фаспрати асарлари ва у нашр этган "Таржимон" газетаси орқали Туркистонга етиб келиб, аҳоли орасида тарқала борди.

"Ҳозирги вақтда тараққийпарварлик ҳаракатининг йўлбошчисини Туркистон мусулмонлари орасига кириб боришга уриниши кўзга ташланмоқда, – деб ёзади Сирдарё вилоят Ҳарбий губернатори 1901 йилда полиция департаментига ёзган хатида. – Исмоилбек Гаспринский ўзининг "Таржимон" газетасини бор кучи билан тарқатишга интилмоқда. Буни асосан Тошкент шаҳрида яшаётган татар зиёлиларига хат орқали мурожаат қилиш, шахсан Туркистон ўлкасига келиб, таниш орттириш йўли билан амалга оширмоқда" (Ўзб.МДА ф.11/с КТГГд.123. 37-38 б.).

Ушбу хатда Ҳарбий губернатор яна шундай кўшимча қилади: "Исмоил Гаспринский нашрига маҳаллий китоб бозорида эҳтиёж бор, у ҳам бўлса, "Таржимон" газетасига асосан обун тарзида... Шундай қилиб, татар жадидлари Сирдарё вилоятида етилган ва унчалик етилмаган зиёлилар (ижтимоий-сиёсий жиҳатдан

етилмаган дейилмоқчи - З.Э., С.А.) йўқлиги туфайли мустаҳкам мавқега эга бўлмасалар-да, аммо улар ўзларининг эътиқодларини ифодаловчи Боғчасарой матбуотини сотиб олиш билан қаноатланмоқдалар ва бунга давлат хизматида офицер, таржимон каби вазифаларда ишлаётган туркистонлик татарлар билан шахсан танишиб орқали эришмоқдалар. Мазкур шахслар воситасида "Таржимон" газетаси ҳам ўзи, ҳам болалари ўқийдиган бадавлат ўзбеклардан ҳам обуначиларга эга бўлмоқда."

Мазкур махфий хатдан чор Россиясининг Исмоилбек Фаспрати олиб борган тараққийпарварлик ҳаракатидан кўра, империя ҳудудидаги туркий халқларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий бирлашиб кетишидан кўпроқ кўрққани яққол сезилади. Негаки, ўша даврда Туркия, Туркистон, Кавказ, Марказий Россия ҳудудида яшовчи туркий халқларнинг алифбоси битта эди ва улар бир-бирларининг ижтимоий-сиёсий, фалсафий-бадиий адабиётини бемалол ўқий олар ва тушунар эдилар. Дин ва тил бирлиги мустамлакачиларнинг кўзига тушган хунук хол ва юрагидаги доимий кўрқув эди.

Чор оҳранкаси, полиция департаменти "пан-исломизм" кодли атамаси остида Фаспрати тарафдорлари ва унга ҳамфикрлар ортдан махфий кузатув олиб борди. Бу жосуслик 1917 йилгача давом этди.

Туркистон ватанпарварлари Исмоилбек гоёларини байроқ қилиб, фикрий тарқоқ халқни миллат даражасига кўтара олдилар. Жадидчилик ҳаракати, "Жадид" партиясининг ташкил этилиши ана шу фикрнинг тажассумидир.

1914 йил 12 сентябрь бутун туркий халқларининг мотам кунига айланди. Шу куни "Қиблагоҳи миллати ислом" (Сиддикий-Ажзий сўзи) Исмоилбек Фаспрати оламдан ўтди. Ўзбекнинг кўзга кўринган шоирлари, хусусан, Садриддин Айний, Сиддикий-Ажзий, Ҳамза, Тавалло, Фахриддин Рожий ва бошқалар унга атаб марсия битдилар. Маҳмудхўжа Беҳбудий таъзия ёзиб: "Марҳум ходимул миллат Исмоилбек ҳазратлари... мусулмонларни нодон қисми тарафидин изо ва жафолар чеккон... ва ҳар навъи меҳнат ва кулфатларни ўзиға раво кўруб, миллатни уйғонмоғига дунёдан, сиёсат олампидан, маданий миллатларни ҳолидан хабардор бўлмоқлари учун жисмонан ва руҳан ҳеч тинмасдан 35 сана ишлагандурлар... Тараққийот замониға ёлғиз даъват

эмас, феълан ҳаракатда бўлиб, жамияти "Хайрия" қироат хона, тараққиюни ислом, таъовун жамиятлари ва буларга ўхшаш асосларига тааллуқлик низомномалар тузатиб, халқ орасинда нашр этиб, бугун адади юзлар ила Русияда мавжуд илмий ва маданий жамиятларни барпо этгандурлар" ("Ойна". N50, 1914 йил, 1186-1187 бетлар), деб катта баҳо берди Фаспратининг фаолиятига. Бу билан кифояланмай Исмоилбек билан Туркиядаги учрашувларини ёд олиб, чоп этди. Ушбу суҳбатдан Беҳбудий қанчалик маънавий бойиғани яққол сезилади ва у қандай дўстан айрилгани ҳам билинади.

Сиддикий-Ажзий эса:

*Ижро эдан вазифасин қўл ила лисон
ила,
Нашр этди халқга мавъизасин
"Таржимон" ила.
Халқ бўлди ошно бу сабабдин
жаҳон ила
Халла этди мушкilotи
фунунининг баён ила...*

Фахриддин Рожий:

*Эй хатти жаҳолатида тулуғ
ўлон адиб,
То шаир боқидур асаринг,
бўлмадинг адам.
Азм айладингми олами болоя, ё ҳабиб!
Жисминг агарчи хоки ниҳон ўлди,
йўқ ниҳон
Равнақ тироз саҳнаъи кўнгил
эдан ото
Рухинг қулуби миллата бир
барқ жонфишон.
Эй миллатнинг қулубина бахш
айлаян зиё!
Ўлмоқ бу навъи, аҳли хирад
дер ҳаётдур!
Миллат ғамила ҳужаста ўлан
нир раҳнамо,
"Хаййи алал фалаҳ" деган
кас ҳаётдур...*

Ҳамза:

*Оҳ миллат, етди бу дам қайғулик,
ғамлик замон,
Дод қил даври фалакдан,
ботди хуршиди жаҳон.*

Тавалло:

*Эй саодат юлдузи, ботдинг қаёнга
сан букун,
Хира ўлди барча олам, билмадук
бутунми, кун,*

– деб нола чекди. Бу ўзбек халқининг Исмоилбекка бўлган қалб эҳтироми эди. Зеро, миллат уни ўз фарзанди деб билди, шу боис уни ҳеч унутмади ва унутмас. Чунки у амалга оширган ишни минг-минг паҳлавон қила олмас эди. Бу тарихий ҳақиқат.

**Зухра ЭШМУРОДОВА,
Сирожиддин АҲМАД.**



Уйғур, ўзбек халқи, асосан, Олтой тили системаси, яъни туркий тиллар оиласига мансуб бўлиб, улар ниҳоятда яқин, қариндош тиллар ҳисобланади.

Уйғур, ўзбек халқлари ўзларининг узоқ тарихий тараққиёти жараёнида Ўрта Осиё минтақасида муҳим ижтимоий фаолиятлари билан тарихнинг заррин саҳифаларидан муносиб ўрин эгаллаб, инсоният маданиятига мангуга ўчмас тухфаларини кўшган халқлардир.

Уйғур халқи Тангригоё, Торим бўйларидagi қадимий шаҳарлар, Ёркенг, Хўтон, Кўрла, Оксуб, Кучо (Кўсан), Қорашаҳар (Кингит), Бешбалиқ (ҳозирги Урумчи), Элбалиқ, Жилисар каби қатор кўпгина шаҳарлар билан Ўзбекистондаги Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Андижон, Наманган, Қўқон, Марғилон, Хива, Урганч шаҳарлари, қадимий Шарқ-Хитойдаги марказий шаҳарлар – Чаньон, Лўянг, Хонгжу, Супиз, Пекин каби шаҳарлардан Фарбога – Буюк Рим империяси, Усмонлилар империяси, хаттоки, Оврупо ва Африканинг фарбдаги элларигача қатнайдиغان савдо йўли (Ипак йўли) бўйидаги маърифат-маданият ютуқларини ўзаро алмаштирадиган масканларга жойлашган.

Уйғур халқи ва ўзбек халқи ўзининг узоқ тарихий тараққиёти жараёнида, ўзаро борди-келди қилиб, маданий ҳамдаст, ҳамкорликда келганлар. Шунга кўра ҳам уларнинг тиллари, урф-одат, кийим-кечаклари, санъатлари, чирою, шакл-шамойиллари ҳам бир-бирига бенихоёт ўхшаб кетади.

Уйғур, ўзбек халқлари бир эт, бир тирнокдек ажратиб бўлмайдиган қариндош миллатлар бўлганимиз учун тарихан узвий боғланиб келган ва ҳозирда ҳам худди шунайдир. Ўзаро бир-бири билан жуда яқин бўлган бу хил алоқалар уйғур халқ кўшиқларига ҳам кўчиб, уларда ўз ифодасини топган:

*Сени Андижонда деб эшитиб,
Белимни қамиш-ла боғладим маҳкам.
Сени келмайди деб эшитиб,
Биёбон чўлларда кездим, бўзладим
ҳар дам.*

*Боқарга йўллинг бўлсин,
Қизил гул ҳамроҳинг бўлсин.
Сенингдек нозанин ёрға,
Менингдек қулларинг бўлсин.*

Уйғурларда бўлган мусиқа чолғуларлари - дутор, танбур, рубоб, қонун, сатор, чапч, сипоний, фижжак, най, сурнай, ноғора қабилар икки қардош халқларнинг маънавий-эстетик қадриятлари муштараклигидан далолат беради.

“Шарқ мусикасининг гавҳари” деб аталган уйғур ўн икки мақомининг кўшиқ матнлари билан ўзбек мақомларининг кўшиқ матнлари ўзбек халқининг атоқли классик шоири Алишер Навоийнинг, шунингдек, Лутфий, Саккокий, Хўжа Хофиз Шерозий, Хувайдо, Сўфи Оллоёр, Бобораҳим Машраб қабиларининг ғазаллари асосида яратилган. Мана бу ҳол икки қариндош миллат халқ санъати манбаларининг ўхшашлигини ёрқин исботлайди. Ўзбек мақомларининг номлари ҳам уйғур мақоми номлари билан айнан ўхшаб аталиб келинмоқда. Хаттоки ўзбек мақомларининг бири бўлган “Чоргоҳ”ни ўзбек халқи уйғур халқининг қадимий шаҳри Қашқарни хурматлаш сифатида “Чоргоҳ муқомининг қашқарчаси” деб атаган. Унинг матни эса қуйидагичадир:

*Телмуриб қон йиглаб мен ошиқона
кўз тутай,*

*Юзи гул лайли - лаби бемул
жону-жону кўз тутай.*

*Ўйнашиб келган санамдай, эй
улусман, айла кўз,*

*Интизорда қалам шоҳи замонамо
кўз тутай.*

*Ким сабаб гўёнидин топти кўнгул
ҳар дам вафот.*

*Ҳар сўзидур бир насих, ширин
забона кўз тутай.*

Уйғур халқ кўшиқларининг айрим-

лари ўзбек халқида ҳам узоқ йиллардан буён оғиздан-оғизга кўчиб келмоқда. Ёрим билан иккимиз бир маҳаллада

*улайган,
Бошида ваъдамиз шундай
айрилмасликка дўст бўлган.*

*Зимистон кўрмаган булбул
баҳорнинг қадрини билмас,*

*Жафони чекмаган ошиқ
вафонинг қадрини билмас.*

Куйидаги ўзбекча кўшиқ текстига эътибор берайлик:

*Сизни излаб ўргилай, чўлларни кездим,
Ўшал кезган чўллар ўргилай*

*бўстон эмасму,
Сизни жонингиз мен ўргилай,*

*жоним эмасму,
Менинг жоним, сизга ўргилай,*

*қурбон эмасму!
Бу халқ кўшиғининг уйғурча матни
қуйидагичадир:*

*Сенинг жонинг, менинг жоним бир жон
эмасму,*

*Сенинг учун менинг жоним қурбон
эмасму!*

Юқоридаги ўзбекча кўшиқ матнларининг бошидаги мисралари уйғур халқ кўшиқларининг маҳаллий вариантларига ўхшаб ноз-карашма фаркланса-да, лекин охириги мисраларидаги матн ўхшашиб кетади.

Баъзи уйғур, ўзбек халқ кўшиқлари икки миллат учун фарқсиз ҳолда ўхшаб кетади. Масалан:

*Ёрим кетаман дейди, мен кеткизгани
қўймайман,*

*Олдида минор солиб, ўткизгани
қўймайман.*

Шунингдек, айрим ўзбек халқ кўшиқлари анча замонлардан буён уйғурлар орасига унинг ўз кўшиғидек сингиб кетган. Бу кўшиқларни икки халқ ҳам бирдай куйлаб келмоқда:

*Наманганинг кўчаси тор
деб эшитаман,*

*Ўз бўйимга муносиб ёр деб йиғлайман.
Наманганинг олмаси кузда*

пишдимۇ ёр,

*Ҳамма кишининг кўзлари
сизга тушарму ёр.*

Уйғур кўшиқлари матнлари асосида айтилаётган уйғур-ўзбек кўшиқларидаги ўхшашликни яна куйидаги мисралардан ҳам кўриш мумкин:

*Бўйингдан ўргилай ёрим, қўлингга
сув қўлай ёрим.
Қўлингга сув қўёлмасам шахид
бўлмай жоним.*

*Кизариб танга сизмасман,
магар кўрсам жамолингни,
Жамики оламга бермасман, сенинг
бир дона холингни.*

Уйғурчада охириги бир мисрада бундай куйланади:

*Жаҳон аҳлига бермасман
сенигдек жўраҳонимни.*

Уйғур, ўзбек халқлари куй-кўшиқлари суювчи, шайдо халқ бўлибгина қолмасдан, балки нозик-нафис, ларзон рақслари билан ҳам шухратлидир.

Уйғур ўн икки муқоми марғулларининг ҳар қайсисига ажойиб нафис сеҳрловчи кучга эга мафтункор рақсларни қайд этиб ўтиш мумкин. Уйғурларда Қашқар санам, Кўрла санам, Кучо санам, Қумул санам, Илм санам каби бир қадар теран мазмули рақслар бор. Бу рақсларни халқимиз ниҳоятда эъзозлабгина қолмасдан, балки ўзбек халқининг Дилхирож, Чўли Ирок, Тановор, ним (пада) парда каби рақс пардалари уйғурлар ичида кенг умумлашгандир.

Уйғур, ўзбек халқларининг ҳар иккаласида анъанавий халқ тўй-тўқинларида айтиладиган кўшиқ-ўланлар бор. Айниқса, тўй маросимлари жуда ҳам ўхшаш кетади. Тўй баъзи - халқ санъати томошалари бўлиб, унда ногора-сурнайлар янграб, наъма-наволар авжига чиқади. Киз-йигитлар бири-биридан ўзиб, шўх пардаларга жўр холда ўйинга тушадилар. Тўйга таширф буюрган меҳмонлар тўйнинг ҳурмати учун ўйнаётган кишининг бошидан пул ўгиради.

Уйғур, ўзбек халқларининг оғзаки адабиёти - санъатида ҳам ўхшашлик ниҳоятда кўп. Уйғур, ўзбек халқ эртақларининг кўп қисмида ҳам худди шундай умумий ўхшашликлар бўлибгина қолмай, балки классик халқ достонлари, жумладан: "Тоҳир-Зухра", "Ғариб-Санам", "Вомиқ-Хузро", "Лайли-Мажнун", "Фарход-Ширин", "Равшанхон", "Юсуф Аҳмадбек" ва бошқа қатор кўпгина халқ достонлари ҳам икки миллат томонидан бирдай эъзозланиб, дўстлик кўприги сифатида дилдан-дилга ўтиб хизмат қилиб келмоқда.

Энди бу икки қардош миллатларнинг тил шевалари, кўшиқ-музыкаларидаги фарқларнинг мавжудлиги тўғрисида ҳам озми-кўпми тўхталиб ўтиш лозим.

Бирор миллатнинг ўз ичида ҳам айрим тил шеваси фарқлари бўлганидай, кўшиқ-музыкаларида ҳам ана шундай табиий холда фарқ мавжуд бўлади. Масалан, қашқар халқ кўшиқлари билан Или халқ кўшиқлари, Кучо халқ кўшиқлари билан Қўмул, Турфон кўшиқларининг ўзаро фарқлари бўлибгина қолмай, балки қолғу асбобларида ҳам шундай озми-кўпми тафовут мавжуддир. Шунинг учун уйғур, ўзбек ўхшаш кўшиқларида ҳам баъзи бир ўзига хослик мавжуд. Бу хил фарқ тил товушларида, мусика оҳангларида ўз ифодасини топади.

Масалан, уйғур кўшиқлари ўзбекларникидан товуш ва оҳанг урғуларида яққол кўришиб туради. Чунки уйғурлар асосан қадимдан шимолда Олтой, Тангри тоғ бағридан тортиб, Торим водийлари бўйлаб, бепоён Танлимақон қумлиқларининг этаклари, Қорақурум, Помир тоғларининг ёнбағирларида фаолият олиб боргани учун, уларнинг кўшиқлари юқори овозли, жарангли тус олган. Бу кўшиқлар кўпинча кенг далалар, яйловлар, анҳору жилғалар бўйларида йиғим-терим паллалари, хирмоида, ойдин кечаларда сув боғлаганда, узок масофаларга қилинган сафарларда айтишга мослашган. Шу сабабдан уйғур кўшиқларида товуш оғзининг олдига урилади. Ўзбекларда эса сайраёҳат, қўнғилочар жойлар, чойхона, меҳмонхона, айвон ва шийпонларда қисқаси, хурсандчиликларда ижро этиш эҳтиёжидан товушлар димок ва танглайга урилади. Сўзлар энгил, силлик чиқади.

Уйғур кўшиқларининг кўпчилигида дўстлик, биродарлик, вафодорлик, ишқ-мухаббат, инсонийлик, хижрон, жафо-машаққат, бахтсизликлар устидан шикоят қилиш, хаётга умид билан қараш, орзу-тилақлар зўр маҳорат билан ифодаланади.

Ўзбек кўшиқларида ҳам юқоридагидек мазмулар ниҳоятда фалсафий, теран маънода ифодаланибгина қолмай, балки гўзал ғоя, соф мухаббат ва шу йўлда фидойилик билан изланиш, гўзал шеърин тил, мунгли мусика ила силлик, энгил сеҳрли нидола ижро этилиб, эшитувчиларнинг кўз олдида ажойиб гўзал манзараларни жонлантиради. Кишилар кўнглини хаёлий ширин дунёга бошлай-

ди. Кўшиқ ва мусиканинг сирли, сеҳрли кучи эшитувчиларни маст қилиб юборади.

Демак, уйғур, ўзбек халқларининг маънавий дунёсидаги, айниқса, санъат оламидаги муштараклик бу қаринош икки миллатнинг тарихий таракқиёт жараёнида яқиндан алоқада бўлиб келганлигини, бири-бирининг маънавиятини тўлдириб, бойитиб, Ўрта Осиё маданияти тарихида алоҳида ўрни тутишидан далолат беради.

Мусика - инсон маънавияти ва онгини юксалтиришда ниҳоятда катта аҳамиятга ва имкониятга эга.

Шинжон уйғур мактабларида болаларни бадний ва эстетик тарбиялаш мақсадида ҳафтасига 2 соат мусика дарси ўтилади. 45 дақиқа ичида нотани ўқиш, унинг назариясини ўрганиш, умумий хор, икки киши бўлиб кўшиқ айтиш машқ қилинади. Олдин шуларни пухта ўрганиб, овоз йўллари мустаҳкамланади. 2-3 синфда ўқиётган бола нотани танийди, ўз овозини жиловлай олади. Болалар байрами ва турли тадбир, ташкилий фаолиятларда мустақил кўшиқ айтиб чиқадилар. Баъзилари мактабнинг мусика дарсида ўрганган кўшиқларини ижро этса, баъзилари хақиқий халқ кўшиқларидан катта кўшиқларни, мақомларни ҳам айтишга уринадилар. Демак, мусика ва кўшиқ унинг болалигидан қалбига чуқур ўрнашиб қолганлигидан дарак беради. У фақат болалар ашуласини эмас, катта ёшдаги кишилар - ашулачилар каби халқ кўшиқларини ҳам муқамал ижро эта олади. Уйғурларнинг қонига сингиб кетган "сайраб" ва "само"лар, кўшиқ ва рақслар, сўз ўйинлари, цирк ўйинлари болалар қалбида чуқур из қолдиради. Оиладаги гап ўйинлари ҳам эстетик тарбия беришнинг муҳим омили ҳисобланади. Бундай ўйинларда табиий ижро усуллари амалга оширилади ва халқ орасида етук санъаткорлар кўплаб етишиб чиқади. Мактабдаги мусика дарслари нафақат болаларни эстетик тарбиялайди, балки уни ҳар томонлама камол топишида ҳам эстетик тарбия воситаси бўлиб қолмасдан, ақлий ва ахлоқий жиҳатдан ҳам тарбиялайдиган омилдир.

Уйғур автоном районлари бошланғич мактаблар дарсларида мусика ва санъат маънавий маданиятнинг муҳим тури сифатида қаралади. Чунки эстетик тарбияланган инсон ўз юртининг жамолини куйлаб, қамолни юксалтириб, Ватанининг номини жаҳонга таянтиради.

Сўнги йиллардаги Ўзбекистон театрлари, хусусан, пойтахтимиз

Тошкент театрларининг репертуарларини кўздан кечирар эканмиз, бир нарса кишини ўйга толдиради: саҳналаримизда кўрсатилиб турган асарларнинг қанчаси бугунги истиқлол замони талаби даражасида, бугунги кунга ҳамнафас-у, эртанги кунимизга ҳам хизмат қила оладими? Шу ўринда “яхши драматик асарлар кам яратилаётган бўлса, театрлар бориға қараб тўн бичишға мажбур-да” дейишлари мумкин. Лекин бундай фикр билдирувчилар, афсуски, “бори” деганларида ўтган бир-икки йил ичида ёзилган пьесаларни назарда тутадилар. Бизнингча, бугунги ўзбек театри репертуарини шакллантиришда фақат сўнги йилларда ёзилган пьесалар билан чегараланиш тўғри эмас. Яхши асарлар момақалди роқдан кейин бодраб чиққан қўзиқориндек ялпи пайдо бўлавермайди.


Ўзбек драматургияси хазинасида истиқлол даври ғояларига ҳамоҳанг, замонимизда ўртага қўйилаётган мақсад ва вазифаларни ҳал қилишға ҳисса қўшадиган асарлар ҳам анчагина топилади. Ана шундай асар яратган муаллифларимиздан бири ёзувчи ва драматург Абдуқаҳҳор Иброҳимовдир. Академик адиб Комил Яшиннинг “Ижодкор сифатида тўла шакланган, ҳаёт материалига ўзига хос маҳорат билан ёндашадиган, ўзига хос ёзиш услубига эга бўлган, “Мени айтди деманг”, “Сочқи”, “Зўлдор”, “Бу замон ўғлони” каби пьесалари билан алақачон ўзини яхши намоён қила олган Абдуқаҳҳордек драматургни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим.” (Ўзбекистон маданияти”, 1980 й, 4 ноябрь) деган сўзлари, профессор Озод Шарофиддиновнинг (“Шарқ юлдузи”, 1987 йил, 6 сон, “Иллатларға ўт очиб”) “Абдуқаҳҳор Иброҳимов асарларининг қиммати шундаки, у бизни ўзимиз кўниккан ҳаётға янгича назар билан қарашға ундайди, ўз-ўзимизға унча бино қўймас-



ДРАМАТУРГИЯ

Камола ИБРОҲИМОВА

ЮКСАК АХЛОК УЧУН



ликка, ўз-ўзимизға ҳаддан зиёд маҳлиё бўлиб кетмасликка чақиради. **Муаллиф жуда юксак ижтимоий-эстетик идеалға эга** (Таъкид бизники. - К.И.) ва ҳаётда шу идеалиға мос келмайдиган ҳар қандай иллатни том маънодаги... эҳтирос билан фош этади” деган фикрлари ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад драматург А.Иброҳимов маҳорати сирларини юксак баҳолагани ҳам бежиз эмас. Устоз “Ҳали олдинда оппоқ тонглар бор” деган мақоласида шундай деб ёзади: “Асар айтилмай қолган (ёки айтолмай қолган) бир оғиз сўз тўғрисида. Мана шу томошабинға номаълум бўлган сўз (эҳтимол у зарур гапдир, эҳтимол жўнгина бир гапдир) баҳонасида автор қатор хилма-хил одамлар галереясини яратди. Томошабин пардамапарда турли хил фикрловчи кишиларға рўпара келади. Бири лоқайд, бири ўз манфаати билан овора, бири амалиға ёпишиб олган, бири мол-дунё йиғиш гамида юрган кишилар сувратини чизиб беради.

Мана шу одамлар ҳали айтилмаган бир оғиз сўз атрофида

айлантирилади.

Пьесада асосий қаҳрамонға алоқаси бўлмаган биронта шахс йўқ. Ҳар бирининг айтадиган гапи, қилиғи, ҳаракати асосий қаҳрамондан узилиб қолмайди. Уларнинг гап-сўзлари, қилиқлари қаҳрамон характерини очишдан ташқари ўз қиёфаларини ҳам очишға хизмат қилади.

Абдуқаҳҳорнинг “Тусмол”ини ўқиб туриб Чеховнинг “Ғам” ҳикоясини эсладим. Чехов замони бошқа, у айтмоқчи бўлган гап бошқа. Одам боласининг ичида туғён қилган гап уни қанчалар безовта қилиши, ич-ичини ўрташи Чеховдек буюк санъаткор қаламидан ғамли бир қўшиқ бўлиб тўкилган эди.

Абдуқаҳҳор бошқа давр кишиси, у қаламға олган ва айтмоқчи бўлган гап бошқа. Бироқ у ўзига мавзу қилиб танлаган воқеани чеховчасига маҳорат билан баён қилишға урингани мени жуда қувонтирди.

“Тусмол” драматургиямизда янги гап (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1989 йил, 18 август).

Драматург Абдуқаҳҳор Иброҳимов ижодига берилган

шунга ўхшаш баҳоларни АҚШ, Германия, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Озарбайжон, Украина, Молдавия, Эстония каби чет эл нашрларида ҳам ўқиш мумкин. Шунингдек, рус драматурглари Николай Вирта, Исидор Шток, Виктор Розов, Афанасий Салинский, таниқли адабиётшунос ва санъатшунослар Виталий Озеров, Инна Вишневская, Владимир Пименов, Александр Рыбник, Евгений Сидоров ва бошқалар у ҳақда ажойиб фикрларни билдиришгани адабий жамоатчиликка маълум.

Абдуқаҳҳор Иброҳимов драматургиянинг деярли барча жанрларида ижод қилади. Масалан: “Биринчи бўса” – лирик драма, “Бу замон ўғлони” – драма, “Арра”, “Тўйдан олдин намоиш ёхуд Сочқи”, “Мени айтди, деманг”, “Зўлдор” ва “Майли, майли” – сатирик комедия, “Тусмол” ва “Пуч” – трагикомедия, “Чакана савдо” (“Бир ўликка-бир тирик”) сиёсий памфлетдир. Бу ҳол ҳам муаллифнинг профессионал маҳорати бойлигини, драматурглик истеъдодининг серқирралигини кўрсатувчи далиллардир.

“Чакана савдо” пьесаси жанр эътибори билан сиёсий памфлетдир.

Асарнинг сюжети кескин. Унда муаллиф ҳозирги замондаги айрим сармоядорлар дунёсининг, пул билан ҳамма ва ҳар қандай ишни қилиш мумкин, деювчи кишиларнинг ахлоқини, пулдорлар тўдасининг ижтимоий иллатларини фош этади ва бу ҳолатга қарши бонг уради, жаҳон жамоатчилигини ундай кимсаларнинг қилмишларига қарши курашишга, ҳушёрликка, номақбул ахлоқий қарашга қарши туришга, унинг кенг ёйилиб кетмаслигининг олдини олишга чорлайди. Бу борада муаллиф рамзлар билан иш кўради, муболага усулларида ўринли фойдаланади.

Жамоатчиликка аёнки, тиббиёт олимлари жарроҳликнинг янги соҳаси бўлмиш трансплантология – инсоний тўқиманинг бир қисми ёки инсоннинг бутун бир аъзосини

бошқа бир кишига кўчириб ўтказиш соҳасида ғайриинсоний ишларни қилмоқдалар. Ер юзининг турли мамлакатларида минглаб кишига буйрак, юзлаб кишига юрак ва жигар кўчириб ўтказилади. Демак, тиббиётда янги давр бошланди. Лекин... Ҳамма гап ана шу “лекин”да! Кашфиёт ва ихтироларнинг ўз ҳолича яхши-ёмони бўлмайди. Улардан инсон бахт-саодати йўлида ҳам, унга қарши ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, Альберт Эйнштейн эҳтимоллик назариясини кашф этиши натижасида термоядро реакцияси ва термоядро қуроли вужудга келди. Ваҳолонки, бу кашфиётдан шўр сувни ичимлик сувига айлантириш воситаси сифатида ҳам, қирғин қуроли сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Демак, у ёки бу мамлакатдаги мавжуд тузум, унинг тепасида турган кишилар олимнинг кашфиётидан қандай ва қайси бир мақсадда фойдаланишни белгилайди. Бундаги энг катта хавф шуки, ёвуз кишилар ўзаро келишиб олсалар, меҳнаткаш халқнинг шўри қурийдир. Ҳар нафасда пул ҳукмрон бўлган муҳитда трансплантология фани инсоннинг фойдасига эмас, балки зарарига ишлаш хавфи тобора кучайиб бормоқда. Барча тараққийпарвар кишилар ҳақли равишда бу хавфдан ташвишланмоқдалар. Инсонпарвар Иброҳимовни ташвишга солган ва қўлига қалам олишга ундаган нарса ҳам айнан шу ҳодисадир.

Ер юзидаги улугвор зот – яхши Инсон ва унинг ҳаётидир. У пулдорми ёки оддий фуқароми, қатъи назар, дахлсиз бўлиши шарт. “Чакана савдо” асарининг қиммати ҳам ана шунда.

Асар дастлаб “Бир ўликка – бир тирик” деб аталган. Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят давлат мусиқали драма ва комедия театрида режиссёр Мансур Равшанов томонидан қўйилган спектакль ҳам “Бир ўликка – бир тирик” деб аталади. Бундай номланиш пул мутлоқ ҳукмрон муҳитда бир пулдор кимсанинг бахти иккинчи бир пулсиз кишининг бахтсизлиги устига қурилиши мумкин, деган гояни тўлиқроқ талқин қилади.

Шу пьеса асосида “Ёш гвардия” (ҳозирги Аброр Ҳидоятлов номидаги) драма театрида режиссёр Наби Абдураҳмонов сахналаштирган спектакль эса “Чакана савдо” деб аталди. Тўғри, иккала ном пьесанинг мазмунига мувофиқ келади. Бироқ, бизнингча, “Бир ўликка – бир тирик” деган ном “Чакана савдо”га нисбатан жиддийроқ ва асар моҳиятини теранроқ ифодалайди. Пьеса бош қаҳрамонлари ва персонажларнинг исмлари мажозий равишда шаҳарлар, қишлоқлар, собиқ концентрацион лагерларнинг номлари билан аталиши ҳам шунга тақозо этади. Масалан, салбий қаҳрамонларга Освенцим, Бухенвальд, Аттика номлари берилган. Хиросима, Нагасаки, Абу Забал, Бельфаст, Сонгми номларида биз афкор омма вакиллари кўрамыз. Асар қаҳрамонлари ва персонажларни бирор миллат ва элатга хос исм билан эмас, балки XX асрда мудҳиш воқеалар содир бўлган айрим жойларнинг номлари билан аталиши пьесада кўтарилаётган муаммо, бу бир халқ доирасидаги хавфгина эмас, балки бутун инсониятга дахлдор эканига ишорадир.

Асар персонажлари исми замиридаги фожеалар кўз олдингиздан бир бор ўтар экан, дунёнинг қайси бир минтақасида яшашингиздан, қайси ирқу миллатга мансуб эканингиздан қатъи назар ҳушёр тортасиз. Зотан, инсониятни юксак инсоний ахлоқ сақлаб қолади. Хуллас, “Бир ўликка – бир тирик” сиёсий памфлети умумбашариятга доир ахлоқий муаммолардан баҳс этади, бадиий образлар орқали тасвирлайди.

Ер юзида ядро қуроли мавжуд экан, сайёрамиз хатарнок бўлиб қолаверади. Олимларнинг буюк кашфиёт ва ихтироларидан, “Бир ўликка – бир тирик” асарида илгари сурилганидек эзгу мақсадлар йўлида фойданилганидагина юксак инсоний ахлоқни сақлаб қолинади. Бу олам дарди – драматург Абдуқаҳҳор Иброҳимов қалбидаги эзгу дард.



Ориф Алимахсумов ва Ортиқхўжа Имомхўжаев (1960 йил).

Сиз кутган учрашув

ИТИҚЛАР - РУХНИ
ҚУШИҚ - МУШҚА
ОЗУҚА

Ўзбекистон халқ
артисти Орифхўжи
АЛИМАХСУМОВ билан
мулоқот

Халқимиз маънавиятини сеҳрли оҳанглар ила бойитаётган Орифхўжи Алимахсумовнинг сержило ва сертуйғу хонишларини мухлислар интиқлик билан кутадилар. Яқинда мухбиримиз у кишининг ҳузурларида бўлиб, қўшиқ санъати хусусида суҳбатлашди.

— Орифхўжи ота, мумтоз қўшиқчилик санъати ва мумтоз ғазаларимиз, уларга басталанган мусиқа, поёб овозлар, ёш истеъдодлар ҳақида суҳбатлашсак. Сиз кимларни поёб овоз соҳиблари деб ҳисоблайсиз?

— Узоқ ўтмишга эга бўлган мумтоз мусиқа меросимиз асрлар оша ўзининг гўзал намуналарини, анъаналарини сақлаб келаётганлиги — бу санъатнинг ҳар томонлама мукамал ва бой имкониятларга эга эканлигидан далолат беради. Мусиқа меросимизда халқимизнинг кўп асрлик ўтмиши, қадриятлари, анъаналари, маънавияти ва руҳияти каби қатор тарихий жиҳатлар ўз мужассамини топган.

Мулла Тўйчи ҳофиз репертуарининг шоҳ асарларидан бири Алишер Навоийнинг “Қаро кўзум” ғазали асосидаги “Ушшоқ” ашула-сига диққат қилинг:

“Қаро кўзум, келу мардумлиг эмди,
фан қилгил,

Кўзум қаросида мардум каби
ватан қилгил”,

матлаъли мазкур ғазал ўзининг ниҳоятда теран мазмуни, моҳирона бадий ифодаланиши билан ҳам куйга жуда мос тушган. Мухлислар унинг сеҳрли қўшиғини тинглар эканлар, ғазалнинг ҳар қайси байтида мужассамлаштирилган чуқур мазмунни англашга интилади. Ундаги чуқур фикрлар мазмунини чақар эканлар, Навоий қаламининг қудратидан ҳайратга тушади. Куй сеҳри, шеър қудрати, ҳофизнинг ижрочилик санъати — жозибали ва пурвиқор овоз қўшиқни чинакам санъат мўъжизасига айлантирган эди. Шуниси қизиқарлики, ҳофиз ғазалнинг сўнгги байтини бир оз ўзгартириб

Навоий, анжумани шавқ аро наво
тузсанг,

Анинг бошоғлиғ ўқин шамъи
анжуман қилгил,

тарзида куйлаган. Биласизми, қизим, бу қўшиқни буюк ҳофиздан кейин ўнлаб санъаткорлар ижро этишди, аммо ҳар бирининг ижроси ўзига хос бўлиб, у кишиникига барибир етмайди.

Ҳаётда тахассуб деган бир яхши нарса бор. Одам кимнидир яхши кўради, кимгадир тақлид қилади. Биров Тўйчи ҳофизга, биров Ҳожи

Абдулазизга. Шуларга эргашаётганларнинг маънисини ҳам фақат хайрли ишларга ундайди. Масалан, мен ёшлигимда Карим Зокировга, Турғун Каримов, Акбар қори ва Эшмат Ҳайдаровларга ўхшашга ҳаракат қилганман.

У вақтларда микрофон йўқ эди. Ўша кезларда катта-катта давраларда қўшиқ айтсак ҳалойиқ ҳатто йўталмасди ҳам. Одамларнинг бутун вужудлари қўшиққа сел бўларди.

Домла Ҳалим Ибодовнинг овози ўта ноёб эди. У овозини аёл кишининг овози пардаси даражасигача еткази оларди. Ҳатто тумов бўлса ҳам бир парда юқори кўтарарди. Назаримда унинг овозидек овоз Ўзбекистонда бошқа такрорланмади. Ҳожи Абдулазизнинг овози ҳам ноёб. Бу ҳақда Мулла Тўйчи Тошмухамедов Ҳожихон Болтаев ижросига тан бериб шундай деган: “Ҳожихон, сен бир “Сувора” куйлагил, токи мен йиглаб-йиглаб тинглай. Ваҳ-ваҳ, сенинг шавқли хонишларингни кўз ёш оқизмай тинглаган бани одам топилармикин?” Кўрдигизми, унинг хониши шу қадар таъсирчан бўлган.

Айни кунларда уларнинг издошлари - ноёб овоз соҳиблари деб Маҳмуджон Йўлдошев, Маҳмуджон Тожибоев, Раҳматжон Қурбонов, Машрабжон Эрматов, Эркин Рўзиматовларни айтиш мумкин.

— *Буюк истеъдод эзаси, аср мақомдони, академик Юнус Ражабий агар ҳаёт бўлганларида бу йил 101 ёшга тўлган бўлар эдилар. У киши ҳақида гап кетганда “Назаридан куй, бармоғидан оҳанг томган” дейишганини эшитганман.*

— Ўзбек мусиқа маданияти, меросини келажак авлодларга етказишда, замона мусиқасини, қўшиқчилигини бойитишда ажойиб инсон, моҳир мақомдону бастакор, созанда, академик Юнус Ражабийнинг хизмати беқиёсдир. Юнус ака билан ўн тўққиз йил ёнма-ён юрдим, санъатларидан, билимларидан баҳраманд бўлдим. Ниҳоятда мураккаб сўзларни тўғри талаффуз этганимда, “Ўлманг!” дея елкамга қоқиб қўярдилар. У киши “Ўзбек халқ мусиқаси” деган бешта китоб ёзган бўлсалар, бешинчи том мақомга бағишланган эди. 30 йиллик умрларини китоб яратиш ишига бағишладилар. Доим ўнг қўлларидан мен, чап қўлларидан Берта Давидова ўтирардик. Юнус Ражабий бағри кенг, ўз ишининг билимдони эди. Улар 1926 йилгача Ҳожи Абдулазизнинг меҳмонхонасида истиқомат қилганлар ва уларга найчи бўлганлар. Сўнг Тўйчи ҳофизга ҳамнафаслик қилганлар. Устоз Тўйчи ҳофизнинг ре-

пертуарининг ҳаммасини билган. Агар бирор жойда хатога йўл қўйсак, дилимизга озор етказмасдан тушунтиргувчи эдилар.

— *Инсоннинг хотирасида баъзи бир кунлар шундайин муҳрланиб қоладики, тоабад унутмайди. Ана шундай кунлар сирасига мен дастлаб қўшигингиз радио тўлақинлари орқали жаранлаган кунни киритардим. Умуман олганда хотирангиздан ҳеч шикоят қилганмисиз? Баъзан санъаткорлар хотирангизнинг фаромушлигидан шикоят қилиб қолишади.*

— Ҳа, инсоннинг хотираси худди тарих дафтарига ўхшайди. Биринчи бўлиб радио тўлақинлари орқали овозим янграшида Фаҳриддин Содиқов ёрдан қилганлар. 1956 йилда пахтакорларимиз пахта режасини бажарганликлари муносабати билан “Тўй муборак!” қўшигини ижро этгандим. Шундан кейин бирин-кетин “Гуллар водийси”, “Яшил қишлоқ” каби қўшиқларим мухлисларим ҳукмига ҳавола этилган.

Хотирамга келсак, бир пайтлари икки марта эшитган нарсамни учинчи марта ёд айтиб берардим. Ўша 50-йилларда мени “Маҳсум дафтар” дейишарди. Тенгқурларим унутган сўзларини мендан тез-тез сўраб туришарди. Халқ дилига тушган барча қўшиқларни хотирамда сақлардим. Ҳатто баъзи ҳамкасбларим катта саҳнадан туриб мимика билан сўрашарди, ана шундай усулда жавоб қайтарганман. Мақом ансамбли ташкил бўлгунга қадар Ортиқхўжа Имомхўжаев менга ҳамнафаслик қилганлар. Улар бирмунча кексайган бўлишларига қарамай овозлари ўткир эди ва мен билан пардага бемалол муомала қила олардилар.

— *Ойнаи жаҳон орқали намойиш этилаётган концертларнинг деярли барчаси фонограммага ижро этилади, яъни овозлари олдиндан ёзиб олинган. Назаримда жонли овозга ҳеч нарса етмайди. Сизнингча хонандага фонограмма керакми?*

— Фонограмма - ашуланини ўз устидан ишлатмайдиган, масъулиятини сусайтирадиган нарса. Айниқса, ёшларимиз Европага тақлид қилиб бир ёздириб қўйишадиди, ялло қилиб юраверишади. Ашулани чор-атрофида ўтирган одамларга қараб айтиши керак. Ахир ён-верисида қариялар ўтирган бўлса, “Сен онангни рози қил!” деб турса?!

Фонограмма керак эмас, деб ўйлайман. У бўлмаса хонанда овозини сақлашга ҳаракат қилади, кечқурун халқнинг олдига чиқаман дея мазабемаза нарсалардан ўзини тияди. Катта саҳнага чиқадиган артистлар

ўзларининг ўтган сафарги концертда йўл қўйган хатоларини тўғрилайдилар. Овоз ёзиб олинганидан кейин эса хатони тўғрилашнинг имконияти йўқ. Санъаткор ўз овозининг нимага қодирлигини билса, эл олдида ҳеч қачон уялиб қолмайди.

— *Қўшиқлар ҳам худди фарзандингизга ўхшаш ҳар хил - дардли ва дардсиз бўлади. Дардли қўшиқ юракнинг тубидан ёниб чиқади. Сиз қўшиққа қандай таъриф берган бўлар эдингиз?*

— Қўшиқ - бу инсоннинг руҳий озуқаси. Инсон турли ҳолатда бўлади. Қўшиқ одамга куч-қувват ва илҳом бағишлайди. Эшитувчилар ҳам ҳар хил бўлади - биров мусиқага, биров сўзига, биров классикага, биров эстрадага мойил. Бир сўз билан айтганда, қўшиқ - инсоннинг турли кайфиятларида унга йўлдош бўлади. Шунингдек, бастакор маҳорати ҳам қўшиқчилик санъатида катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон халқ артистлари Фанижон Тошматов, Тўхтасин Жалилов, Комилжон Жабборов, Саиджон Калонов, Юнус Ражабийларнинг меҳнатлари қўшиқ санъатимизнинг умрбоқийликка, абадийликка юз тутишида катта рол ўйнади.

— *Мухлисларингиз энг сеvimли қўшигингизни куйлаб беришни сўрашса, қайси қўшиқни куйлар эдингиз?*

— Мухлисларим суйиб тинглайдиган, жон қулоқларини бериб эшитадиган “Сўлим” ва “Чўли Ирок”ни куйлардим.

— *Ёрни ойнакдан қаранг, ноз уйқуда ётганмикин?*

— *Ёки қилғон нолишим уйқудан уйғотганмикин?*

Кўпчилик бу қўшиқни “Сўлим” деб аталишини билмайди, аммо сатрларини айтиб юргувчилар талай. Бу қўшиқ шеъри Фиёс Соатий, мусиқаси бастакор ва созанда Имомжон Икромов қаламига мансубдир.

— *Битта қўшиқни ҳам созда, ҳам ликопчада ижро этилганининг шохиди бўлганман. Сизнингча, қай бирида айтган маъқул?*

— Бу хонанданинг маҳоратига, овоз пардаларига боғлиқ. Соз - ўлчов, мезон. Айтувчи соз ёрдамида 1-2 пауза қилиши, яъни овозига дам бериши мумкин. Ликопчада айтиш эса ижрочидан катта маҳорат, қобилият талаб этади, чунки у овозини бир текисда ушлаб туриши, ўртада нафас олиб қўймаслиги, авжу даромад ва ноласини жой-жойида айтмоғи керак. Санъаткор бир қўшиқни ўрганишни бошлашдан олдин овозининг имкониятларини ҳисобга олмоғи даркор.

(Давоми 60-бетда.)

Таваллудининг 120 йиллигига

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ ВА ЎЗБЕК ТЕАТРИ

Тошпўлат ТУРСУНОВ,
санъатшунослик доктори

Туркистонда замонавий маориф тизими тарғиботчиларидан бири, янги "усули жаҳид" мактаби очиб, ўзи ёзган янги дарсликлар асосида дарс берган мураббий, кейинчалик олий ўқув юрти профессори, "Шухрат" (1907), "Осиё" (1908), "Турон" (1917) номида газеталар чоп этган, "Иштирокиюн" газетасини ташкил этишнинг ташаббускорларидан бири ва унинг муҳаррири, журналист, шоир, жамоат ва давлат арбоби Абдулла Авлонийнинг ўзбек театри тарихида тутган ўрни беқиёсдир. Зотан у янги ўзбек театри, хусусан, Туркистон ўлкасида театрчилик ҳаракатига карвонбошилиқ қилган "Турон" театрининг етакчи ташкилотчиларидан.

Абдулла Авлонийнинг 1933 йили ёзган таржимаи ҳолида 1913 йили "Турон" театри тўғрагини тузганлигини таъкидлайди.

Ана шу тўғрақнинг асл номи "Тошкент шаҳридаги

"Турон" мусулмон драма санъати ҳаваскорлари жамияти" бўлиб, уни ташкил этишдан кузатиш мақсад ва келажакдаги режалар улкан эди. Мазкур мақсад ва режалар театр жамияти ҳамда унинг ўн кишидан иборат муассислари имзоси билан тузилган, ҳукумат идоралари назоратидан ва Тошкент шаҳар нотариуси тасдиғидан ўтган театрининг Низомида ўз аксини толган бўлиб, муассислар даврнинг эътиборли, Тошкент шаҳрининг обрўли кишиларидан Убайдулла Хўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Мунавварқори Абдурашидхонов қатори Мулла Абдулла Авлонов ва бошқалар номи тилга олинади.

"Тошкент шаҳридаги "Турон" мусулмон драма санъати ҳаваскорлари жамияти Низоми"нинг ҳозирча ягона ва асл нусхаси Абдулла Авлонийнинг шахсий архивида сақланмоқда.

Абдулла Авлоний "Турон театр тўғраги" ёки "Тошкент шаҳридаги "Турон" мусулмон драма санъати ҳаваскорлари жамияти"нинг етакчи ташкилотчиси, муассисларидан ва драма театри Низомининг муаллифларидан бири сифатида янги ўзбек театрини қай даражада қарор топиши ташкилий, ижодий, молиявий, ҳуқуқий тизimini вужудга келтириш ва фаолиятини бошлашда асосий ўрин тутган сиймолардандир. Айни замонларда ўша театрининг раҳбари, режиссёр ва актёри сифатида фаол ижод қилган шахс, унинг репертуарини миллий, таржима ва ўз пьесалари ҳисобига шакллантирган ижодкор.

"Турон" Низоми, аввало, Тошкент шаҳрида ижодий ишлаб чиқариш муассаса мақомида ташкилот очилгани ва унинг бош мақсади а/ "аҳоли ўртасида сахна ишлари ва хайрияга жиддий муносабат ва муҳаббатни ривожлантириш; б/ халқ учун спектакль кўрсатиш, унга соғлом томоша бериш... кечалар, концертлар, спектакллар ва бошқа оммавий томошаларни ўтказиш ҳуқуқига, ўз номига махсус бино, "Тошкент шаҳридаги "Турон" номли мусулмонлар драма санъати ҳаваскорлар жамияти" деб ёзилган хусусий муҳрига эга эканлигини эълон қилади.

Бинобарин Абдулла Авлоний фаолият кўрсатаётган драма санъати ташкилотининг режалари муҳим, олдига қўйган вазифа эса яқин келажакда янги ўзбек миллий театрини яратиш вазифасини қўйганлигидан гувоҳлик беради. Бу театрининг ташкилий ва ижодий амалларидан яхши хабардор бўлганликлари эса таҳсинга сазовордир. Сабаби ҳаётга энди қадам қўяётган "Тошкент шаҳридаги "Турон" мусулмон драма санъати ҳаваскорлари жамиятининг Низоми"да Фарбағи замонавий профессионал театрларнинг ташкилий, молиявий, ижодий фаолиятини белгиловчи кўп аломатлар мавжуд

эди. Айни замонда бу сингари санъат турини Туркистонда илк бор вужудга келтириш ишида тажриба йўқлиги, бундан ташқари янги театрларнинг қўшимча эзгу режаларининг кўплиги айниқса эътиборлидир. Чунончи томошаларни сотишдан келадиган кирим рамзий тушимдангина иборатлиги-ю, театр ишлаб чиқариш ишини ташкил этиб, ривожлантириш учун катта даромад манбаи кераклигини яхши тушунган Абдулла Авлоний ва бошқа муассислар Низомда театр ихтиёрида нақд пуллар келтирадиган ишлаб чиқариш корхоналари очишни ҳам назарда тутадилар. Чунки "Турон" театри ўз номига бинолар (клублар), кутубхона ва қироатхоналар, умумий ва махсус (драма ва музика) курслари очиш, ўрта ва олий мактабларда ўқишни давом эттириш учун стипендия тўлаш, шунингдек, давлатликими, хусусийими, қандай бўлишидан қатъи назар, мавжуд хайрия ва маърифат муассасаларини моддий қувватлаш ишини ҳам ўз вазифаси қилиб белгилайди. Бу ишларни амалга оширишда бошқа муассислардан фарқли ўлароқ Абдулла Авлоний газеталар чоп этиш, янги мактаблар очиш ишида орттирган тажрибаларини ишга солиб, театрни ташкил этиш, жамоани қовуштириб, бошқариш ишида алоҳида жонбозлик кўрсатади. Унинг "Турон" номли театру тўғраги тузиб, Туркистоннинг катта шаҳарларида театру қўйдим", дейишида шунга ишора мавжуд.

Абдулла Авлоний "Бадбахт келин", "Жаҳолат", "Хўр-хўр", "Уй тарбиясининг бир шакли", "Ҳиёнаткор оиласи", "Ўликлар", "Қотили карима" сингари пьесаларни ўзбек тилига ўгирган, айримларини сахналаштиради, кўпларида роллар ижро этган. У "Адвокатлик осонми?", "Пинак", "Икки муҳаббат" (1916), "Португалия инқилоби" (1921), "Биз ва Сиз" (1923) каби пьеса-

ларнинг муаллифи. Мазкур асарларда у Янги маърифатпарвар ўз замондошлари - жадидлар сингари зулм ва жаҳолат иллатларини аёвсиз танқид қилиб, адолат, тенглик, ақлу заковат назари билан ҳаётда тараққий топган халқлар сингари ҳаракатда бўлиш, янгиликка интилиш ҳисси билан яшаб, қолоқликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашни тарғиб қилади.

Жамият ва одамларни маърифатли қилишда кўлами кенг муаммодан Абдулла Авлоний ҳам, унга замондош бошқа драматурглар ҳам халқнинг ҳаёт тарзидаги асрий иллатлар, одатлар: тўй ўтказиш, ёш авлод ўғил ва қизни оилали қилишда фарзандларнинг истакорзуларини қадрлаш, инobatга олиш, маориф - эски ва янги мактаб тизими, умуман билим ва билимсизликка муносабат, ҳаётда учрайдиган нодонлик, гиёҳвандлик, жувонбозлик сингари мавзуларни замоннинг муҳим муаммоси сифатида кўтарадилар.

Абдулла Авлонийнинг 1914 йилда ёзилиб, 1916 йили "Турон" труппасида ўз томонидан сахналаштирилган "Адвокатлик осонми?" комедияси мавзу доирасининг кенглиги ва бадиий доирасининг пишиқлиги билан 1914 йилгача ёзилган драма асарларининг етуқлари қаторига киради.

Комедиянинг бош қаҳрамони адвокат Давронбек сўзларидан насихат ва ваъзхонлик мавжуд бўлсада, у жонли одам. Умрида кўп муаммоларга дуч келган ва келаётган, орзулари билан имконлари, ҳаётий шароит орасида катта фарқ мавжудлигини энди англаб, бундан кейинги фаолияти хусусида муаммо ва муҳокама қаршисида турган янги ёш авлод вакили.

Ниятлари эзгу бу олижаноб йигит қолоқлик ҳамда жаҳолат ботқоғига ботган юрт, унинг фуқароларини ўзи ва ўзи сингари бир-икки ватанпарварларнинг ҳаракати билан рўшноликка олиб чиқиб бўлмаслигини ўқишдан

қайтиб, Туркистоннинг мавжуд ҳаёти ва кишилари билан тўқнашгач англай бошлайди: "Мени ул умидларим бўшга чикди. Мана, кўрасиз, халқ мандан, ман халқдан безор бўлдим. Энди очуқ манга маълум бўлдики, умуман халқ орасида илм ва маърифат томир ёйиб, маданият тараққий қилмагунча манга ўхшаш бир-икки одам халқ орасида ишлаб, халқни кўзин очамиз, ҳуқуқин мудофаа қиламиз дейиши, ердан туриб юлдузларга қўл узатмоққа ўхшаш хаёлий бир нимарса эканлиги эмди очик ва аниқ маълум бўлди", - деган аламли хулосага келади у.

Муаллиф назарида бошга иш тушган комедия персонажларининг оғир қисматиға сабаб аввало замон ва унда мавжуд тартибларнинг норасолиги бўлса, охириқибатда инсонларни асир қилиб олган қолоқлик муҳити-ю, фуқароларнинг ўз сусткашликларидир.

Шу муносабат билан биз пьесада ижобий ва салбий қаҳрамонлар тоифасиға бўлиб иш тутиш омилларини ҳам учратмаймиз. Бу эса пьесани ўзига хос сифатидек кўзга ташланади ва унинг қийматини оширади.

Комедияда Давронбекдан ёрдан сўраб келган кимсаларнинг ҳар бири ўз дардларига малҳам истайдилар ва буни ололмагач аламларига чидамай "эплай олмас экансан, адвокатлик қилиб нима қилардинг?" маъносида Давронбекка таъна қилиб чиқиб кетадилар.

Оқибатда Давронбек "Адвокатлик осонми?" саволини ўз-ўзига ҳам беради ва касбидан возкечишга қарор қилади. Сабаби амалда қонун юрмаган мамлакат ҳамда қонун, суд ва адвокатликнинг нималигини билмаган фуқаролар учун адвокатга ҳожат йўқлиги, бу ишга ўзини бағишлаган кимсанинг иши бесамар бўлишини Давронбек ўз тақдирида синаб кўради ва бор-будидан ажралиб, қарзга ботади.

Комедияда Даврон-

бек, унинг хизматчиси Абдужаббордан ташқари олтига персонажнинг ҳаммаси сахнаға бир мартабагина кириб, чиқиб кетади. Ана шу қисқа мулоқот давомида бу одамларнинг ички олами, ташқи қиёфаси, бир-бирларидан фарқларини, сифатларини муаллиф ишонарли ва мароқли бадиий бўёқларда очиб беришга муваффақ бўлади.

Комедия сахнабоп, ижро учун қулай, талқинида импровизацияға кенг имконият очиб берадиган асар бўлганлиги туфайли "Турон" сахнасидан ташқари кўпгина бошқа ҳаваскор жамоалар эътиборини ҳам ўзига тортди. Биргина "Турон" театрининг ўзида Маннон Уйғур 1918-1919 йиллари комедияни икки бор постановка қилди, спектакль репертуардан мустаҳкам ўрин олди ва актёрлар учун кулги жанрида, маълум даражада, талқинда машқ мактаби вазифасини ўтади.

Асарни Абдулла Авлонийнинг ўзи сахналаштирган 1916 йил постановкасида Давронбек ролини Низомиддин Хўжаев, Жабборали ролини Маннон Уйғур ижро этган эдилар.

Гап талқин мавзуиға кўчган экан, Абдулла Авлонийнинг шаклланиш йўлиға кираётган янги ўзбек театрининг актёрлик ва режиссёрлик санъатини бошлаб берувчилардан бири эканиға тўхталиш лозим бўлади.

"Падаркуш" спектакли билан очилган "Турон" театрининг биринчи спектаклида Абдулла Авлоний бош қаҳрамон Бой ролини ижро этди.

Ўша замон матбуотининг таъкидлаши ва тадқиқотчиларининг тасдиқлашича (М.Раҳмонов. Ўзбек театри тарихи. ХУШ асрдан XX аср аввалигача. Т., 1968) Абдулла Авлоний ўз ролини катта маҳорат билан ижро этган ва шундан эътиборан бойлар ва катта ёшдаги характерли образларни талқин этишға ихтисослаша борган. Масалан, ўша "Турон" театри амалий фаолият бошлаган 1914

йилнинг декабрь ойида сахна юзини кўрган "Тўй" спектаклида Абдулла Авлоний асарнинг бош қаҳрамони Олимбой ролини катта муваффақият билан талқин этади. Бу ҳақда "Садоий Туркистон" завку шавқ ва таҳсин ҳисси билан ёзади: "Абдулла Авлоний Олимбой образи қандай бўлиши лозим бўлса худди уни шундай мужассам ўлароқ кўз олдимизға келтириб қўяди. Авлонийнинг сахнада кўрсатган маҳорат ва истеъдодига ташаккур қилмасдан ўтмоқни виждон қабул этмайди" (1915, январь, 54-сон).

Ана шу образлар талқинидан сўнғ Абдулла Авлоний "Заҳарли ҳаёт" спектаклида Эшон, "Бахтсиз куёв"да Абдурахмон, "Ўликлар" спектаклида Шайх Насрулло, "Лайли ва Мажнун"да Мажнуннинг отаси сингари ролларни ижро этади. Хуллас, Абдулла Авлоний "Турон" труппасида ишлаган давр - 1914-1918 йиллар орасида сахналаштирган спектаклларнинг деярли ҳаммасида етакчи ва масъул ролларни ижро этади.

"Турон" театри репертуарини миллий, қардош ва дунё драматургияси асосиға қуриш ишининг бош ташаббускорларидан бири ҳам Абдулла Авлонийдир. "Қотили карима", "Уй тарбиясининг бир шакли", "Хиёнаткор оиласи", "Бадбахт келин", "Хўр-хўр", "Жаҳолат", "Ўликлар" сингари пьесаларни ўзи таржима қилиб, театр сахнасида қўйдириш бунинг исботидир.

Юқорида қайд этилган далил ва мулоҳазалар Абдулла Авлонийни янги ўзбек театрини яратувчиларидан бири - ташкилотчи, драматург, актёр, режиссёр, халқимизнинг ҳар қанча ардоқ ва миннатдорчилиғига лойиқ маърифатпарвар ижодкоридир, деб хулоса қилишимизға имкон беради.

Маснавий

Башарият ўзининг бир жигаргўшаси, кандайдир бир сўфий, гўшанишин, бир хакир ва хоксор банда Жалолиддин Румий унинг бор очувсиз саволларига жавоб хозирлаганини ва бу жавоб олти мукамал жилд, ўттиз бир минг сатр шеърнинг заминига пинхон этганини билмади.

Башарият “Маснавий”дан кейин ақалли бир сатр шеър, бир варак адабиёт ортикча даҳмаза, ёлгон ва сафсата эканини ҳам англамади.

Кимдир тахлика билан “пахлавий тилида Куръон яратилди”, деса кимдир бу зот - Мавлоно хақиқатда пайғамбар бўлмаган, бироқ китоби бор, дея бутун оламга ошқор қилди.

Башарият ғафлатда қолди. Йўқса унинг адиблари бир қалом сўз айтмоққа ор қилган бўларди...

Ўша ўн саккиз байт. Дастор катидаги байт аслида “Маснавий” эди. Алломалар қолган олти жилдни шу байтларнинг шарҳи эди, дейдилар. Бу санокли байтларнинг нечоғли буюк аҳамиятта молик эканлигини бир неча урфон ақобирлари ва сўфия улўғлари ёлғиз шу ўн саккиз байтгагина шарҳ битганларидан ҳам анғласа бўлади.

Урфоннинг икки буюк шахсияти Назир Яъқуб Чархий ва Абдурахмон Жомий “Най рисоласи”ни таълиф этдилар. Шаҳодат беришларича, Яъқуб Чархийнинг “Най рисоласи” Хоразмийнинг “Жавохирул асрор”идан сўнг “Маснавий”нинг энг қадимги шарҳи ҳисобланади. Бироқ ҳазрат Абдурахмон Жомий икки байтгагина шарҳ битганлар. Бу шарҳ ҳам ибн Арабийнинг урфоний ва завкий қарашлари тахлилида истифода этилган.

Бу зоти киромлардан сўнг шорихларнинг буюк авлоди “Маснавий” асрорлари қулфини очмоққа киришганлар.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, най нолалари жудодлик, фирок ва хижрон айёмидан хикоят қилади. Яъни, инсоннинг жудодлик ва хижрон достонини ҳазин ва андухгин оҳангда сўйлайди.

Шубҳасиз айтиш мумкинки, Мавлононинг найга мурожаат этмагидан мақсади қомил инсон - яъни валийи восил бўлган зот руҳидир.

Най тамсилининг инсон вужуди рамзи экани, сўфия адабиётида Мавлонога қадар ҳам ишланганлиги хақида маълумотлар бор. Чунончи, шайх Аҳмад Ғаззолий “Рисолаи Таворих” китобининг бир ўрнида найга ишора қилиб, уни инсон зотининг рамзи дейди.

“Маснавий” шорихларининг қарийб ҳаммаси най рамзини қомил инсон деб талқин қилганлар.

Мавлоно Абдурахмон Жомий ёзади: “Най ўзидан ва халқдан фоний, Ҳақ ила бокий қомил восиллар, мукамал қомиллардир... Най ўзидан буткул жудо ва хақиқатда унинг ноласи ўзиники эмас, соҳибига тааллуқлидир”. Мавлоно Яъқуб Чархий найни “орифларнинг муборак нафаслари”дан иборат, деб таърифлайди. Рональд Алан Никлсон “Маснавий тафсири” китобида ёзади: “Бу ўринда найдан мурод ё ҳазрат Мавлононинг ўзидан ёҳуд Хусомуддин Чалабийдан киноя. Най - илохий оҳанг билан лиммо-лим, оҳанг воситасида уни ташқарига сочади. Бу тоза истиора “Девони Шамс” ва “Маснавий”да кенг қўламда истеъмол қилинади.

Ақсарият шорихлар най тимсолини таъвил қилганларида, ўз ақидаларида ғоят узок кетиб қолганлар. Чунончи, улар “най” образини “қалам” ёҳуд “Мухаммадий хақиқат”нинг рамзи деганлар. Мавлоно Абдурахмон Жомий ва Валий Мухаммад Акбарободий бу нуктага назарларни хақиқатдан узок санаганлар.

“Маснавий” шорихларидан Исмоил Анкаравий най тимсолини қуйидагича

таърифлаган: “Най қомил инсонга зотан ушбу жихати билан ўхшашдир. Найнинг ичи турли ғилу ғашликдан тоза. Қомил инсонлар ҳам шунингдек турли-туман ғашликдан мосуво. Уларнинг ботини илохий нағмалар ва раббоний нафасга лиммо-лим.

Найга нисбат берилгучи ҳар нечук илҳом ва оҳанг найнинг ўзига тегишли эмас. Демакки, авлиёларга нисбат берилгучи тамомий қамолот ва қалимот, осор ва асрор аслида Буюк Оллоҳга хосдир. Санаб ўтилганидек, хислатлар эса бир восита, белги ёҳуд бир асбобдир, ҳолос”.

Хулоса шуки, най ўз аслидан жудо бўлган инсон хақиқатининг буюқлиги ва равшанлигининг рамзи. Най гўё одамий руҳни батамом зухур этгучи ойна.

Ушбу нуктада “Қомил инсон” истилоҳига алоҳида шарҳ бермасак бўлмайди: Қомил инсон хусусидаги баҳс хийла мураккаб урфоний масалалардан бўлиб, буюк мутасаввиф Мухйиддин ибн Арабийнинг урфоний ва тасаввуфий қарашлари асосида пайдо бўлди ва ривожланди. Шундан сўнг, бу тушунча урфон ва тасаввуф аҳли орасида кенг қулоч ёйди. Буюк ислом уламолари Азизиддин Насафий ва Абдулқарим Жийли ушбу унвон остида китоб таълиф этдилар ва “қомил инсон” тушунчасини ривожлантирдилар.

Ибн Арабий “Фусус ул ҳикам” китобида инсонни “борлиқнинг йиғиндиси” деб билади. Борлиқ, орифлар истилоҳида тириклик олами. Инсон бутун борлиқнинг хулосаси ва асоси. Инсон, хақиқатда, олам руҳи ва олам унинг жасади. Яъни, инсонсиз олам жонсиз вужуд. Шундай қилиб, инсон бутун борлиқдан олинган мукамал андоза. Азизиддин Насафий ёзади: “Билгил, олами қабирда (буюк олам) ҳар неки мавжуддир олами сағир (кичик олам)да ҳам ўша нарса борлигини исбот этади. Олами сағир олами қабирнинг нусхаси эканлиги хақидаги сўз ростдир”.

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)

Шабистарий ёзади:

Бирор йўл ё ўзинг кавну макон бўл,
Жахон тарк қил, ўзинг ўзда жахон бўл.

IX аср орифларидан Лохижий ҳам инсон муаммосига ўзига хос услубда ёндашади: "Билгилки, инсон жамий рухоний ва жисмоний ходисаларнинг мумтозидир". Ибн Арабий ёзади: "Ва хува лилхакки биманзилати инсанил айни минал айниллазий якуну бихинназар". (Хазрат Ҳак таолога нисбатан инсон кўз қорачуғининг кўзга нисбати кабидир. Кўрмоқ у (яъни, қорачуғ) оркали хосил бўлади".

Комил инсоннинг асосий белгилари хақида бундай ёзадилар: "Комил инсонда тўрт хусусият комил даражада бўлади: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф. Демак, комил инсон ботинан ва зоҳиран амал ва қобилияти камолоти билан Ҳақнинг мазҳари бўлиши керак.

Оллох субхонаху ва таоло инсонни халқ қилмоқдан илохий қудрати ва азаматини ошқора зоҳир қилди. Фақат инсонгина Оллохнинг чексиз қудрати хақида шаҳодат бермоғи мумкин. Тўғри, оламдаги жамийки мавжудот Оллох зоти ва сифотини ўз хол тили оркали баён эта билади. Аммо шарафлироқ маком фақат - Инсонни комилгагина хос.

Буюк Куръон буюради: "Ва из қола Роббука лилмалаикати инний жаилун фил арзи халифатан". (Ёд эт, Парвардигоринг ул дам фаришталарга деди: "Мен ер юзида ўзимнинг халифамни (инсонни) яраттумдир"). ("Бақара" сураси, 29-оят).

Худойи таоло "халифалик" макomini манзур этган инсонда чексиз-чегарасиз илохий асрор бор. Бу асрор

бани башар хаёти давомида тадрижан кашф этилаёттир. Хали бу асрорлар яна очилгусидир. Аммо, бу қадар олий онг билан зийнатланган инсон ўз Эгасини унутиб қўяёзгани ҳам сир эмас. Бу "хотираси чаток" халифа баъзан самимий ва холис оғохлантиришни ҳам гоҳлик билан қабул қилмайди. Бирок, бу худбинлик ва манманлиқнинг умри гоҳат қисқа. Охират дарвозасидан ўзга дарвоза йўқ. Хаммамиз унинг очилишига интиқмиз.

Энди бевосита ушбу байтнинг шарҳига киришайлик:

Най садоси оташедур, бод эмас,

Кимда оташ йўқ - у одамзод эмас.

Юкорида айтганимиздек, най садоси авлиёуллохнинг иссиқ ва оловли каломидир. У одам боласининг хаво ва хаваси эмас. Кимда-ким бу оловдан баҳрасиздир адами (йўқлиги) вужудидан (борлигидан) афзал.

Бу ўринда "Най садоси" "самоъ"га ишора. Бирок аслида ҳар икки мисрада ҳам қўлланилган "нест бод" ("нест бод" иборасининг биринчи маъноси - "бод эмас" ёки "ел, шамол эмас". Иккинчи маъноси "йўқолсин", (ёки "йўқ бўлсин"). Бинобарин, бу асл форс тилига хос хусусият бўлиб, худди шу шаклда туркийга ўгиришнинг иложи йўқ. Баъзи дўстларимизнинг таржима хусусидаги ўринли-ўринсиз таъналарига жавобан шуни айтишим мумкинки, ҳақиқатда бу юксак санъат асари, бу буюк форсий тил мўъжизасини ўзбек тилига аслига монанд қилиб таржима қилиш мумкин эмас. Агар мумкин бўлганда каминадан минг чандон муктадирроқ пирларимиз бунинг урдасидан чиққан бўлардилар. "Маснавий шариф"ни бевосита усмонли турк тилидан таржима

қилаётган дўстларимиз эса, мазкур "таржима"ларини "Маснавий" деб аташлари шарт эмас, қолаверса, уни ҳазрат Мавлонога нисбат беришлари ҳам нораво. Зеро, аруз шеър тизимида мансуб "Маснавий"ни бу биродарларимиз бармоқ вазиға солганлар ва яна ҳам ажабланарлиси, турк тилидан ўғирмоқдалар. (тарж.)

МАСНАВИЙ

Оташи Ишк аст к-андар най фитод,
Жўшиши Ишк аст к-андар май фитод.

ТАРЖИМА

Ишк оловидур тушибдур най аро,
Ишк хурушидир тушибдур май аро.



ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Най оташин ва дилларга ўт солгувчи нолага тушар экан, унинг бу хазин навосига боис Ишк оловидир. Май - боданинг ҳам жўшу хуруши Ишк олови туфайлидир.

ШАРХ

Ушбу улуг байтда "Ишк" - бу буюк рухоний иксир, бу олий субхоний каломга алоҳида ургу берилмоқда.

Кўплаб шорихлар ушбу байт муносабати билан "Ишк" маъносини таъвил этганлар. Чунончи, лугатда "ишк" сўзи, "ёпишмоқ, чирмашмоқ" маъноларини аниқлатади. Шу сабабдан дарахт ва бошка нарсаларга чирмашиб ўсувчи печак гиёҳини "ашақа" дейдилар. Бирок муомала ёхуд истилоҳда "ишк" бу мухаббатда хаддан ошиш демакдир. Мулло Хусайн Кошифий ўзининг "Лаби Лубоби Маснавий" (31-сах.) асариди Ишкни бу зайл тавсиф этганлар: "Ишк дарёси ўзининг жозоба қудрати билан борлик (тириклик) қайдидан ўзиб, фақр ва йўқликнинг чуқур денгизига кўшилади. Демишлар, хар неки бордир, унинг ё сувратан ё маънан ўз қибласи бордир...

Пинхон ва риёсиз Ишк қиблалар балиғи - нахангидир. Качонки, ошиқ юзини бошка бир томонга бурар экан, Ишк унинг жони гирибонига чанг уриб, йўқлик йўлига тортиб кетади ва нигоҳини фораг этади, номус ва ғурурини "Норуллаҳил муваққатул-латий таттоливу ғалаф афидати". (У Оллохнинг ёкиб қўйилган бир оловидирки, (ўз алангаси билан баданларни тешиб ўтиб, юракларга қадар етур!) шуъласи билан қуйдириб юборади. Мушоҳадага қуйилгувчи жамийки нурлар, иситма пайдо қилгувчи бу асрор Ишкнинг асаридир". Азизиддин Насафий "Комил инсон" китобида (279-сах.) ёзади: "Ишк - солиқларнинг Буруки, йўловчилар маркабидир. Ақл эллик йил муттасил тиклаганни Ишк бир дамда култепага айлантиради ва ошиқни пок этади. Солиқ юз чилла билан тўйдиролмаган нигоҳини биргина назар билан қондиради".

Исмоил Анкаравий ўзининг "Буюк шарх" ида келтиради: "Ишк деб, ғоятда шиддаткор мухаббатни дейдиларким, у ошиқнинг кўз, жон, боғин ва қалбига дохил бўлиб, тамомий қудратини ўзига бўйинсундиради. Ошиқнинг қалб ва тилидан маъшукдан ўзга ҳамма нарсани қуллия махв этади. Хазрат шайх Мухйиддин Арабий "Футухоти Маккийя" китобида Ишкни бундай таърифлайди: "Ал ишқу ифротун фил-

мухаббати", яъни, Ишк мухаббатда хаддан ошишдир.

Акбарободий юкоридаги байт муносабати билан бундай дейди: "Бу байтдан кўзланган мақсад жамийки мавжудотда Ишкнинг зухур этишини баён айламоқдир". ("Валий Мухаммад Акбарободийнинг "Маснавий" га шарҳи" 1-жилд, 7-сах.)

"Ишк, - дейилади "Ишоралар ва танбихлар шарҳи" китобида - хақиқий ва мажозий навъларига бўлинади".

МАСНАВИЙ

Най харифи хар кй аз ёри бурийд,
Пардахояш пардахои мо дарийд.

ТАРЖИМА

Дўстидир най ким кечиб ёрондан,
Пардасин йиртди ва ўтди жондан.

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Комил инсон ва хақиқий муршид, бамисоли най илохий навосоз зотнинг хаққоний ёри ва мусохиби бор ташвишлардан ва жамийки дунёга тааллуқли маш-машалардан юз берган, уларга этак қокқан кишидир.

ШАРХ

Бежиз Шох Машраб ёзмаган:

Дунё ясаниб, жилва қилиб
олдима келди,
Боргил нари, деб кетига мен
шатталаб ўтдим.

Авлиёуллохнинг маънавий мақомоти бизнинг зулмоний ва нуроний хижобларимизни йиртиб юборади. Яъни, ул зотларнинг мусохибатлари соясида толиблар ва турфа-туман одамлар ўзларининг ботиний хижобларидан халос бўладилар ва ҳақ йўлини мушоҳада қиладилар. (Агар найни маълум ва машхур соз, деб англайдиган бўлсак, у холда унинг пардалари бошка маънони ҳам ифодаляди. Мусика илмида парда мухталиф маънога эга. Чунончи, қадимий мусикада парда истилоҳи ифодалаган маъно бугунги мусикадаги пардага мувофиқ эмас. Қадимий мусикада пардани ўн икки тур мусикага нисбатан қўллаганлар: Хусайний, Рохуий, Хижоз, Зангула, Бусалийк, Ушшук, Сипохон, Бузург ва бошкалар. Бугунги мусикада парда истилоҳи чанг, рубоб, тор, сетор каби мусика асбоблари дастасидаги ноталарни белгиловчи нукталарга айтилади. Бинобарин, парданинг қадимий мусикада англалган маъносига

асосланиб, байтнинг иккинчи мисрасини қуйидагича тушуниш мумкин: най воситасида ижро этилгувчи оханг ва нағмалар одамзод жон ва руҳини уйғотади, унинг нафсоний хижобларини бартараф айлайди).

МАСНАВИЙ

Хамчу най захре ва тирёке ки дийд,
Хамчу най дамсозу муштоке ки дийд.

ТАРЖИМА

Ким билдур найдек захар, тирёкни,
Най каби дамсозу ҳам муштокни.

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Най каби захарни ва тирёкни ким кўрган? Най каби дамсоз ва муштокни ким кўрган?

(Тирёк - турли хил жисмлардан тайёрлангувчи хайвон захрига қарши ва оғир беморлар истеъмол қилгувчи дори).

ШАРХ

Худойи таъоло қаҳр ва лутф сифатлари билан таърифлангани каби, қомил инсонга ҳам қаҳр ва лутф сифатлари хосдир. Қомил инсон фискаҳли, фужур арбобларига нисбатан захар бўлса, салоҳ ва маърифат аҳлига нисбатан тирёқдир. Албатта, яққа бир шахсга нисбатан ҳам захар ёхуд тирёқ бўлиши мумкин.

Яъқуб Чархий дейди: "Уларнинг (авлиёларнинг) виждон ва эътиқоддан йўғрилган муборак нафаслари муридлар учун тирёқ ва мунқирлар учун захардир. Чунончи, Нил дарёсининг суви қибтилар (Фиръавн аҳли) учун қон ва Субтилар (Мусо аҳли) учун сув бўлгани каби". ("Рисолаи ноия", 12-сах.)

МАСНАВИЙ

Най хадиси роҳи пурхун мекунад,
Қиссаҳои ишқи Мажнун мекунад.

ТАРЖИМА

Най каломи қонли йўллар тигидан,
Қиссалар сўйлайди Мажнун ишқидан.

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Най хатарли ва қонли йўллар хақида хикоя қилади. Бу йўллар саросар ишқ қурбонларининг қонига тўла. Най сизларга Мажнуннинг ишқий дostonларини ва унинг оворагарчиликларини сўйлаб беради.

ШАРХ

“Конли йўл” таъбири “ихтиёрий ўлим”нинг рамзидир, яъни “Мўтув қобла ан тамувту” - ўлмасингиздан бурун ўлингиз, хадисига ишорадир.

Ўлим икки навъдир. Биринчиси ижборий ўлим. Бу аносирий ўлим бўлиб, ҳеч ким бундан мустасно эмас. Жисм ҳаёт билан тақдир қилинган соатда видолашади. Иккинчи – ихтиёрий ўлим. Бу авлиёуллоҳ ва Ҳак мардларига хос ўлимдир. Бунда барча нафсий хо-ю хавасларнинг оёғига тушов солинади ва бор дунёвий ходисаларга этак қоқилади, яъни тарк қилинади.

Исмоил Анкаравий дейди: “Ёр васлига етишмоқ ихтиёрий ўлим воситасида ҳосил бўлади. Шунингдек, муҳаббатнинг натижаси ўлим оқибатидир. Ҳарчанд бу йўл хатарли ва қонлидир, ушшоқ аҳли учун ғоят неъмат мўлдир. Зеро, ҳақиқий ҳаёт аносирий ўлим билан бошланади” (“Буюк шарх”, 1-жилд, 27-сах.)

Никлсон ушбу байтдаги “Мажнун” тимсолини шарҳларкан, бундай дейди: “Сўфиёна адабиётда “Мажнун” ўз нафсига барҳам берган, нафсини буткул тарк этган ёхуд ўлдирган деган маъноларни билдиради” (“Тафсири “Маснавийи маънавий” 1-2-сах.)

Биобарин, мазкур байт мазмунидан келиб чиқадиган хулоса будир: “Най (яъни, ҳазрат Мавлоно) ошиқларнинг лоларанг қонига лиммо-лим йўллари ҳақида сўйларкан, ошиқ маъшук висолига етмоғи учун ўзини тарк айламоғи керак, - дейди ва барча давру замонларнинг мажнунлари, ошиқлари ҳақида мунглиғ-мунглиғ нолалар чекади.

МАСНАВИЙ

*Махрами ин хуш жуз беҳуш нест,
Мар забонро муштарий жуз гўш нест.*

ТАРЖИМА

*Махрами бул ҳушнинг беҳушдир,
Ҳам забонга муштарий бир гўшдир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бу ҳушнинг (акли кулл) махрами акли маошдан бегона (беҳуш) кимсалардир. Яъни, ҳақиқат асрорини Ҳакдан бошқа тамомий нарсадан узилган, жамийки илинжни тарк этган ёхуд Худодан бошқа нарсага беҳуш бўлган фано ахилларига идрок этадилар. Ноахиллар ва мункирлар бу асрор қошида қар ва гунгдирлар. Чунончи, тилнинг толиби ёлғиз кулоқ (гўш)дир ва бошқа ҳеч бир узв тил василасида ҳосил бўлган

алфозни тинглашга кодир эмас.

Авлиё ва маърифат аҳли ҳам кулоқ бамисоли Ҳакнинг қалом ва забонигагина сомеъ. Улар Ҳакнинг қалом ва забонидан ўзгани эшитмайдилар.

Валий Мухаммад Акбарободий ёзади: “Яъни, хуш махрами ғайри кимсаларнинг ишқидир. “Ҳам забонга муштарий бир гўшдир” сатри биринчи мисранинг тамсили...” (“Шархи Маснавийи Акбарободий” 1-жилд, 8-сах.)

МАСНАВИЙ

*Дар ғами мо рўзхо бегоҳ шуд,
Рўзхо бо сўзхо ҳамроҳ шуд.*

ТАРЖИМА

*Ҳуссамизда қунлар ўтди тун бўлиб,
Қунлар ўтди ўт билан уйғун бўлиб.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бизнинг ишқимизда қунлар ўтди ва тунга айланди. Ўтган бу қунлар бизнинг ҳасратимизда қуйиб кетди.

ШАРХ

Оллоҳ ошиқларига дунё аҳли ошиқ бўлди. Оллоҳ ошиқларига Оллоҳдан бошқа ҳеч ким керак эмас. Бу буюк Ишқ сохибининг шу қадар юксакка кўтарадигани, баногоҳ бу Ишқ қуёши ҳалойиқ кўзини камаштириб, уни беҳуд айлайди. Халқу ҳалойиқ ўз наслидан яралган бундай мунаввар қуёшга шайдо бўлади. Йўллар, чўллар, тоғу қўллар ошиб, Ошиқ ҳузурига йўл оладилар. Улар ҳамон “Ҳазрат Султоним” деб Туркистонга, “Шайхи Валийтарош” деб Бухорога, “Шайхи Валийтарош” деб Хоразмга йўл солмоқдалар...

МАСНАВИЙ

*Рўзхо гар рафт гў: "Рав, бок нест,
Ту бимон, эй, он, ки чун ту пок нест".*

ТАРЖИМА

*Қунлар ўтди, де: "Ўтавер бок йўк,
Сен фақат қол, эй, ки Сендек пок йўк".*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бу қунлар ва умрлар пайдар-пай ўтаркан, дегил: “Ўтавер, ҳеч ҳавотирим йўк. Фақат, Сен, эй Холиқим, пок ва муназзаҳсан. Сен каби ҳеч бир зот пок ва беғубор эмас”.

ШАРХ

Буюк имомлардан бири “Бизнинг

Худодан бошқа ҳеч кимимиз йўк”, дейди. Бу имом фанофиллоҳ эди. Акли голиб зотлар олами дунёда Худодан ўзга на дўст, на Ёр борлигини ҳис қила оладилар. Акли мағлуб, зехнсиз ва идроксиз кимсалар бандадан муттақо ясайдилар, бандадан ҳукмфармо яратадилар, бандадан хожа кашф қиладилар, бандадан ҳамма-ҳамма нарсани умид қиладилар. Банда ҳамма ерда ва ҳар қачон бандадир. Банда бари бир нафсдан мағлуб. Чунончи, шахват ва очлик ҳуружини енга олмайди. Банда бари бир заиф ва қудрати маҳдуд. Зеро, у бетоб бўлади, қудрат олдида тиз чўқади ёхуд тиз чўқтиради. Зотан, банда бандадир. Аксарият валийуллоҳлар бундан мустасно.

МАСНАВИЙ

*Ҳар кй, чуз моҳй зи обаш сер шуд,
Ҳар кй берўзист, рўзаш дер шуд.*

ТАРЖИМА

*Бир балиқдан ўзга сувга қонадир,
Қимқи берўз рўз анга бегонадир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Фақат балиқ сувга тўймайди. Балиқдан бошқа нарса сувдан қоникши ҳосил қилади. Қим Ишқ ва урфон сувидан бенасиб экан, унинг умри малолчилик, қайғу ва ҳасратга тўла бўлади. (Мавлоно ошиқ ва толибни мажозан балиққа қиёс этадилар).

ШАРХ

Мавлоно Яъқуб Чархий ёзади: “Балиқдан ўзга ҳамма нарса сувдан қоникади, яъни сувга тўяди. Балиқ ҳеч қачон сувга тўймайди. Ошиқларни урфон обихаётига ташна балиқларга “қиёс айла”. (“Рисолаи ноия”, 14-сах.)

МАСНАВИЙ

*Дар наёбад холи пухта ҳеч хом,
Пас, суҳан қўтоҳ бояд, вассалом.*

ТАРЖИМА

*Пухта холин билмағайдир ҳеч хом,
Сўзни қалта қилдик энди, вассалом.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ҳом (яъни, ноқомил) шахс пухталар (қомиллар) аҳволини англамайди. Зеро,

уларнинг (комилларнинг) ахволини алфоз ва калимотлар билан идрок қилиш мумкин эмас. Бас, ахвол шундай экан, сўзни қисқа қилмоқ, нафасни ичга ютмоқ керак.

ШАРХ

Бу нуктада маърифат ҳосил қилмоқнинг шarti ва ҳақиқатни тубдан англаб етмоқ хол муносабати эканига ишора қилинади. Зеро, хақикий маърифат идрок қилувчининг идрок қилинган ҳодиса билан муштараклиги асосида ҳосил бўлади.

Мавлоно Яъқуб Чархий ёзади: "Мушоҳада ва муъойина воситасида асл максалларига восил бўлган ахлуллох (Оллох таъолонинг хос бандалари, валийлар)нинг хақикий ахволини тақлид ахли ва нафси амморанинг асири бўлган шахслар англамаслар. Шунинг учун Сўзни фақат ишорат ва киноят воситасидагина гапириш мумкин". ("Рисолаи ноия" 14-сах.)

МАСНАВИЙ

*Банд бигсал, бош озод, эй писар,
Чанд боши банди сийму банди зар.*

ТАРЖИМА

*Банд уз, озод бўлгил, эй ўғил,
Неча бўлгайсан зару зеварга қул.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Эй фарзанд, дунёнинг кайду бандини пора қил ва озод бўл. Качонгача сийму зар занжирида тутқун бўлурсен?

ШАРХ

"Эй фарзанд" - бу хитоб солиқларга қаратилган. Дарвоқе, солиқлар шайх ёхуд пирнинг маънавий фарзанди ҳисобланади. Тарикатда мурид ва пир ўртасида ғайбий бир робита бор. Чунончи, мурид пир жисмининг бир жузъига айланади. Бу фарзанд жисмининг бир парчаси эканига ўхшайди. Аммо тарикатда бу оталик ва фарзандлик мохиятан маънавийдир. Озодлик ва хурриятнинг маъноси шуки, банданинг калби Ҳақдан ўзгани тан олмаслиги, бу дунёнинг жамийки ёлғон макрларидан, устамонлик билан қурилган устқурмаларидан халос бўлмоғи керак.

МАСНАВИЙ

*Гар бирезй баҳрро дар кўзае
Чанд гунчад? Қисмати як рўзае.*

ТАРЖИМА

*Кўзага қўйсанг-да уммон сувини,
Қанча сиккай? Олғуси кун ризқини.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Мисол учун дарё сувини кўзага қўйсанг, қанча сув жамъ бўлади? Табиийки, бир кунлик ризқу насибанг андозасича сув ола биласан, холос.

ШАРХ

Бу байт инсон хирсу хавасининг бепоёнлигига аёвсиз бир ташбеҳдир.

Нафснинг исёнкор хусусияти, унинг тизгинсизлиги, қудрат ва вахшонияти хақида хар қанча возех фикрлар билдирилмаса-да, инсон тафакқури ва иродаси аксарият ҳолларда унинг олдида забундир. Нега? Нега ҳамма-хаммасига фаҳм-фаросати етиб турган одамзод нафснинг қаршисида ожизлигини намоёиш этаверади? Бу жумбок одам фарзанди қаршисида бугун пайдо бўлган эмас ва унга жавоб ҳам янгилик бўлмайти. Табиийки бандасини яратган Ҳолик унинг феъл-хўйини, заиф ва қудратли томонларини яхши билади. Модомики бутун борликни унинг ўзи яратган экан, яширин нима ҳам бўлиши мумкин. Қуръон мажид буюради:

"...Иъламу аннамал хаятуддуня лаъибун ва лаҳвун ва зийнатун ва тафахуру байнақум ва такасурун фил амвали вал авлади. Камасали ғойсин аъжабал куффаро набатуху, сумма яхийжу фатароху мусфаррон. Ва фил ахироту азобун шадийдун ва



мағфиратун миналлохи ва ризванун. Ва мал хаятуддуня илла матабул ғурур". ("Сувратул Ҳадийди", 20-оят).

"... Билингларки, бу ҳаёти дунё факат (бир нафаслик) ўйин-кулги, зебзийнат, ўрталарингиздаги ўзаро мактаниш ва мол-дунё ҳамда фарзандларни кўпайтиришдир холос. (У) худди бир ёмғирга ўхшарки, унинг (ёғиши сабабли униб чиккан) ўт-ўлани кофирларни хайратга солиб (акллари банд қилиб кўяр). Сўнгра у қурир, бас уни сарғайган холда кўрурсиз. Сўнгра у қурук чўп бўлиб қолур. (Ҳаёти дунёнинг холи ҳам шундан ўзга эмасдир). Охиратда эса (ўша тўрт кунлик дунёга алданиб қолганлар учун) қаттиқ азоб ва (иймон-этикод билан ўтганлар учун) Оллох томонидан мағфират ва ризолик бордир. Ҳаёти дунё эса факат алдағувчи матодир".

("Ҳадид" сураси, 20-оят. А.Мансур таржимаси).

МАСНАВИЙ

*Кўзаи чашми харисон пур нашуд,
То садаф конеъ нашуд, пурдур нашуд.*

ТАРЖИМА

*Ҳеч харис кўз кўзаси тўлган эмас,
То садаф конеъ эмас, пур дур эмас.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Харис, очофат, қаноатсиз кимсаларнинг назари ҳеч қачон тўймайди. Инчунун, садаф ҳам қаноат ҳосил қилмагунча бағри дурга тўлмайди.

ШАРҲ

Хорисларнинг назари харчанд тор ва маҳдуд бўлмасин, бу ишқал кўзнинг тубсиз ибриқи, яъни кўзаси тўлмайди. Бу тоифа зотлар хар қанча сийму зар, "ахлат"ни жамъ қилсалар-да хотирлари паришон бўлаверади. Харчанд "семирган" сайин бетоқат ва беҳаловат бўлаверади. Ичига кириб олган хирс жини уларнинг руҳини мутеъ ва тобеъ қилади. Атрофингиздаги боёнлар, сарватмандларга боқинг. Бу холга зумда иқрор бўласиз. Бойлик бағали ошиб-тошиб кетган зотлар дарвозасининг ғичирлашидан тортиб итининг ғингшишигача алланечук ғайритабиий бўлади. Яъни, бу оддий

ашё ва маҳлук ҳам ўзгаради. Уларнинг бола-чақа, хотин-халажларигача одамликдан чиқишади, демак одамликни унутадилар.

Мавлоно ҳазратлари байтнинг иккинчи сатрида садафни мисол келтираяптилар. Садаф ичи ёмғир томчиларига тўлмагунча коникмас экан. Демак, садаф ёмғир қатраларига тўлгандан сўнгина унинг ичи марваридга тўларкан. Салафлар "марварид доналари ёмғир томчиларидан ҳосил бўлади", демишлар. Чунончи, Хўжа Носийр ўзининг "Элхоний" китобида ёзади: "Найсон ёмғири ёға бошлагач, садаф оғзини очиб, ёмғир қатраларини юта бошлайди. Қачонки томчилар садаф ботинига қирадилар, вужудига қудрати азалий жо этган хосияти билан садаф томчиларни марваридга айлантиради".

Инсонни инсон қилғувчи, унинг Оллохга ёвуқ этгувчи ва охиратда юксалтирғувчи ягона фазилат қаноатдир. Дарёни хавас қилганинг билан бир коса сув билан чанқоғинг қонса, эгнингиздаги бир шапалок мато титилиб кетгунча, умри азизинг адо бўлса, нима қилдинг, дунёни бузиб, умрингни тўзиб, кекирдагингни чўзиб, эй бандайи хок!..

МАСНАВИЙ

*Хар киро жома зи ишқе чок шуд,
Ў зи хирсу жумла айбе пок шуд.*

ТАРЖИМА

*Кимса эгни ишқдин гар чокдир,
Покдир у, хирсу айбдин покдир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Хар кимнинг либоси ишқ туфайли пора-пора бўлган эса, демак у жамийки хирсу хаводан, айбу нуксондан покдир.

ШАРҲ

Кимсанинг худбинлик ва нафсоний либоси Ҳаққа бўлган ишқ шиддатидан чок-чок бўлган эса, у хар нечук хирсу хавасдан, журму хатодан покдир. Ишқ, у хох хақикий, хох мажозий бўлсин, ахлоқни табдил қилғувчи қудратга эга. Ҳали севмасдан бурун киши мумсик, молдўст, баддил ва кўрқок бўлиши мумкин. Қачонки, ишқ унинг вужудини

истило қилди, унинг ботинида муҳрланган туйғулар қопқаси қанг очилди ва у маъшук хўзурига жонини кафтида тутганча йўл олди. У хар нечук хатарга кўкрак оча бошлади.

Бу – Ишқи мажозий. Яъни, буилохий Ишқнинг қудрати. Хақикий Ишқ – хос зотлар Ишқи. Банда мажозий ишқ мусибатларини торта-торта покланади. Кеча кўзига балодек кўринган ходисаларни севиб қолади. Маъшуканинг ўзи эмас, унинг эшигидаги ит ҳам қандайдир ҳислатли туюла боради. Маъшуканинг қўшниси унга туғишгандан зиёд. Маъшуканинг онаси – МомоҲавво гўё.

Бу – Хақикий Ишқ суврати.

Аммо бу йўл ҳам ҳалокатли, хавф-хатарли. Бу йўлларда ҳам қоннинг, қиличнинг излари бор...

Бирок хақикий Ишқ-чи? Мажози – суврати шундай бўлса асли нечук? Захарни эшитгани билан билиб бўлмагани каби, хақикий Ишқни қандай қилиб ҳис қилса бўлади?

Бу Ишқ, бу илохий, буюк ва мисоли йўқ ишқ Оллохнинг асл бандаларида бўлади. Бу банда энг аввало ўзининг бандалагини теран ҳис қилган ва қошида Оллох, факат Оллох ва ёлғиз Оллохгина қойим ва муким эканини ҳамиша, хар сония идрок этиб турган зотдир. Бу банданинг қалби – ойнаи жахоннамо. Унда бу олам ўзининг бор гўзаллиги, одам эса бутун қомиллиги ва жамийки нуксонлари билан акс этиб туради. Бу банда ердан ҳеч қачон қомил инсонни топа билмайди. Унинг заминида хақикий Дўсти, хақикий Ёри йўқ. Қўксига дўст деб босгани, унга ханжар ботиришга тайёр. Ёр дегани арзимас дон-дун учун уни эшиқдан чиқариб юборишга шай. Ён-веригагиларга фарқи йўқ. У ўладими-қоладими?.. Банда биргина Ҳудодан бошқа хақикий Дўстни ҳам, Ёрни ҳам тополмайди.

Сиз бу фикрларни англадингизми? Умрингизнинг тенг ярми уйқу, ярми ошу-маош талошида, қолган бир чимдими нарда суриш ва хўзурхоналарда айшу ишрат билан ўтган бўлса Оллохни танимабсиз. Бу сўзларни эса англай олмадингиз.

Аммо, ноумид – шайтон.

**Шориҳлар – Обиддин ПОШШО,
Карим ЗАМОНИЙ.
Мутаржим – Асқар МАҲКАМ.**

(Давоми бор).

Тешабой БАЯНДИЕВ,
санъатшунослик доктори

УНИ ЧЎЛ БУЛБУЛИ ДЕГАНЛАР...

(Халқ артисти Ойимхон Шомуротованинг 80
йиллик юбилеи муносабати билан)

Рус театрининг ўлмас сиймоларидан бири Фаина Раневскаядан сиз театр санъатининг сирасорларини қандай изоҳлайсиз, деб сўраганларида, у "театр – бу гулзор ичра дўзах" – деб жавоб берган экан. Машҳур сахна юлдузи ишлатган ушбу иборада бу соҳанинг жафокаш фидойиларидан бўлмиш актёрларнинг машаққатли меҳнатларини, сахна ортида чеккан изтироблари-ю, изланишларини, рол устида ишлаганда мижджа қоқмай ўтказган тунларини назарда тутган бўлса ажаб эмас.

Ҳақиқатан ҳам бу гулзор ичра дўзахда чинакам фидойилар, актёрлик касбига, санъаткорлик касбига чин дилдан берилган, ҳар қандай қийинчиликлар олдида бош эгмайдиган, ҳаёт сўқмоқларини енгиб, унинг зарбаларига бардош бера оладиган инсонларгина ишлаши, ўз халқининг ҳурматиغا сазовор бўлиши, миллий театр санъати тарихи саҳифаларидан ўрин олиши мумкин.

Қорақалпоқ миллий театр ва кўшиқчилик санъатида ўчмас из қолдирган, эл ардоқлаган забардаст санъаткор Ойимхон Шомуротова ҳам санъат гулзорининг дўзахларида чиниқиб, унинг азоб-уқубатларини, ота-она, ака-ука қавм-қариндош қаршиликлари, маҳалла-кўй, кўни-кўшни, таниш-билишларининг миш-мишлари-ю, дугоналарининг эътироз ва дашномларини сабр-тоқат ила енгиб, санъат гулзорида ўзининг бетакрор овозига, мавқеига, ҳурматига эга бўлган ажойиб санъат усталаридан бири эди.

30-йилларнинг бошлари қорақалпоқ давлат театрининг эндигина шаклланиб, ижодий жамоа сифатида қаддини ростлаётган пайти. Театрда профессионал санъаткорлар бармоқ билан санагудек. Қорақалпоқ адабий тилини биладиган ёш актрисалар ундан ҳам

кам. Шу боис айрим спектаклларда аёл ролларини театрининг бадиий раҳбари ва директори, драматург ва режиссёр Абдурахмон Утеповнинг ўзи ижро қилар эди. Труппани истеъдодли ҳаваскор ёшлар ҳисобига тўлдиришни ният қилган Абдурахмон Утепов республиканинг турли бурчакларига мутахассисларни сафарбар қилади. Натижада, қорақалпоқ миллий санъатининг биринчи қалдирғочларидан бўлмиш Тўхта Раҳмонова, Зоит Зарипов, Мадрайим Матчонов, Йўлдош Шарипов, Қолжон Бегимовалар театрга ишга қабул қилинади. Булар орасида Кўнғиротдан Тўртқўлга ўқишга келган, эндигина ўзининг ўн олтинчи баҳорини қаршилаётган, ноёб истеъдод соҳибаси Ойимхон Шомуротова ҳам бор эди.

Асли нияти давлат театрига ишга кириб, ўзининг истеъдоди, имконияти ва кучини синаб кўриш, орзу-умидлари, армонларини рўёбга чиқариш бўлса-да, бу ниятларини онаси ва акасида пинҳон тутиб, ўқишга кириш баҳонасида кўнғиротлик бир гуруҳ ёшлар билан республика пойтахти Тўртқўл шаҳрига келган Ойимхонни қабул комиссияси аъзолари "бу қиз ёш экан, ўқиш бунга тўғри келмайди"–деб ҳужжатларини қабул қилмади. Ойимхон нажот истаб мактаб мудираси Қодированинг олдида киради. Мудира Ойимхонни ўқишга қабул қилишга қарор қилади. Ойимхон машғулотларнинг биринчи кунидан бошлабоқ мактаб қошидаги ҳаваскорлар тўғарагида қатнаша бошлайди ва тез орада унинг етакчи хонандаларидан бирига айланади. Муаллимлар ва дугоналари энди уни "бахши қиз" деб атай бошлайди. Ойимхон Қазимбетова ижро қилган қорақалпоқ халқ кўшиқларидан "Арухон", "Бузатау" тажрибали санъаткор А.Утеповда илиқ таассурот қолдиради. Театр раҳбари ёш

ҳаваскор қизалоқни давлат театрига ишга таклиф қилади. Шундай қилиб кўнғиротлик бахши қиз 1933 йилнинг баҳорида қорақалпоқ миллий драматургияси ва театрининг асосчиларидан бири Абдурахмон Утеповнинг тавсияси билан профессионал театр ва кўшиқчилик санъати бўсағасига илк қадам ташлайди.

Абдурахмон Утепов, Асан Бегимов, Сайпилгабит Мажиждовлар, режиссёрлардан Умаров, Зухур Қобулов, Жавод Обидов, Туреш Олланазаровлар ёш санъаткорга яқиндан ёрдам беришди. Бардошли, сабр-тоқатли, сергайрат, янгиликка ўч, билимга ташна Ойимхон тез орада миллий театрининг етакчи артистларидан бирига айланди. Турмуш ўртоғи, истеъдодли ёзувчи ва драматург, давлат арбоби Амет Шомуротовнинг кўмаги, устозларининг яқиндан кўрсатган ёрдами туфайли театр репертуаридаги спектаклларда дастлаб эпизодик ролларни, кейинчалик эса бош қаҳрамонлар ролларини ижро эта бошлади.

Узейир Ҳожибековнинг "Аршин мололон" муסיқий комедиясидаги Зебо, К.Яшин ва М.Муҳамедовларнинг "Гулсара" муסיқий драмасидаги Ойсара, С.Мажидовнинг "Боғдагул" асаридаги Боғдагул, Мирзаголий Дарибоевнинг "Кўклен ботир" тарихий драмасидаги Ойсара роллари ёш актрисага катта шон-шухрат келтирди.

Уруш йиллари қорақалпоқ адабиёти ва санъатининг ривожига улкан ҳисса қўшган, биринчи фан доктори, театр директори Нажим Давқораев ва Ойимхон Шомуротвалар ташаббуси билан фронтга ёрдам тариқасида маблағ йиғиш режаси тузилди. Театр труппаси икки бригадага бўлиниб, республика районларига гастролга чиқишга ҳозирлик кўрди. Бригадаларга раҳбар қилиб республика халқ артистлари Ойимхон Шомуротова ва Жапоқ бахши Шомуротвалар тайинланади (1942 йили Қорақалпоғистон автоном республикасида илк бор бу икки санъаткорга "Қорақалпоғистон халқ артисти" юксак унвони берилди). 1956 йили қорақалпоғистонлик санъаткорларнинг кўп йиллар давомидаги орзулари ушалди. Уруш туфайли кечиктирилган қорақалпоқ адабиёти ва санъати ўн кунлигини Тошкентда ўтказиш бўйича тайёргарлик ишлари қизиб кетди. 1957 йилнинг февраль ойида пойтахтимиз Тошкентда катта муваффақиятлар билан ўтган санъат байрамига Ойимхон Шомуротова ҳам туҳфалар билан келди. Республика театри жамоасининг ўн кунлик репертуаридан ўрин олган барча спектаклларда жумладан, "Раушан" спектаклида Раушан (Ж. Оймирзаев



ва Т.Олланазаровлар асари), "Ғариб ошик" мусиқий драмасида Шохсанам (А. Бегимов ва Т. Олланазаров асари, О. Ҳалимов мусиқаси), "Камбағаллик айб эмас" (А.Н. Островский асари) комедиясида Пелагея Егоровна ролларини ўйнаб томошабинлар ва мутахассислар ҳурматида сазовор бўлди. Декада кунларида қорақалпоғистонлик санъат усталарининг концерт дастурларини зўр мароқ билан тинглаган Ҳалима Носирова шундай дейди: "Мен қорақалпоқ мусиқаси ва кўшиқлари билан кўндан бери ошноман. Мени санъатдаги ҳамкасб дўстим, республика халқ артисти Ойимхон Шомуротованинг ижодий маҳорати, ижрочилик услуби билан жуда қизиқаман. Унинг чиндан ҳам овози ёқимли, ширадор, ижро услуби нозик, халқ кўшиқларининг маъно ва мазмунини чуқур тушуниб етган ҳолда ижро этадиган, ана шу тарзда тингловчига етказа оладиган ажойиб санъаткор. Шунинг учун ҳам халқ уни севади, ардоқлайди".

50-йилларнинг охири ва 60-йилларнинг бошларида Ойимхон Шомуротованинг театр санъатидаги ижодида бурилиш йиллари бўлди. Шу пайтга қадар сахнада Гулбарчин, Богдагул, Тозагул, Зебо, Ойпара каби ёш қаҳрамонлар ролларини ижро этиб, халқ назарига тушган санъаткор, эндиликда амплуани ўзгартиришга, маиший ва характерли йўналишдаги ролларни ижро эта бошлади.

Ўзбекистон халқ артисти Йўлдош Мамутов ижодий қийинчиликларни енгишда сидқидилдан ёрдам берди. Икки ажойиб санъаткор изчил излашни туфайли ҳамкасблари ва ниҳоят томошабинлар Ойимхон Шому-

ротовани драматик актриса сифатида қайта кашф этдилар. Ижодкор репертуарини мутлақо янги пландаги, ўзининг ёшига мос ажойиб, бадиий пухта образлар билан бойитди. 60-йилларда қорақалпоқ давлат театрининг репертуаридан мустаҳкам ўрин олган Сафар Хўжаниёзовнинг "Талуас" комедиясидаги Ойбика, Амет Шомуротов ва Ибройим Юсуповларнинг қаҳрамонлик "Қирқ қиз" достони асосида яратилган "Қирқ қиз" мусиқий драмасидаги Гулойимдай ботир ва доно қизни тарбиялаган, қалби дарё, душманларга нисбатан меҳри қаттиқ Оқсулув, Жўлмирза Оймированинг "Ойгул – обод" асаридаги Палимбет бойнинг кенжа хотини Дамегул ва бошқалар актриса ижодининг иккинчи палласидаги ижодий излашларининг самараси сифатида мутахассислар томонидан юксак баҳоланди.

70-йилларнинг бошларида давримизнинг машҳур режиссёрларидан бири, халқ артисти Озарбойжон Мамбетов билан бўлган учрашув Ойимхон Шомуротованинг театр санъати соҳасидаги кўп йиллик ижодининг гултожи ҳисобланмиш Тўлғаной образининг дунёга келишига сабаб бўлди.

Албатта, забардаст режиссёр О.Мамбетов билан ишлаш қорақалпоқ актёрларига, жумладан Ойимхон Шомуротовага ҳам осон бўлмади. Кўпроқ маиший комедик йўналишдаги асарларда роллар ижро қилиб, ижрочилик услубларининг чекланишига, ифода воситалари-

нинг дафъатан такрорланишига, нисбатан кўникиш ҳосил қилиб қолган театрнинг катта ёшдаги актёрлари театрда образлилик, шартлилик, фалсафий-поэтик ечимда ижод қилишга ўрганган, актёрлардан мусиқийлик, пластика, бой импровизация, чуқур билим, ўткир дид ва замонавий сахна маданиятини талаб қиладиган, режиссёр топшириқларини кўнгилдагидай қилиб бажариш анча мушкул бўлди. Режиссёрнинг маҳорати, иш услубининг сермаҳсуллиги, ҳақиқий профессионаллик даражаси шунда кўриндики, О.Мамбетов қорақалпоқ актёрларининг қаршиликларини сингдириб, уларни янгича услубда ролга ёндашишга ўргата олди, бир спектаклнинг репетициялари ва яратилиши давомида маиший театрга қараганда фалсафий-поэтик театрнинг афзаллигига ишонтира олди.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, Ойимхон Шомуротова ўзининг қарийб 60 йиллик ижоди давомида биринчилардан бўлди. Санъатдаги энг юксак ва энг шарафли унвон ҳам Қорақалпоғистон Республикасида биринчи бўлиб Ойимхонга насиб қилди. "Ўзбекистон халқ артисти" деган юксак унвонга ҳам республикада биринчи бўлиб опа мушарраф бўлган. Биринчи "СССР халқ артисти" ва, ниҳоят, санъаткорлар орасида биринчи бўлиб ўз эсдаликларини ёзиб қолдириш ниятида қўлига қалам олган ва бунинг урдасидан чиқа олган ҳам Ойимхон Шомуротовадир.

МАЪНАВИЯТ - МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Мустақил юртимиз бугунги кунда бутун жаҳон давлатларининг эътиборини ўзига қаратмоқда. Қадимий шонли тарихимиздан, осори-атиқаларимиздан, бугунги кунда эришаётган муваффақиятларимиздан бохабар дунё мустақилликка эришган юртимизни тан олмақда. Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлганидан кейин маънавий, маърифат, маданиятга катта эътибор берилиб бу борада ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунинг ёрқин намунаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилган "Маънавий-маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридир.

(Давоми. Боши 48-бетда).

Масалан, Домла Ҳалим Ибодов ўз ҳолатига қараб туриб ижро этадиган кўшигини ре пардасидан бошларди.

— Ойнаи жаҳон орқали бериладиган "Оталар сўзи - ақлнинг кўзи" кўрсатуви орқали ҳамюртларимизга кўп ибратли маслаҳатлар бераётирсиз. Одамлар ўртасида меҳр-оқибатни янада кучайтириш учун биринчи навбатда энг зарур нарса нима деб ўйлайсиз?

— Мустақиллик шарофати билан қадимий ва айни пайтда ғоят ибратли ақидаларимиз, урф-одатларимиз тикланмоқда, кадрятларимиз қайтмоқда. Саховат-пешалик, сабр-қаноатли бўлиш инсон учун энг керакли фазилатлардан бири. Ишончингиз комил бўлсинки, ёмон куннинг кетидан албатта яхши кун, хурсандчиликнинг кетидан ғам-ташвиш келиши муқаррар. Инсоннинг умри чексиз эмас, бир кун келиб поёнига

Ўзбекистонимизни янада юксалтирадиган, халқлар ўртасидаги маданиятни ривожлантирадиган воситалардан бири маданий-маърифий ишлар соҳасида ўтказилаётган турлитуман тадбирлар, кўриклар, анжуманлардир. Бу борада Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика маркази тадбирлар ўтказиш, янгиликлар яратиш бобида изланишлар олиб бормоқда. Яқинда Янгийўл шаҳридаги "Навоий гулшани" номли маданият ва истироҳат боғида Тошкент вилояти ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси Янгийўл шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ислохотлардан келиб чиқиб "Маданий-маърифий муассасаларнинг иш фаолиятини такомиллаштириш ва ўтказиладиган тадбирлар самарасини ошириш ҳозирги давр талабидир" мавзусида республика семинар-кенгаши ўтказди. Семинар-кенгашда Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика маркази раҳбари Д.Хусанов, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Т.Ғофурбеков, "Гулистон" журнали бош муҳаррири, профессор Т.Маҳмудов, санъатшунослик доктори Р.Абдуллаев, А.Навоий номидаги республика марказий кутубхонасининг раҳбар ўринбосари Ҳ.Умарбекова, Тошкент вилояти мада-

ният ишлари бошқармаси бошлиғи З.Солихов, Янгийўл шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раисаси, ҳоким ўринбосари Ҳ.Ҳайдарова ва бошқа масъул кишилар қатнашдилар. Улар юртбошимиз Ислом Каримовнинг "Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини одамлар онгида маънавий ва ахлоқий кадрятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмади," – деган сўзларидан келиб чиқиб, маданий-маърифий муассасаларнинг иш фаолиятини янада жонлантириш, такомиллаштириш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида ўзларининг қимматли фикрларини билдириб ўз таклифларини киритдилар. Семинар-кенгашда Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидан келган жами 300 га яқин янги маданият уйлари раҳбарлари, кутубхоначилар, маданият ходимлари иштирок этишди.

Республика семинар-кенгашидан сўнг "Нуронийлар чойхонаси"да "Оила бахти - юрт бойлиги" мавзусида намунали оилаларни эъзозлаш кечаси ўтказилди. Кечада Янгийўл шаҳрининг "Мезон" маҳалласидан Ҳожи ота Маҳмуд Исмоилов, "Саида" маҳалласидан Одилжон ота-Солия аялар, "Файзобод" маҳалласидан Тошпўлат ота-Пўлатой аялар оиласи намунали оилалар сифатида эъзозланди.

"Оила бахти - юрт бойлиги" мавзусидаги адабий-муסיқий кечага Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидан келган маданият ходимлари, олимлар, ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар ва ёшлар қатнашишди. Ҳамза номли ўзбек Давлат академик драма театрининг актёри, Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов ўзининг ота-оналарни улуғловчи сўзлари билан даврани қизиқарли олиб борди. Хонандаларнинг кўшиқлари эса кечага янада файз киритиб мунаввар қилди.

Гулноза ҚОДИРОВА,
Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика маркази ходимаси.

Сухбатдош:
Маънура НАБИЕВА.

Хаёт, ўлим, мухаббат, шафкат ва илхом - ҳаммасини мусиқа айтади, зотан биз мусиқа воситасида энг олий хурликка эришамиз, бу хурлик учун эса онгимиз ёришган замонлардан то хозиргача бутун тарихимиз давомида курашганмиз, лекин унга фақат мусиқа воситасидагина етишганмиз. Фақат мусиқагина замонларга хос ёлгон акидаларни енгиб ўтиб, мудом келажак сари интилади.

Чингиз АЙТМАТОВ.



АМИР ТЕМУР

ДАВРИДА

МУСИҚА САНЪАТИ

Халқимиз яратган мусиқа дурдоналари, ҳар соҳада, чунончи тарбияда, меҳнатда, ижтимоий муносабатларда маълум даражада ўз ифодасини топади. Миллий мусиқа атрофдаги нарсаларни тўғри идрок этишга ва кадрлашга одатлантиради, дид ва хур фикр билан куrollантиради, маънавий дунёқарашни шакллантиради. Шу боис мусиқани тилсиз фалсафа деб бежиз айтишмаган.

Сохибкирон Амир Темур хазратлари асос солган буюк давлат ва унинг устувор аҳамиятга эга бўлган маънавий, мафкуравий тизимлари қаторида, халқнинг ижтимоий турмушида мусиқа санъати алоҳида ўрин тутаяди. Бу борада аввало Амир Темур шахсияти эътиборлидир. Чунончи манбалардан маълум бўлишича, сохибкирон барча соҳалар қатори мусиқа санъатига ҳам қатъи эътибор берган. Замонасининг бу соҳадаги йирик олим ва амалиётчиларини ҳар қандай фурсатда Самарқандга тўплашга интилаган. Бу фикрнинг исботини, масалан, мақомларни буюк давлат сарой мусиқасига жорий этилишида кўришимиз мумкин.

Шуни айтиш керакки, мусиқа инсон қалбини юмшатиши, унда имонга далолат этувчи меҳр-мухаббат ва раҳмдиллик туйғуларини уйғотиши мумкин. Шу билан бирга, мақомлар мазмунида буюк давлат мафкурасига мувофиқ бўлган тасаввуф таълимоти ғояларини бадиий ифода этиш вазифаси ҳам қўйилган. Табиийки, ушбу мураккаб ижодий масаланинг ечими ҳар томонлама етук мусиқашунос олимлар зиммасига юклатилган. Амир Темурнинг бевосита саъй-ҳаракатлари билан бу илмнинг устодлари турли мамлакатлардан бизнинг диёримизга

келтирилган эди. Хусусан, Ибн Арабшоҳнинг "Темур тарихида тақдир ажойиботлари" китобида таъкид этилишича, Самарқандга келтирилганлар қаторида машҳур мусиқачи ва мусиқа илмида устод Абдулқодир ал-Мароғий ва унинг ўғли Сафиуддин, куёви Насрайн, Қутб ал-Мовсулий, Ардашер ал-Чангий ва бошқалар бўлган. Муҳими шундаки, бу устозларнинг илмий-амалий фаолият кўрсатишлари учун сохибкирон саройида зарур шарт-шароитлар яратиб берилган.

Манбаларга кўз ташлар эканмиз, ҳатто мусиқа санъатида меҳроқибат, ватанпарварлик, имон-эътиқод, адолатлилик, бир-бирга ғамхўрлик ғояларини элга сингдириш йўл-йўриқлари борлигига амин бўламиз.

Мазкур масалани мубоҳаса этганда, ўша даврда устувор мафкура ва сарой мухитида етакчи бўлган фалсафий таълимотлар муҳим аҳамият касб этиши табиийдир. Маълумки, буюк давлат мафкураси бевосита ислом динига таянган. Бу хусусда сохибкироннинг "Таржимаи холи"да шундай эътироф қилинади: "Мен ҳар доим исломга қатъий риоя қилдим ва Оллоҳ Таоълонинг амри билан улуғланган шахсларга ҳурмат билан қарадим... Исломга тааллуқли ишларни мен ҳар доим қундалик ва дунёвий ишлардан устун қўйиб келдим. Аввал тангри тоатини адо этиб бўлгандан кейингина қундалик ишларга қўл урдим". Шу билан бирга, Амир Темур ҳукмронлиги даврида тасаввуф таълимоти алоҳида мавқега эга бўлиб, буни Амир Темур томонидан шайхул машойихларга, пиру устозларга кўрсатилган алоҳида иззат-икром намуналарида кўриш мумкин. Натижада сўфиёна ғояларни сарой мухити, халқнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш билан боғлиқ шеърят, тасвирий санъат ва бошқа санъат намуна-

лари қатори, мусиқада ҳам кенг имкониятлар мавжуд эди. Алалхусус, "қомил инсон" таълимоти 12 мақомнинг тартибга солинишида асос этиб олинганлигини кўриш мумкин.

Бу борада санъатшунос олим Оқилхон Иброҳимовнинг фикрига таяниб айтиш мумкинки, "Ушшок" мақоми-сўфиёна ишқ ва, умуман, Тангри Таоълога бўлган чин ошиқлики, "Наво" мақоми-ишқ ўтида дард (наво) чекишни, "Бузрук" мақоми ошиқнинг тарикат йўлига киришга аҳд боғлашени билдиради. Кейинги етти мақом – "Рост", "Хусайний", "Хижоз", "Роҳавий", "Зангула", "Ироқ" ва "Исфаҳон" номларининг ботиний мазмунида ошиқнинг тарикат йўлида рухий юксалиши, улуғ ҳаж сафарига нозик ташбех этилган. Жумладан, "Рост" (тўғри йўл) – тарикат йўлини, "Хусайний" – пири муриди (йўлбошчини), "Хижоз" – Маккаи мукааррама ва Мадинаи мунаввара шаҳарлари жойлашган сарҳадни, йўлнинг асосий мақсад тимсолини англатади. "Роҳавий" (роҳ-йўл), "Зангула" (туя бўйнига илинадиган қўнғирок) "Ироқ" ва "Исфаҳон" олис манзилларнинг забт этилишини билдиради. Зеро, ҳаж йўлида Ироқ чўлларида ўтилган, Исфаҳон эса ана шу мақсадга яқин жойлашган шаҳарлардан биридир.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида кенг қўламда олиб борилган мафкуравий тизимнинг барчаси халқ фаровонлигини таъмин этишга, мустаҳкам, кучли давлат тараққиётига, халқ маънавияти, маърифати, маданиятининг ўсишига хизмат қилган.

Адолат ЗИЁДОВА,
Ўзбекистон ФА
Самарқанд
бўлими "Маънавият
тарихи"
сектори аспиранти.

Давримиз тарихда рўй берган буюк бурилиш йилларини эслатади. Ҳар жабҳада янгилашиш, интилиш, кураш, инсоннинг ички олами ярқ этиб кўзга ташланадиган замон келди. Тарбия топган, вужудда қони жўшиб турган, фаросатли, имон-этиқодли одамларнинг омади келаяпти - бойлик ҳам, фаровон ҳаёт ҳам яратилаяпти, аммо иккинчи томондан укүвсиз, нўноқ, ўз ақл-идрокини ишга соломмай хомуш тортиб юрганларнинг аҳволи оғирлашаяпти. Улар жамиятни, янги ҳаётни нохушликларнинг асл сабабларини ўз хатти-ҳаракатларидан изламайдилар.

Умуман, инсон шахсияти ва унинг намоён бўлиши энг асосий муаммолардан бири бўлиб қолди. Ҳар кимнинг онг-тушунчаси, эътиқоди, ҳаётга муносабатига қараб унга баҳо бериш замони келди. Маънавий ички олам биринчи ўринга чиқди.

Шўролар замонида мафкура ва сиёсатда, тарбия ва илмий тадқиқотларда "маънавият" тушунчаси кам ишлатиларди, "маданият" тушунчаси эса ҳаддан зиёд кўп қўлланиларди. Мустақиллик йилларида "маънавият" тушунчаси "маданият" тушунчасига нисбатан энг кўп даражада ишлатила бошланди. Хусусан, Президентимиз Ислам Каримовнинг маънавият ҳақида жуда кўп ибратли, доно фикрлари мавжуд. Ҳаётнинг тақозоси билан, иқтисодий ислохотларни мувафаққиятли таҳлил қилиш туфайли, маънавият биринчи даражали аҳамиятга молик ижтимоий ҳодиса сифатида кўзга ташлана бошлади.

Маънавият ва маданиятни шакллантириш борасида янги талаблар, янги мезонлар ўртага қўйилмоқда. Бир томондан маънавият ва маданиятни ривожлантириш орқали биз фуқаролар жамиятини барпо этиб, унда соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказишимиз ҳамма соҳада ибрат ва намуна бўла олсин. Иккинчидан, маънавият ва маданиятни ривожлантириш Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти ичида муносиб ўрин эгаллаши билан боғлиқ. Яъни, ривожланган мамлакатлардаги ижтимоий ва шахсий ҳаётда қарор топган юксак маънавиятлилик белгилари, тадбиркорлик маданияти, бозор маданияти, савдолашиш маданияти биз учун сув билан ҳаводек зарур бўлиб турибди.

Инсоннинг бутун вужудига сингиб кетган, унинг ақл-идроки, туйғуларининг асосини ташкил қилган, унинг эътиқодига, яшаш тарзига айланиб қолган ғоялар маънавиятнинг асосини ташкил этади. Бу ғояларнинг марказида инсонийлик белгилари туради. Яшашдан мақсадни тўғри белгилаш, ҳаётнинг моҳиятини тўғри тушуниш, инсон

бўлиб яшаш, инсоф, диёнат, олижаноблик туйғуларини қалбга жо қилиш маънавий шаклланиш босқичларидир. Маънавий юксак одам ҳар қандай турмуш зиддиятларидан, иғво, фиску-фасоддан, ҳасаддан устун тура олади, ўз умрини фақат яхшиликка бағишлашга ҳаракат қилади.

Маданият ҳам маънавият каби инсон камолоти учун ҳам, жамият тараққиёти учун ҳам баб-баробар қимматга эга бўлган қадриятлар мажмуасидир. Маънавият ҳам, маданият ҳам инсонни бир томондан табиат билан, иккинчи томондан, жамият билан узвий боғлаб турувчи, инсонга чинакам инсонийлик бағишловчи энг муҳим таъсирчан омиллардир.



Маънавият билан маданиятнинг муштараклиги ва улар ўртасидаги фарқлар ҳақида мушоҳада қиладиган бўлсак, шундай ўхшатишни маълумот учун қабул қилиш мумкин. Бир мустаҳкам, кўркем бинони оладиган бўлсак, маънавият шу бинонинг пойдеворидир, маданият эса бинонинг қолган қисмидир. Пойдевор қанчалик мустаҳкам бўлса, бино шунча узоқ яшайди.

Маънавият маданиятнинг ғоявий асоси, ҳаракатлантирувчи кучидир. Маданиятни маънавий юксак одамлар яратадилар, ривожлантирадилар, авлоддан авлодга етказадилар.

Инсоният энг бошиданок, кейинчалик ҳам, ҳозир ҳам асосан иккита саволга жавоб излаган. Биринчи савол: яшаш учун нима қилиш керак? Иккинчи савол: қандай яшаш керак? Биринчи саволга иқтисод жавоб бериб, яшаш учун моддий неъматлар ишлаб чиқариш керак, дейди. Иккинчи саволга маданият маданият яшаш керак деб жавоб қайтарди.

Демак, маданият яшашнинг, ҳаётнинг муҳим бир томони. Мада-

ният универсал аҳамиятга эга. Шунинг учун у иқтисоддан кўра кенгрок доирада амал қилади. Масалан, ишлаб чиқариш жараёни олайлик. Ишчи дастгоҳ ёнида туриб мато тўқияпти, дейлик. Завод ускуналари, хом ашё, технология – булар иқтисодий омиллар. Ишчи шу омилларни қайси йўллар билан, қайси усуллар билан ишга соляпти. Демак ишчининг бутун ҳаракатида, унинг ишга муносабатида, ихчам ва бежирим фаолиятида, ўй-хаёлида, интилишларида маълум руҳий томонлар мурассама.

Маданият шунинг учун ҳам кўп қиррали ва ранг-барангдир. Деҳқончилик маданияти, ишлаб чиқариш маданияти, савдо маданияти, нутқ маданияти, муомала маданияти ва ҳоказо, ҳаётнинг барча томонида маданий омиллар мавжуд. Маданиятни мана шу тариқа кенг қамровли тушунча сифатида характерлаб, шунга яраша унга таъриф бериш керак.

Ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг барча соҳасида инсон руҳига ижобий таъсир қиладиган, унинг кайфиятини кўтарадиган, қалбини тўлқинлантирадиган, юрагида орзу-армонларни уйғотадиган, курашга, олга интилишга ундайдиган барча жонли ва реал ҳодисалар мажмуаси маданият деб аталади.

Кўпинча "маданият" тушунчаси "маънавият" ичига киритиб юборилмоқда, ҳамма нарсани маънавият деб аташ одат тусига кириб бормоқда. Масалан, "Тафаккур" журналининг 1996 йил 3-сонида Назар Тўраев ва Мансур Султоновларнинг "Истиқлол – маънавият сарчашмаси" номли мақоласида "Маънавиятга фақат маданий, тарбиявий, ахлоқий, диний мажмуа деб қараш камлик қилади. Чунки маънавиятда улкан иқтисодий, молиявий, техникавий, ҳуқуқий мазмундаги тажриба ва билимлар ҳам акс этади", дейилган.

Бунақа мушоҳадалар жуда кўп, уларни ўқиб маънавият нима-ю, маданият нима, тагига етолмай бошиқ қотади.

Маънавият маданиятга нисбатан кенгрок тушунча эканлиги маълум. Тўғри, маънавиятнинг ўз маъноси, моҳиятини намоён бўлиши бор, маънавиятнинг аҳамияти эндиликда беқиёс эканлиги ҳаммамизга маълум, аммо бу дегани "маданият" тушунчасини кўп ишлатмаса ҳам, унга унчалик катта эътибор бермаса ҳам бўлади, деган гап эмас-ку. Ҳар бир ҳодисанинг ўз аниқ таърифи, моҳияти, мақсади, вазибалари бўлиши керак.

Абдувосит ЙЎЛДОШЕВ.

анча-мунча молларни олиб келиб, бозорларимизни янада киздирадидлар.

Улар сотувчиликни ҳам жуда боппаяптилар - эски молни янги деб, ачиган қатиқни ачимаган деб. Ўзим ҳам бир дўкондан икки маротаба қатиқ сотиб олдим, икки маротаба ҳам ачиган бўлиб чиқди. Учинчи маротаба ҳам сотувчи кўзларини сузиб, мулоимгина: "Ачимаган, янги," деб менга ачиган қатиқни узатмоқчи бўлди. Ўша дўконга бошқа қадам босмадим.

Шунисиям борки, аёл киши сотувчилик қилаётган дўкондан бирор нарса харид қилмай кетолмайсиз. Чунки у кўзларини катта очиб, кўзингизга лўқ этиб, тик қараб туради, худди: "Сен ҳам эркакмисан!" - демоқчи бўлгандек. Уялганингиздан бирор арзонгина нарса сотиб олмоқчи бўлиб турганингизда, аёл сотувчи эпчиллик билан кўлингизга ўтмай қолган эски ва қиммат молни тутқазиб қўйганини сезмай қоласиз. У эса сизни ва молини мақтай кетади, бошқа харидорларни ёмонлайди. Мажбур бўлганингиздан, ўша кераксиз, қиммат нарсани сотиб олиб, пулингизнинг қайтимини ҳам олмайсиз.

Аёллар эрларининг пулларини ҳисоблашга уста бўладилар - уларда ҳисобчилик касбига лаёқатлари бор-да. Улар эрларининг пули қанчаси қаёққа кетганлигини санайвериш, баракасини учириб юборадилар. Жиддийроқ, инжиқроқ аёл бўлса, барақага қўшилиб рангингиз ҳам ўчиб кетади.

Хотинлар учун солиқ назоратчиси касби ҳам ярашади. Улар эрлари билан бўлган муносабатларида анчагина тажриба орттириб оладилар. Аёл киши эрининг қаердан ва қанча пул олганини яхши билади, қаерга яширганини, кимга сарф қилмоқчи бўлиб турганини аниқлай олади. Буни эса ҳатто кўпни кўрган ва манаман деган солиқ назоратчиси ҳам аниқлай олмайди. Лекин хотин кишиларнинг қароқчилигиам бор - ортиқча пулни эридан тортиб олаётганини кўрсангиз, сўзларимга ишонасиз.

Аёл киши ҳар қандай касбни уддалайди. Терговчилик касби эса унга жуда мос келади. Кўзингизга тик қараб, кеча кечаси қаерда ва ким билан бўлганингизни, нима билан шуғулланганингизни дарҳол аниқлаб олишга

ҳаракат қилиши ва ашёвий далилларни ҳам ахтаришидан билаверасиз. Рост гапни айтиб, сўзларингизнинг чин экани ҳақида онт ичмагунингизча у сизни тинч қўймайди. Бошлиқ аёллар ўз ишларини яхши биладилар, қай маҳалда қанақа буйруқ бериш, кишиларни ишлатиш, улардан унумли фойдаланиш сирларини яхши биладилар ва ҳар қанақасига ишлатиб ташлайдилар. Шунинг учун бўлса керак, бир идора хизматчилари ўз бошлигини бир чақиримча узоқликдан кўришлари биланоқ, бир зумда ғойиб бўлиб қолганларини ўз кўзим билан кўрганман.

Аёллар туғма - агент жосуслар. Уларнинг баъзилари шундайки, бир сирни билиб олса бас, уни тўртинчиси, бешинчи, олтинчи, еттинчи, саккизинчи... Аёл билан сирдошлик бутун олам билан сирдошликдир.

Хотин кишининг кетворган-келворган ва кўп юрадиганларидан эса сайёҳ чиқиши мумкин. Сайёҳлик қилишмоқда ҳам. Лекин уларнинг босиб ўтаётган йўллари тоғ-тошлардан, қумсаҳролардан эмас, балки боғу роғлардан, хорижий пойтахт шаҳарларининг шоҳ кўчаларидан бели букилиб, юк кўтариб ўтмоқда.

Аёлларнинг аксарияти рақсга, ўйнашга ўч бўладилар. Эркаклар бундай ўйнашга чидолмайдилар. Шундай аёллар орасида ўйнашни ўзларига касб қилиб олганлари ҳам бор. Улардан баъзилари кўйлақларини калта қилиб оладилар. Бундай раққосалар учун барча эшик ва кўчалар очилиб кетади. Чунки унинг ўзиям очилиб-сочилиб кетади-да. Лекин бунинг хавфи жойи бор - очик нарсага микроб тарқатувчи хира пашшалар қўнади. Бундай олганда қарисига пашшам қўнмайди-ку, у кўйлагиниям калта қилмайди.

Хуллас, аёлларнинг касбларини санаб, саноғига етиб бўлмайди. Сирасини айтганда, агар йигит кишига қирқта ҳунар ҳам оз дейдиган бўлсак, унда аёл кишига ундан ҳам кўпроқ дейишимизга тўғри келади.

Сўнгги пайтларда улар ҳатто кўп соҳаларда эркакларнинг ўринларини босиб, уларни бир четга суриб ҳам қўйишаётир. Хайриятки ҳаёли, иболи, иффатли қизлар, назокатли келинлар бундай қилмайдилар...

Муҳсин ҒАНИЕВ.

Тўғри

6

1998

Учредитель:

Министерство по делам
культуры
Республики Узбекистан

На узбекском языке

Навбатчи муҳаррир
Маҳкам МАҲМУДОВ

Мусахҳиҳ
М.АБДУЛЛАЁРОВА

Компьютерчи ва
саҳифаловчи
Нодира СОАТОВА

Муҳарририят турар жойи:
700029, Тошкент - ГСП,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



Телефонлар:

Бош муҳаррир - 136-78-90
Бош муҳаррир ўринбосари - 133-07-94
Масъул котиб - 133-07-94
Рассом ва мусахҳиҳ - 136-56-02

Босишга рухсат этилди
28. 10. 98 йил.

Қоғоз ҳажми 60x84/116
Офсет босма.
Шартли босма тобоғи 7,64.
Нашриёт ҳисоб тобоғи 9,88.
Шартли бўёқли нусха 18,5
Буюртма №3010.
4191 нусхада чоп этилди.

Сотувда эркин нарх.

"Шарқ" нашриёт-матбаа
концернининг босмаҳонаси.
700029, Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41.

© "ГУЛИСТОН" 6, 1998.

Тошкент шаҳридаги
“Туркистон” маҳалласи бўйича
ўтказилган “Энг ибратли хонадон”
кўрик-танловида биринчи ўринга
муносиб топилган Маърифат ая
Зокирова неваралари билан.

Суратни
М. НУРИНБОЕВ олган.



Тошкент вилояти, Янгийўл
шаҳридаги “Навоний гулшани”
номли маданият ва
истироҳат боғида бўлган
республика-семинар
кенгашидан лавҳалар.

Қ. ҲАСАНОВ фотолари.



Баҳоси: чакана савдода
эркин нархда.

ИНДЕКС 820

Ўزбекистон



Шарқ
Халқларининг мумтоз
санъаткори
Жўрабек МУРОДОВ.